

М.О. Мусаева, З.И. Аташикова, Н.О. Шамадиева

Қозогистон Республикаси  
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган

# АДАБИЙ ЎҚИШ

Умумтаълим мактабларининг  
4-синфи учун дарслерик

4

Алматы  
  
«Жазушы»  
2019

УДК 373.167.1  
ББК 83.3 (5 Узб) я 72  
М 78

## Шартли белгилар

Ўқинг



Ёзинг



Сўзланг



Тингланг



Савол ва топшириқлар



Чизинг



Саҳналаштиринг



Фикрланг



Ёдлаб олинг



**Мусаева М.О. ва б.**

М 78    Адабий ўқиши. Умумтаълим мактабларининг 4-синфи учун  
дарслик / М.О. Мусаева, З.И. Аташикова, Н.О. Шамадиева.  
– Алматы: Жазушы, 2019. – 224 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-685-8

УДК 373.167.1  
ББК 83.3 (5 Узб) я 72

ISBN 978-601-200-685-8

© Мусаева М.О., Аташикова З.И.,  
Шамадиева Н.О., 2019

© «Жазушы» баспасы, 2019

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.  
Нашрнинг мулкий ҳуқуқлари  
«Жазушы» нашриётига тегишли.

# *Менинг Ватаним – Қозоғистон*



Онадай бағри кенг Қозоғистоним,  
Серхосил мевали боғу бўстоним.  
Сенсан ўзинг шавкату шоним,  
Мустақилсан, она Ватаним.  
Гулла яшна ҳамиша элим,  
Элда азиз ҳур ўлкам менинг.  
Она юртим, чаманим менинг,  
Қозоғистон – Ватаним менинг!

Ф. Ўлжаева

**1-бўлим**

# 1

## МАДХИНГНИ КҮЙЛАБ



1

Шеърни ифодали ўқинг ва мазмунини сўзланг.

### МАДХИНГНИ КҮЙЛАБ

Ватаним, мадхингни күйлаб толмайман,  
Чорласа, ўзга юрт – ташлаб бормайман.  
Дунёда давлат кўп, сен – ягонасан,  
Киёсда тенгинг йўқ, сен – бебаҳосан.

Пойтахting – Астана, Ишим соҳили,  
Бўйидаги мисли заррин кокили.  
Иккинчи пойтахт – гўзал Олмаота,  
Маданий марказдир, – зиё тарқатар.




Учинчи пойтахting – Чимкент шаҳридир,  
Серқуёш бу диёр – юртнинг фахридир.  
Кишлоқларинг ажиб жаннатмакондир,  
Бепоён даштларинг ғаллага кондир.

Меъморчилик санъати равнақ топмоқда,  
Муҳташам бинолар қад қўтармоқда.  
Барқ уриб очилган турфа гулларинг,  
Кўтарар кўрганнинг баҳри – дилларин.

Ватаним, сени ҳеч кимга қиймайман,  
Кун сайин ҳуснингга боқиб тўймайман.  
То абад ҳилпираб турсин байроғинг,  
Офтоб мисол порлаб, ёнсин маёғинг.

*Зухро Ирисмат қизи*





2

## Савол ва топшириқлар.

1. Шоир Ватанимизни қандай таърифлайди?
2. Ватанимизнинг пойтахти ва йирик шаҳарлари ҳақидаги мисраларни ўқинг. Бу шаҳар ҳақида билган маълумотларингизни айтинг.
3. Дафтaringизга Қозоғистондаги йирик шаҳарлар номларини ёзинг.
4. Шеърни ёд олинг.



3

Дўстингиз билан шеърнинг ҳар бир тўртлиги асосида “Жона-жон Ватаним” мавзусида постер тузинг.



4

Шеърни ифодали ўқинг.

## СЕНТЯБРЬ ҚЎШИФИ



Ўқиши учун келди вакт,  
Болалар ғайрати шахд  
Қўлда китоб-дафтар тахт,  
Ўқиши қандай гўзал баҳт,  
Биринчи сентябрь,  
Биринчи сентябрь!  
Кўча кўйга тўлиб бола,  
Кийинишиб гулдай сара,  
Мактаб борар гала-гала,  
Ўқитувчи опам Лола,  
Биринчи сентябрь,  
Биринчи сентябрь!  
Ана данғиллама мактаб,  
Ўқувчилар унда саф-саф,  
Оёқлари илдам сакраб,



Айтингизлар түйми не гап?  
Биринчи сентябрь,  
Биринчи сентябрь!

*Құддус Мұхаммадий*



5

### Савол ва топшириқлар.

1. Шоир қайси байрам ҳақида ёзған?
2. Шеърнинг охирги түртлиги орқали шоир қандай фикрни билдирган деб ўйлайсиз? Ўз фикрингизни далилланг.



6

### Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтириңг.

Тинчлик – фароғат.

Билимли – олим,  
Билимсиз – золим.

Билим - бойлиқ калити.

Заррин кокили  
Мұхташам  
Маёғинг  
Шахд



6

# 2

## БИЗНИНГ ҚОЗОҒИСТОНИМИЗ



1

Матнни дикқат билан ўқинг ва мазмунини сўзланг.

### БИЗНИНГ ҚОЗОҒИСТОНИМИЗ

Жаннатмакон, бепоён, ҳур ўлкамизни Қозоғистон дейдилар. Ватанимиз пойтахти Евроосиёning кўприги гўзал Астана шаҳридир. Қозоғистонда осмонўпар тоғлар, бепоён далалар, сувлари маржон дарё-ю, кўллар, шовуллаган дараҳтзор ўрмонлар бор. Гўзал шаҳарлари, қишлоқларида турли миллат вакиллари бир-бирлари билан аҳил ва иноқ яшайдилар.

Ватанимиз ер ости бойликлари, ғалласи, сут-гўшт маҳсулотлари ва мева-сабзавотлари билан дунёга машҳурдир.



Қозоғистоннинг Астана, Алмати, Туркистон, Шымкент, Тараз каби қадимий ва навқирон шаҳарларида маданий обидалар жуда кўп. Юртимизга ҳар йили қўплаб чет эллик сайёҳлар келадилар. Улар мамлақатимизнинг тарихи ва маданияти билан танишиб, ўз юртларига бир олам таассуротлар билан қайтадилар.

Қозоғистон 1991 йили 16 декабрда Мустақилликка эришган. Ҳар йили 16 декабрни Мустақиллик байрами сифатида нишонлаймиз. Шу давр ичида Ватанимиз беқиёс даражада гўзаллашиб, ривожланниб бормоқда.

Биз – болалар ўз билимимиз, аъло хулқимиз билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, келгусида комил инсонлар бўлиб етишишга ёшлиқ чоғимиздан бошлаб ҳаракат қилишимиз керак.. Зоро, Ватанимиз биз ўғил – қизларга яратиб берадиган баҳтли – садатли ҳаётнинг жавоби ҳам етук бўлмоғи лозим.



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Ватанимизнинг ҳақиқий эгалари кимлар деб ўйлайсиз?  
Фикрингизни далилланг.
2. Мустақиллик берган неъматлар ҳақида оғзаки фикр юритиб, ўзингизни синаб кўринг.
  - ўзликни англаш нима?
  - Қозоғистонда техниканинг ривожланишига мисол келтира оласизми?



3

Интернетдан Ватанимиз мустақиллигининг биринчи беш йиллигидаги энг муҳим воқеалари ҳақида маълумот тўпланг ва дафтарингизга ёзинг.





4

## Ватан ҳақидаги ҳикматларни ўқинг ва мазмунини тушунтиринг.

- Яхши инсон бўлишинг, жамиятга фойданг тегиши ҳам Ватанини севишингдир.
- Ҳар кимнинг юрагида ўз Ватанинг жажжи қиёфаси яшайди.
- Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.
- Ватан олдидаги бурч инсон учун муқаддасдир.



5

## Шеърни ифодали ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Боболар каломи тилимда доим,  
Сен учун юрагим қўлимда доим.  
Софинаман юрган йўлимда доим,  
Ватан, ягонасан дилимда доим.

*Муҳаммад Юсуф*

Шеърни ёд олинг.

Жаннатмакон  
Навқирон  
Сайёҳ

# 3

## ЮРТ БАЙРОГИ



1

Шеърни ифодали ўқинг, мазмунини сўзланг.

## ЮРТ БАЙРОГИ

Элнинг эрк-у ғууриин –  
Рамзи, бахт чароги бу.  
Озод юрт байроғи бу,  
Обод юрт байроғи бу!  
Улуг боболар руҳи,  
Шаҳди мужассам унда.  
Элим деган эрларнинг  
Аҳди мужассам унда.  
Мустақиллик шукуҳи,  
Қадри мужассам унда.  
Кўзимиз қароги бу –  
Озод юрт байроғи бу.  
Юксакларда ҳилпираб –  
Порлаб турар ҳамиша.  
Буюк ғалабаларга  
Чорлаб турар ҳамиша.  
Эзгулик маёғи бу,  
Озод юрт байроғи бу!

*Дилшод Ражаб*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шоир Ватан байроғини қандай сўзлар билан таърифлаган?
2. Ватанимиз байроғи қаерларда ҳилпираб туради?
3. Шеърни ёд олинг.





3

Шеърнинг ҳар бир бандига сарлавҳалар танланг. Уларни изоҳланг.



4

Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Айрилмагин элингдан,  
Кувват кетар белингдан.

Ҳар қуш ўз уясига  
Қараб учар.

Ватансиз инсон – куйсиз булбул.



5

Расмларни кузатинг.



Расмларда Ватанимизнинг қандай жойлари тасвирланган? Улар ҳақида билганларингизни гапириб беринг.



## Шеърни ифодали ўқинг.

Китоблар кўп дунёда,  
Барчасидан зиёда,  
Нур сочар мисли офтоб,  
Бизнинг Бош Қомус китоб!

Ҳар сўзида минг маъно,  
Ҳам меҳр, ҳам қудрат жо,  
Қадрлидир доимо,  
Бизнинг Бош Қомус китоб!

Адолатдан сўзлайди,  
Эзгуликни кўзлайди,  
Тенг-тенгликни истайди  
Бизнинг Бош Қомус китоб!

*Дилшод Ражаб*



## Савол ва топшириқлар.

1. Шеър қандай китоб ҳақида ёзилган?
2. Қозогистон Республикаси Конституцияси куни қачон нишонланади?
3. Бош Қомус китобимиздан билим олиш ҳақидаги моддани топиб ўқинг ва дафтарингизга ёзинг.

Эзгулик  
Мужассам  
Бош Қомус

# 4

## БУЛБУЛ ЧАМАННИ СЕВАР, ИНСОН ВАТАННИ...



1

Матнни ўқинг, мазмунини сўзланг.

### БУЛБУЛ ЧАМАННИ СЕВАР, ИНСОН ВАТАННИ...

Азиз болажонлар, сиз гўзал боғларга, она табиатга, нурли оламга бир олам ҳавас билан боқасиз. Сиз завқ-шавқ билан шахдам-шахдам юрганингизда олам жонланади. Боғлар, чаманлар сизга талпиниб қучоқ очади.

Шалоладай шўх кулгингиз мудроқ қалбларни уйғотади. Эшит-япсизми, булбул сайраяпти. Уни тинглаб, ёш дилингизда она юртга меҳр туйғулари дарёдай жўш уради.

Сиз ҳам она – Ватан боғида гул-у ғунчасиз. Ўсиб, улғаясиз! Сиз билимга, гўзалликка, меҳрга чанқоқсиз.

Ҳаёт шиддат билан олға интилмоқда. Кунлар ҳафталарни, ҳафталар ойларни қувиб, йиллар алмашмоқда!

Сиз улғаймоқдасиз...

Она – Ватан йўлингизга кўз тикиб, сизни кутмоқда. Сиз – ҳаёти-мизнинг мазмуни, юрагимизнинг устунисиз. Сиз – она халқимизнинг умид-ишончи, олам-олам қувончи.

Сиз – Ватаннинг тоғдай таянчисиз!

Бизнинг Қозогистон – ботирлар Ватани!

Буюк ботир боболаримиз бу юртнинг ҳар қарич тупроғини эъзозлаган. Уни оёқ ости қилган ёвларни юртдан қувиб чиқарган.

Юртимизнинг оқил бийлари Айтекебий, Қазибекбий, Толебийлар халқни бирлаштириб, бу муқаддас тупроқни авлодларга қолдирганлар.

Улуғ оқинлар Абай, Жамбил, Ибрай боболаримиз ўз шеърларида мадҳ әтган тупроқ бу. Бу юрт – шундай алломалар юрти! Унинг

номини тилга олганда, юрагимиз фахр-ифтихор туйғулари билан түбіл тошади.

Сиз оламга довруғ тараттан ҳур Ватан фарзандларисиз.



2

### Савол ва топшириқлар.

1. “Ватанни севиш” деганда күз олдингизга нималар келади?
2. Юртимиз ботирлари, арబблари ҳақида билганингизни дүйстларингизга сўзлаб беринг.
3. Сиз Ватаннинг содик таянчи бўла оласизми? Фикрингизни далилланг.



3

Ота-онангиздан Ватанимиз мустақиллигининг иккинчи беш йиллигидаги энг муҳим ўзгаришлар ҳақида сўраб билинг ва дафтaringизга ёзинг.



4

Шеърни ифодали ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

### ТУҒИЛГАН ЕР

Туғилган ер – олтин бешигим,  
Тебратдинг мени бағрингда.  
Юради сенинг исминг  
Мангу боқий қалбимда.  
Туғилган ер – олтин маконим,  
Бахтим сенсан соғинган.

Мангу боқий ўтаман,  
Қарздор бўлиб сенга мен.

*Қувондиқ Шангитбаев*

Шеърни ёд олинг.



5

Ёзинг.

1. “Туғилган ер” шеърида туғилган ер қандай таърифланган?
2. Туғилган жойингиз нима деб аталади? Туғилиб ўсган жо-йингиз ҳақида эссе ёзинг.




6

Шеърни ўқинг. Тоқ мисралардаги битта сўзнинг тескари ёзилганига эътибор беринг.

Йўлим тушди наднес кўп йироқ,  
Ҳузурингга қайтгумдир бироқ.  
Ахир, айт-чи, аногеб элда,  
Кимнинг бахти, ҳаёти кулган?  
Кўкка отсанг, оттаҳ ҳиссиз тош,  
Ерга қайтар, олиб кетмас бош.

*Муҳаммад Али*



# 5

## ВАТАН МАДХИ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### ВАТАН МАДХИ

Кимга дашт бошпана, кимгадир гулзор,  
Ҳар кимнинг сифинган саждагохи бор.  
Ҳар ҳовуч тупроғи кўзга тўтиё,  
Биз учун қадрдон шу азиз диёр.

Ўпинг, кўзингизга суринг тупроғин,  
Ҳар сўзин муқаддас дуодек севинг.  
Қаданг юракларга миллат байроғин,  
Ватани Нажмиддин Қубродек севинг.

Кўнглимнинг гавҳари шу азиз маскан,  
Фидодир ҳамиша унга жон-у тан.  
Оталар ҳимматин ёди машъали,  
Оналар оқ сути ҳурмати – Ватан.

Ўпинг, кўзингизга суринг тупроғин,  
Ҳар сўзин муқаддас дуодек севинг.  
Қаданг юракларга миллат байроғин,  
Ватани Нажмиддин Қубродек севинг.

*Муҳаммад Юсуф*



2

Савол ва топшириклар.

- Шоир Ватан тупроғи ҳақида ёзган фикрларни сиз қандай тушунасиз?

- Шеърни ўқиши давомида қандай ҳис-туйфуларни сездингиз?  
Фикрингизни далилланг.
- Шоирнинг Ватанга берган таърифларини топиб ёзинг, сиз қандай таъриф берган бўлар эдингиз?
- Шеърни ёд олинг.



**3**

### Расмларни кузатинг.



Расмлар асосида дўстларингиз билан “Бепоён юртим” мавзусида савол-жавоб ўтказинг.



**4**

### Матнни тингланг.

Ҳар қандай инсон она Ватани, ота-боболари ўтган муқаддас замин билан фахрланиб яшайди. Бу туйғу унга куч-қувват беради, ақлидрок ато этади, мардликларга ундейди. Инсондек яшаш, меҳнат қилиш, ҳаёт кечиришни таъминлайди.

Ватанинни севиш – бу она юртнинг равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ўзини қаҳрамонликларга тайёрлаб бориш демакдир. Ўзи яшаб турган заминни эъзозлаш, табиатини ва нафосатини сақлаш, унинг гўзаллигига гўзаллик қўшиш, одамларни сева билиш, аъло ўқиши, хушхуљк бўлиш демакдир.

Ватаннинг ҳар бир қарич ерини муқаддас билиб қадрлаган инсон ҳақиқий ватанпарвардир.



5

Үйланг – жуфтлиқда ишланг.

1. Матн бүйича режа тузинг.
2. Режа асосида қисқа баён ёзинг.



6


Фикрланг.

Мақолларни ўқинг. мазмунини тушунтириңг.

Күшнинг тинч – сен тинч.

Элга хизмат – олий ҳиммат.

Тинчлик билан эл кўкаради,  
Ёмғир билан ер кўкаради.



# 6

## МАЖНУНТОЛ



1

Эртакни ўқинг, мазмунини сўзланг.

### МАЖНУНТОЛ

Икки дўст сафарга отланишибди. Улар узоқ йўл юриб, кўплаб мамлакатлардан, сахро-ю чўллардан ўтишибди. Қичик бир қишлоқка етишиб келишибди. Иккиси ҳам ҳориб чарчабди. Шу сабаб бу ерда тўхтаб дам олишга келишибди. Улар атрофни кузатганча, катта мажнунтол тагига келиб жойлашишибди. Шунда ҳалиги икки йигит мажнунтолнинг танаси ялтираётганини қўриб, унга қўллари ни теккизишибди. Иккисида ҳам чарчоқ аломатидан асар қолмабди. Улар бир-бирига қараб, кулишибди. Биринчи йигит дўстига:

– Дўстим, излаган нарсамизни топдик, энди бойиб кетамиз, биз ҳам бой яшаймиз, – дебди.

Иккинчиси ҳам унинг гапини маъқуллабди. Шунда дараҳт уларнинг гапларини эшитиб, тилга кирибди:

– Эй одамзод, мен сенинг дардингни олдим, чарчоингни чиқардим. Эвазига мени ер бағридан, ўз тупроғимдан айирмоқчи бўляпсан.



Ҳали менинг қиладиган ишларим кўп, сизларга ўхшаган сайёҳларга ёрдамим тегади, – дебди.

Шунда биринчи йигит:

– Сенинг нима ҳам фойданг тегади. Бу ерда қуруқ турибсан. Сени бу ердан олиб кетсак, шаҳримиздаги касалларни даволаймиз, пул ишлаб бойиб кетамиз. Сен бўлсанг ҳали кўп иш қилишим керак, дейсан. Менга айт-чи, қайси ишинг билан ёрдам бермоқчисан? Сенинг ҳеч кимга фойданг тегмайди, фақат шу шифобахш тананг бор. На мева берасан, на ёғочликка ярайсан, – дебди.

Шунда мажнунтол яна тилга кириб:

– Эҳ, нодон одамзод, менинг мевали бўлмаса ҳам соям бор, унда яхши одамлар дам олишади, иссиқдан жон сақлашади, шифобахш танамдан эса касалликлари учун даво излашади. Яхши одамлар мени силаб, сув қуиб кетишиди. Аммо сенга ўхшаган ёвуз одамлар эса бойлик деб танамга озор беришиди. Лекин билиб қўйинглар, шохимни олиб кетганинг билан у ҳеч нимага ярамайди. Менинг танам ўз тупроғимда, ўз маконимда шифобахш, даволовчидир. Уни ўзга юртларга олиб кетганинг билан наф келтирмайди. Дараҳт бир жойда кўкаради. Шуни унутманг, – дебди.

Улар мажнунтолнинг гапига қулоқ солишмабди. Катта шохини синдириб олишибди. Сўнг йўлга отланишибди. Ўз шаҳарларига етишиб келишибди. Иккиси бараварига “Касалларни даволаймиз” деб чор-атрофга хабар беришибди. Бир зумда атрофни тумонат одам эгаллабди. Ҳар ким ўз соғлиги важидан келиб навбатда турибди. Шунда биринчи йигит йигилганлардан олдин пул олиб, сўнг мажнунтолнинг шохига касалларнинг қўлини теккизишибди. Ҳеч ким шифо топмабди. Шунда иккиси ҳам “Бир – икки кун кутинг, кейин шифосини сезасиз”, – дейишибди. Орадан бир ҳафта ўтса ҳам касалларнинг тузалишибдан дарак бўлавермагач, одамлар ёпирилиб келиб, иккисини ҳам қалтаклашибди. Берган пулларини олиб, ортларига қайтиб кетишибди. Қалтак азобига, оғриқларга чидолмай инграшибди. Шундан сўнг, улар ўзларига етарлича хулоса чиқариб, дараҳт бир жойда кўкаради, инсон ҳам ўз ватанида униб-ўсиши мумкинлигини англаб етишибди.





2

## Савол ва топшириқлар.

1. Икки дўстнинг қандай хатоликларга йўл қўйганликларини мисоллар билан тушунтиринг.
2. Эртакнинг хуносаси юзасидан ўз фикрларингизни айтинг.
3. Эртак мазмунига мос мақоллар топиб айтинг.



3

## Фикрланг.

Мажнунтол билан бирор бир дараҳтни таққослаб ёзинг.  
Ёзганларингиз асосида дўстингиз билан тақдимот тайёрланг.



4

Эртак асосида дўстларингиз билан саҳна кўриниши тайёрланг.



5

Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

1. Бирни кессанг, ўнни эк.
2. Дараҳт бир жойда кўкаради.

Тумонат  
Наф  
Шифо

# 7

## АРГУМОҚ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

## АРГУМОҚ

Тулпори билан машхур,  
Эй, поёни йўқ диёр!  
Қара, кезар ҳов уюр,  
Яшнар чўлда майсазор.  
Бергин  
Қоратўриғин,  
Шамолларга келар бас.  
Устида эгиг бўйин,  
Парвоз этай бир нафас.  
Сезсин ел алангасин  
Арғумоқ ҳам ўзида;  
Қизғалдоқлар порласин  
Унинг қора кўзида.  
Майли, кураш нелигин  
Билиб қўйсин арғумоқ.  
Олға йўл бору доим,  
Ортга йўл йўқдир бироқ...



Ўлжас Сулаймонов



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шоир тулпорни қандай сўзлар билан тасвирлайди?
2. Тулпор қандай курашда бўлиши мумкин? Фикрингизни далилланг.
3. Шеър мазмуни асосида “От йигитнинг йўлдоши” мавзусида эссе ёзинг.



3

Энциклопедиядан қозоқ ҳалқининг (от иштирок этадиган) миллий ўйинлари ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



4

Матнни ўқинг.

## ВАТАН

Ватан – инсон туғилган муқаддас жой. Ватан тушунчаси ва унга бўлган муҳаббат абадийдир. Шунинг учун биз она Ватан деб улуғлаймиз.

Туғилган элига бўлган меҳр-муҳаббатини шоир Қодир Мирза Али шундай ифодалаган:

Келганда кўклами,  
Кўнгилни гул босган.  
Чироғи кўқдаги  
Юлдуз билан сирлашган.  
Ўз элим менинг,  
Ўзагим менинг,  
Шеъримга қўшиб юраман.  
Тўпим деб менинг,  
Еrim деб менинг,  
Уради мангу юрагим.

Шеърни ифодали ўқинг ва дафтарингизга ёзинг.

*Ватанни севиш, ардоқлаш барчамизнинг  
инсоний бурчимиздир.*



5

Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Ватан қадрини билмаган ўз қадрини билмас.



Элдан ошма, элдан қолишма.

Киши юртида шоҳ бўлгунча,  
Ўз юртингда гадо бўл.

Юрт деса югуриб ишла.

Ўз билганингда бўлма,  
Эл билганидан қолма.



6


Ў.Сулаймоновнинг “Арғумоқ” шеърига мос расм чизинг.



7

Бошқотирмани ечинг.

1. ... – билим булоғи.
2. Болалар қаерда билим оладилар?
3. Билимдан ортиқ ... йўқ.
4. ... – бола әлга манзур.



Арғумоқ  
Уюр  
Ўзагим

# 8

## ВАТАННИНГ ЧИРОГИ



1

Матнни ўқинг.

### ВАТАННИНГ ЧИРОГИ

Фирдавс тўрт ёшда, гулларни, капалакларни яхши кўради. Ҳовлида чамандек очилиб ётган гулларнинг ҳар бирининг оти нима, деб бобосидан сўрайди.

Равshan бобо ҳам набирасининг саволларини ҳузур қилиб эшитади, маза қилиб жавоб беради.

– Бува, қаранг, гулимиз ухлаб қолибди, – деди гулбаргларини йиғиб олган гулбеорни кўрсатиб, – энди капалаклар нима қиласди?

– Капалакларми, улар анави қизил гулга ёки мана бу печакгулга кўнади, – жилмайди Равshan бобо.

Фирдавс бобоси кўрсатган, баҳмалдек очилиб турган атиргулнинг жажжи қўлчалари билан ушлаб эгади, сўнг ҳидлади.

– Ундан ойимнинг ҳиди келяпти.

– Баракалла, топдинг, ана шу атиргулдан қилинган атирии сепади-да, – набирасининг топқирлигидан қувониб кетди Равshan бобо.

– Атиргулдан атир бўладими, қандай қилиб? – Фирдавснинг кўзлари ҳайратдан порлаб кетди.

– Одамлар эрталаб, ҳали қуёш чиқмасдан туриб гулбаргларни териб олишади. Кейин уни атир-упа заводига юборишади.

– Бува қаранг, – Равshan бобонинг гапини бўлди Фирдавс, – ингичка капалак.

– Э, полвон болам, у капалак әмас, ниначи.

– Ниначи, унинг нинаси йўқ-ку?

– Ниначининг нинаси бор деб ким айтди сенга? Оти шунаقا-да. У кўпроқ сув бўйларида майса, гиёҳлар атрофида учади. Шунинг учун уни кўрмагансан.

– Вой, у адашиб қолдими, энди уйига боролмайдими?

- Ниначилар адашмайди, анави бошидаги парракка ўхшаган ниналарини кўряпсанми, ана шу “антенна” унга йўлни кўрсатиб туради.
- Ниначи капалакнинг ўртоғими?
- Топдинг, ўртоғи, – жилмайди Равshan бобо. – Ана қара, у анави гулхайрига қўниб турган капалак ёнига боряпти.

Фирдавс ўша томонга қаради. Қизил капалак ниначини кўрди, шекилли, салом, дегандек қанотларини йифиб, очди. Ниначи унинг қанотларига думини сал текказиб қўйди-да, парвозда давом этди. Капалак унга эргашди...

- Қаранг, капалагимиз у билан кетмоқчи. Кейин яна қайтадими?
- ташвишланиб сўради Фирдавс.
- Албатта қайтади, ахир унинг опа-укалари шу ерда, унинг уйи
- ватани шу ер ахир, – ишонч билан деди Равshan бобо, – ниначи билан бироз ўйнайди-да, қайтади.
- Мен ҳам Шаҳзод ўртоғим билан бирпас ўйнагим келяпти. Анави оқ гулни узиб беринг, – мойчечакка ишора қилди у, – ўртоғимга олиб бораман.
- Вой сен-эй, ўртоғинг ҳозир боғчада. Кечки пайт келади, ўшанда ўйнайсан.

Фирдавс қўлларини ёнига қилди, кейин иккала қўли билан икки ёнбошига тап-тап уриб, югуриб кетди. Сал нарига бориб тўхтади.

- Бува, кечки пайт қачон бўлади?
  - Қуёш ботганда.
  - Алдаманг, қуёш ботганда қоронғи бўлади. Шаҳзод қоронфидан қўрқади, унда мен билан ўйнамайди.
  - Қуёш ботган заҳоти қоронғи тушмайди, полвон. Ишонмасанг, ҳали қуёш ботишини кузатамиз. Қуёш ботганда шом бўлади, лекин ҳали кун ёруғ бўлади.
  - Қуёш қаерга ботади, йиқилиб кетмайдими?
- Равshan бобо кулиб юборди.
- Оббо, саволни ҳам қотирдинг-ку, бўталогим. Қуёш йиқилмайди, тоғнинг орқасига ботади.
  - Биз тоқقا борамизми?
  - Йўқ албатта, биз шу ерда туриб ҳам уни қандай ботаётганини кўра оламиз.



- Буважон, қуёшга айтинг, ботмасин, – хўрсинди Фирдавс.
- Нега ундаи деяпсан, полвоним, қоронғидан қўрқасанми?
- Мен қўрқмайман, гулларим қўрқади, кейин капалаклар ҳам кетиб қолади, уларнинг ватанида чироқ йўқ.

Равшан бобо набирасининг боя ўзи шунчаки айтиб юборган “Ватан” сўзини тушуниб, жажжи қалби билан уни ҳис этганидан тўлқинланиб кетди. Набирасини бағрига босди.

– Полвоним, Ватаннинг чироги борлиги, чиройлилиги учун яхши кўришмайди. Уни қандай бўлса, шундайлигича яхши кўришади. Шунинг учун ҳам у Ватан, лекин шуни билки, Ватан чироғи сира ўчмайди. Ёдингда тут, сен ҳам ўз уйингни борича яхши кўргин хўпми?

– Хўп, буважон, уйимизни ва чироғи ўчмайдиган Ватанимни, сизни ҳам яхши кўраман, – дея бобосини қучоқлади Фирдавс.

Равшан бобо набираси гапини ҳали унчалик тушуниб етмаганинг билса-да, барибир қувониб кетди. Кўзига ёш тўлди. Мурғак қалбига улуғ Ватанини жойлаётган набирасининг лўппи юзидан ўпди.

*Мұҳабbat Ҳамирова*



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Бобо ва набиранинг сұхбати сизда қандай таассурот қолдирди?
2. Равшан бобо ва Фирдавснинг яқуний сұхбатини ролларга бўлиб ўқинг. Мазмуни асосида ўз фикрларингизни баён этинг.
3. Равшан бобонинг Ватан ҳақидаги гапларини дафтaringизга ёзинг.



3

Сиз ҳам бобо, бувингиз билан сұхбатлашасизми? Сұхбатингиздан кичик ҳикоя тузиб ёзинг.

Шом  
Мурғак



## ВАТАННИ СЕВ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### ВАТАННИ СЕВ

Ватанни сев, тупроғини ўп,  
Ҳар қаричи муқаддас бизга.  
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп  
Жондан яқин юрагимизга.

Ватан – бизнинг кўзимиз нури,  
Бахтимиз – шу, қувончимиз – шу.  
Севги, меҳнат, дилимиз дури,  
Қимматларнинг қимматидир у.

Ватан – улуғ онадир азиз,  
Биз эмганмиз унинг қуёшин.  
Мехри билан тўлиб кўксимиз  
Эркалаймиз, қучамиз бошин.

Қуёшимиз табассумини  
Қоплатмаймиз булутга асло.  
Бир томчи сув, дона қумини,  
Биз кўрмаймиз душманга раво!

*Ойбек*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шоир ўгитлари мазмунини айтинг.
2. Она билан Ватан тушунчалари нима учун қиёсланади? Сиз нима деб ўйлайсиз?

3. Шеърнинг охирги тўртлигини ўқинг, мазмунини тушунтиринг.
4. Шеърни ёд олинг.



3

### Фикрланг.

Сиз ватанимизни нима учун яхши кўрасиз? Бу саволга “Ватанни сев” шеъридан фойдаланиб жавоб беринг.



4

### Матнни ўқинг.

Тарихда она Ватан, эл-юрт озодлиги йўлида курашган кўпгина қаҳрамон боболаримиз бор. Уларнинг Ватанимиз ва халқимиз озодлиги учун олиб борган курашлари ҳақида биласизми?

Қабанбай – халқ ботири. Жунғорларга қарши бўлган курашда Қаракерей Қабанбай ўзгача мардлик кўрсатади. Юрт-эл, она тупроқ озодлиги йўлида Қабанбай ботир қатнашмаган бирорта жанг бўлмаган. Улар: бир ярим йилга чўзилган Шаған жангиги, саксон кун давом этган Шўра жангиги, 1725 йилги Олакўл жангиги, 1728 йилдаги Шубарденгад бўйидаги жанг ва Жунғор қалъасидаги сўнгги ғалаба жанглариdir.

Қабанбай ботир жангга 103 марта кирган ва ҳар бирида босқинчиларни аёвсиз қириб, ботирлик ва мардликда ўрнак бўлган.

Тарихда Ватан учун жон фидо қилган буюк зотларнинг муборак номлари ҳамиша улуғланиб келади.



5

### 5. Саволларга жавоб беринг.

1. Қабанбай ботир ким бўлган?
2. Қабанбай ботирнинг жанглари ҳақида сўзлаб беринг.
3. “Мардлар қўриқлайди Ватанни” ибораси матн мазмунига мос келадими?



6

## Фикрланг.

“Қозоқ халқининг қаҳрамонлари” номли китобдан она Ватан үчүн курашган ботир боболаримиз ҳақида маълумот түпланг ва дүйстларингиз билан ўртоқлашинг.



Асло  
Раво  
Қалъа



# 10

## ЎҒЛИНГМАН, ВАТАН



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### ЎҒЛИНГМАН, ВАТАН

Мехринг билан улғайдим, Ватан,  
Қуёш бўлиб ўпдинг пешонам.  
Ҳузурингга чопаман ҳар тонг,  
Қучоғингга кузатар онам.  
Қайда бўлсанг меҳринг сезаман,  
Шодликларинг қувончим менинг.  
Бир ниҳолдек япроқ ёзаман,  
Ёлғиз сенсан сўроқчим менинг.  
Гул-боғларинг кўнглимга туташ,  
Ўғлинг бўлиб сенга қарайман.  
Мехринг менга ҳамиша йўлдош,  
Хизматингга доим ярайман.

*Анвар Ҳожи*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шеър кимнинг номидан ёзилган?
2. “Ватан меҳри” деганда қандай нарсаларни тушунасиз?
3. Шеърни ёд олинг.



3

Иzlанинг.


Интернетдан Қозоғистон Республикаси Мустақиллигининг сўнгги 10 йили ичida бўлиб ўтган муҳим воқеалар ҳақида-ги маълумотларни аниқланг ва дўстларингиз билан ўртоқла-шинг.





4

“Менинг Ватаним” мавзусида кластер тузинг.



5

Билмингизни синанг.

1. “Пойтахting Астана, Ишим соҳили, Бўйидаги мисли заррин кокили” мисралари қайси шеърдан олинган? Муаллифи ким?
2. Ватанимиз рамзлари ҳақида қандай шеърларни ўқидингиз? “Юрт байроби” шеърини ёддан ўқинг.
3. Ватанимиз ҳақида қандай маълумотларни билиб олдингиз?
4. Ватанин севган ўқувчи уни қандай ардоқлаши, қандай ишларни бажариши керак деб ўйлайсиз?
5. “Дараҳт бир жойда кўкаради” мақоли бўлимдаги қайси матнга мос келади?
6. Тарихда ном қолдирган ботир боболаримиз ҳақида сўзлаб беринг.
7. “Ватаннинг чироғи” ҳикоясидаги Равшан бобонинг Ватан ҳақидаги гапларини айтиб беринг. Ҳикоя муаллифи ким?
8. Республикамиздаги ўзингиз билган вилоят, шаҳар ва қишлоқларнинг номини дафтари-нгизга ёзинг.
9. Бўлимдаги қайси асар сизга кўпроқ ёқди? Нима учун? Фикрингизни далилланг.
10. “Она шаҳрим” (қишлоғим) мавзусида иншо ёзинг.

Туташ  
Сўроқчим

## Инсоний қадриятлар



Кел, ибрат олиб нурдан,  
Яхшилик қилиб ўрган.  
Дунёнинг шодликлари  
Сенга бўлғувси бирдан.

Т.Адашбаев

**2-бўлим**

# САЛОМЛАШИШ ОДОБИ



1

Матнни ўқинг.

## САЛОМЛАШИШ ОДОБИ

Салом – саломатлик маъносини ифодалайди. Агар сендан неча мавридда саломлашиш керак деб сўрасалар, етти ҳолатда, деб жавоб бергин. Аввало: ёр-у дўстларни, ака-укаларни кўрганда саломлашиш керак. Иккинчи: жамоат жойларга борганда салом беришинг лозим. Учинчи: бирор хонадонга борсанг, у ерга салом бериб киргин. Тўртинчи: бир ерда жам бўлиб ўтирган кишилар даврасига кирсанг, саломлашгин. Кишилар ҳузурида туроётганингда ҳам саломлашиши унутма, уни хайр-у хўш саломи дейилади. Олтинчи: ўз хонадонингга кирганингда ҳам оила аъзоларингга салом беришни канда қилма. Еттинчи: мақбарага, қабристонга борсанг салом бер.

Отлик пиёдага, турган одам ўтирганларга салом бериши лозим.

Кичиклар катталарга, ёлғиз одам жамоат бўлиб турганларга салом беради. Салом бераётган киши очиқ чехрали бўлиши даркор. Имо-ишора билан эмас, овоз чиқариб саломлашиш керак.

*Хусайн Вуиз Кошифий*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Саломлашишнинг қандай ҳолатлари ҳақида билиб олдингиз?
2. Матн мазмунидан қандай хулосага келдингиз?
3. Сиз қайси тилларда саломлашишни биласиз? Дўстингиз билан саломлашиб кўрсатинг.
4. “Саломлашиш кишида меҳр уйғотади” иборасини сиз қандай тушунасиз? Фикрингизни далилланг.



3

Ўқиганларингиз асосида “Саломлашиш – инсоний фазилат” мавзусида эссе ёзинг.



4

Шеърни ифодали ўқинг.

## СҮЗ СЕҲРИ

Хар бир гап-у сўзимиз –  
Гўё ойна-кўзгумиз.  
Айтган ҳар бир сўзимизда  
Кўринамиз ўзимиз.  
Қандай яхши сўз-калом  
Одоб боши “Ассалом”.

Хуш ёқади ҳамма вақт:  
“Раҳмат”, “Хўп-хўп”, “Марҳамат”.  
Яйратади дилингни  
Дўстларнинг “хуш келинг”и.  
Сўнгги сўз ҳам аломат:  
“Хайр, бўлинг саломат”

*Дилишод Ражаб*



5

Савол ва топшириқлар.

1. Шоир қандай “сехрли” сўзлар ҳақида ёзган?
2. Уларнинг қандай “сехри” бор деб ўйлайсиз? Фикрингизни далилланг.
3. Сиз бу сўзларни қандай ҳолатларда қўллайсиз. Мисоллар билан тушунтиринг.
4. Шеърнинг ўзингиз ёқтирган бандини дафтарингизга ёзинг.
5. Шеърни ёд олинг.



6

Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Аввал салом, баъдаз қалом.

Каттага салом бер,  
Кичикка – қалом.

Салом ҳам – фарз,  
Алик ҳам – фарз.

Маврид  
Канда қилма  
Баъдаз  
Фарз





## ЯХШИЛИК

Фазлиддин ўртоғи Наби билан қўчада ўйнаб юради. Шу пайт қўшнилари Нормамат бобонинг келаётганини қўриб қолди. Чолнинг қўлида тугунчаси ҳам бор эди. Фазлиддин ховлиқиб, ўртоғига керилди:

– Ҳозир-чи, Нормамат бобомларга ёрдам бераман. Биласанми ... мен доим қарияларга ёрдам бераман. Мени Нормамат бобо жуда яхши қўрадилар. Ишонмасанг, мен билан юргин, ўзинг қўрасан.

Болаларга яқинлашиб келган Нормамат бобо Фазлиддиннинг сўзларини эшилди чоғи, мийифида жилмайиб қўйди. Фазлиддин бобонинг олдига югуриб борди ва унинг қўлидаги тугунчасини олди.

– Бобо, келинг ёрдамлашиб юборай, сизга доим ёрдам бераман-а?  
– сўради Фазлиддин. Наби эшитиши учун жўрттага бақириб.

– Ҳа, ҳар доим ёрдам берасан, – бошини лиқиллатиб тасдиқлади Нормамат бобо.

Фазлиддин олдинда, Нормамат бобо орқада, йўлга тушдилар.

Уйга етганидан кейин Нормамат бобо Фазлиддиннинг қўлидан тугунчани олди. Лекин ҳар галгидек “Баракалла, бўталоғим, одобли бола экансан”, деб мақтамади. Фақат қуруққина қилиб: “Раҳмат”, – деди ва энгашиб Фазлиддиннинг қулоғига алланарсалар деб пи-чиirlади. Кейин кулимсираганича уйига кириб кетди. Фазлиддин ноқулай аҳволга тушиб қолди. Лабини тишлаб, чап оёғи билан ер чизди. Унинг ёнига югуриб ўртоғи келди.

– Ҳа, нега нафасинг ичингга тушиб кетди? – сўради Наби. – Нормамат бобо нима дедилар?

Фазлиддин бошини кўтаролмасди.

- Нега индамайсан?
- Яхшилик қыл, лекин кетидан мақтаниб, уни ювиб юборма, – дедилар Нормамат бобо, – зўрға жавоб берди Фазлиддин.

*Фарход Мусажанов*



2

Матнни ролларга бўлиб ўқинг.



3


Савол ва топшириқлар.

1. Ҳикояда қандай инсоний фазилат ҳақида ёзилган?
2. Нима учун Фазлиддиннинг боши эгилди?
3. Ҳикоядан қандай холосага келдингиз? Фикрингизни далилланг.
4. Ҳикоя мазмунини сўзланг.



4

Фазлиддин ва Набининг фазилатларини Венн диаграммаси орқали таърифлаб беринг.



5

“Ўзбек халқ мақоллари” китобидан матн мазмунига мос 5 та мақол топинг ва дафтaringизга ёзинг.



6

## Шеърий парчани ўқинг.

Тилинг ила ўйнама,  
Ўйламасдан сўйлама.  
Ҳар қадаминг ўйлаб бос,  
Яхшилардан ол қиёс.

*Қуддус Мұхаммадий*

Шеър мазмуни ҳикоя мазмунига мослигини ўз сўзларингиз билан ту-шунтириинг.



7

## Тез айтишни тез-тез ўқинг.

Умарнинг узумзоридаги узум навлари  
Улуғбобо узумзоридаги узум навлариданмас.

Қобил қозонда қовурдоқ қовурди,  
Қодир қақиллаган қарғага қаради.

Ховлиқиб  
Миийғида  
Қиёс





## МУКОФОТ

Хаммаси ўша, математикадан “5” баҳо олган кунимдан бошланди. Аслида-ку, олган баҳойим ҳақиқий эмасди. Ўқитувчимиз масала-нинг шартини ёзиб, уни ечиш учун мени доскага чорлади. Шу пайт уни директор чақириб қолди-ю, синфдан чиқиб кетди. Устоз қайтиб келгунча масалани “ҳашар” йўли билан ечиб қўйдим. Қарабсиз-ки, кундаликдан каттакон “5” жой олиб турибди-да.

Уйга келдим-у, папкамдан апил-тапил кундалигимни олиб, ойимга, ука ва сингилларимга мақтандим. Қечқурун эса, дадамга кўрсатдим.

– Баракалла, Азизжон, аъло баҳо олса ҳам бўларкан-ку. Яна қайси фандан денг – математикадан! Мана сенга мукофот!

Дадам шундай дея, чўнтакларидан минг сўм чиқариб бердилар. Тушлик учун эса, ойимдан пул олдим.

Одамнинг пули кўп бўлса ҳам қийин экан. Нимага сарфлашни билолмай, боши қотаркан. Шунда дўстим Нодирдан ажойиб бир таклиф чиқди:

– Азиз, ҳозир расм дарси. Унга кирмасак ҳам бўлаверади. Юр, компьютер хонага бориб пулингга ўйин ўйнаб келамиз.

Бу таклиф менга ҳам ёқиб тушди. Роса мириқиб компьютер ўйнадик. Эртаси куни яна ўйнагимиз келди-ю, аммо пулимиз йўқ эди. Шунда қалламга бир фикр келди: кундалигимни очиб, устознинг имзосини ўхшатишга уриниб кўрдим. Қарасам, бинойидек чиқди. Математика фанининг рўпарасига яна битта “5” ни “қўндириб”, дадамдан мукофот олдим. Эртаси куни катта танаффусда компьютер-хонага чопдим. Тушлик учун олган пулимга ҳам ўйин ўйнаб, вакт-

нинг қандай ўтганини сезмай қолибман. Ташқарига чиқсам, ҳамма мактабдан қайтапти...

Шу тариқа кундалигимдаги “5”ларим сони ортгандан ортиб борди. Дадам ҳам хурсанд, мен ҳам...

Бир куни синф раҳбаримизнинг дарсида, устоз, бошим оғрияпти, уйга кетсам майлим, дея жавоб сўрадим. Рухсат теккач, уйга эмас, тўппа-тўғри компютерхонага ошиқдим. У ерда қанча ўтирганимни билмайман, ташқарига чиқсам, кун кеч бўлиб қолибди. Уйга келсам ҳовлимизда ойим билан синф раҳбаримиз гаплашиб ўтиришибди. Ўқитувчимиз тобим қочиб, уйга барваҳт кетганим учун мендан хавотир олиб келган эканлар. Шу куни барча сирларим фош бўлди ва дадамдан каттакон “мукофот” олдим.

Ёлғоннинг умри қисқа, деганлари шу бўлса керак.

*Феруза Жалилова*



### Савол ва топшириқлар.

2

1. Ҳикоя мазмунини сўзланг.
2. Азизжон қандай хатоликларга йўл қўйганини айтинг.
3. “Одобни одобсиздан ўрган” мақоли ҳикоя мазмунига мос келадими? Фикрингизни далилланг.
4. Ўқувчи яхши “мукофот” олиши учун қандай фазилатларга эга бўлиши лозим деб ўйлайсиз?
5. Нодирни “ҳақиқий дўст” дейиш мумкинми? Фикрингизни далилланг.



3

### Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Эгри иш эллик йилдан кейин ҳам билинар.

Ростга завол йўқ.

Дили тўғрининг йўли тўғри.

Мақолларни дафтaringизга ёзинг.





4

## Билиб олинг!

Китоб ўқимайдиган бола кино ва мультфильмларни кўриб юраверса, тасаввур олами ривожланмай қолиб кетади.



5

## Азиз ўқувчилар



Имзо  
Ошиқдим  
Барвақт



# 14

## КИТОБЛАР МАЗМУНИ



1

Матнни ўқинг.

### КИТОБЛАР МАЗМУНИ

(Ривоят)

Қадим замонда бир шаҳзода бўлган экан. Унга отасидан катта кутубхона мерос бўлиб қолган экан.

Шаҳзода илмга чанқоқ бўлгани учун китобларда нималар ёзилганини билмоқчи бўлиб, шу кутубхонанинг ходими бўлган олимни чақирибди ва: “Бу китоблар нима ҳақида?” – деб сўрабди.

Олим: “Бу китобларда инсоният тарихи битилган”, – дебди. Шунда шоҳ олимга ман шу китобларда ёзилган маълумотларни жамлаб келишини буюрибди. Олим бир неча йиллар меҳнат қилибди.

Бир куни саройга 500 китоб ортилган аравани олиб киришибди. Олим кутубхонадаги китобларнинг мазмунини мана шу 500 китобга жойлаштирган экан. Шахзода бу пайтда анча улғайиб қолган экан.

Саройдаги ишларнинг кўплигидан бу китобларни ўқиб чиқишига фурсати етишмаслигини англабди ва шу 500 китоб мазмунини жамлаб келишини буюрибди.

Олим яна бир неча йиллар меҳнат қилиб, шоҳнинг ҳузурига 50 та китоб олиб келибди.

Бу пайтга келиб, шоҳ анча қариб қолгани сабабли ушбу китобларни ўқиб чиқишига фурсати етишмаслигини англаб, мана шу 50 та китоб мазмунини битта китобга жамлаб келишини буюрибди.

Олим яна бир неча йил меҳнат қилиб шоҳнинг буйруғини бажарибди.

Лекин бу пайтда шоҳ ўлим тўшагида ётган экан. Китобни ҳатто очиб қарай олмабди. Шунда олимга китобнинг мазмунини қисқа

қилиб айтиб беришни илтимос қилибди. Олим унга: “Инсон дунёга яхшилик қилиш учун келар экан”, – дебди.

“Тарбия китоби”дан



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Шоҳ ва олим қандай инсоний фазилатларга эга деб ўйлайсиз?
2. Олимнинг шоҳга айтган охирги гапи сизда қандай таассурот қолдирди?
3. Ўзингиз оиласигизда, мактабингизда, она юртингизда қандай яхшиликларни амалга ошира олишингиз ҳақида гапириб беринг.



3

### Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Билимларнинг макони,  
Зиёси мисли офтоб.  
Доно ҳикматлар кони,  
Номидир унинг ...

Топишмоқни дафтарингизга ёзинг.



4

Ўқиганларингиз асосида “Китоб – ўргатар одоб” мавзусида кичик ҳикоя ёзинг.



5

### Шеърни ифодали ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Яхшилик ерда қолмайди.  
Яқинингни, дўстингни асра,  
Қанотинг шунда толмайди.

Борингни ўзгадан аяма,  
Яхшилик ерда қолмайди.  
Очиқ чехра билан қара,  
Шафқатсиз бўлсанг бўлмайди.  
Меҳрибон бўл халқингга,  
Яхшилик ерда қолмайди.

*E.Багай*

Шеърни ёд олинг.



**6**

“Китоблар мазмуни” ривояти мазмуни асосида расм чизинг.



**7**

7. Қандай китобларни ўқигансиз? Ўқиган китобларингиз ҳақида дўстингиз билан суҳбатлашинг.



Жамлаб  
Фурсати  
Шафқатсиз

# 15

## ЮЛДУЗНИНГ ОРЗУСИ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### ЮЛДУЗНИНГ ОРЗУСИ

Ойимнинг кўз қораси,  
Дадамнинг шўх қизиман.  
Бувим жигарпораси,  
Бувамнинг кундузиман.  
Орзуларим бир жаҳон,  
Юрагимга сиғмайди.  
Улар ушалмас осон,  
Буни ким ҳам билмайди.  
Ўрганаман, ўқийман,  
Шамол каби тинмасдан.  
Куйлайман, шеър тўқийман,  
Ялқовлик не билмасман.  
Мақсадим: ҳур элимнинг  
Доно қизи бўлайин.  
Ҳар ишда зўр элимнинг  
Аъло қизи бўлайин.

*Туроб Ниёз*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шеър кимнинг номидан айтилган?
2. Шеърда қандай яхши ҳаракатлар ёзилган?
3. “Доно қизи бўлайин”, “Аъло қизи бўлайин” мисралари орқали қандай фазилатлар кўз олдингизга келишини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.
4. Юлдузнинг мақсадлари сизга ёқдими?

- Сиз ҳам ўз мақсадларингизни ифодалаб, кичик ҳикоя ёзинг.
- Шеърни ёд олинг.



**3**

Дўстингиз билан “Мақсадга етказувчи фазилатлар” мавзусида постер тузинг.



**4**

Матнни ўқинг.

## ФАЙРАТ ВА ШИЖОАТ

Файрат – ўз зиммасидаги вазифани тез, хоҳиш ва мукаммаллик билан бажаришdir. Ялқовлик қилиб бекор юриш яхши эмас. Дангасалик инсонни хўрликка, камбағалликка олиб келади. Иш билан машғул одам вақтдан унумли фойдаланади, вақтнинг қандай ўтганини билмай қолади, дангаса эса ҳамма вақт зерикib юради.

Шунга ҳар биримиз ҳаракатда бўлиб, ўзимиз учун кераклича меҳнат қилишимиз зарур. Соғлигимиз, ютуқларимизнинг ҳаммаси қилган ҳаракатимизга боғлиқdir. Ҳаракатдан кишилар мақсадларига тез етадилар, ялқовлар эса ҳар нарсадан маҳрум бўлиб, доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтоҷ бўладилар.

Шиҷоат – бу қўрқмаслик ва ботирликдир. Ҳаракат ва ғайратнинг тескариси дангасалик ва ялқовлик бўлгани каби шиҷоатнинг тескариси қўрқоқликдир. Қўрқоқ киши бир ишни қилишга юраги бетламайди. Шиҷоат инсондаги яхши хулқларнинг етакчисидир!

*Муштарий Холматова*



**5**

Савол ва топшириқлар.

- Матнда қандай ижобий ва қандай салбий ҳаракатлар ҳақида ифодаланганлигини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.
- Сиз қандай ишларда ғайрат ва шиҷоат кўрсата оласиз? Фикрингизни далилланг.



## Изланайлик.

1. Юлдузни ғайратли, шижаатли қиз дея оласизми? Шеърдан шу ўринларни топиб ўқинг.
2. Ғайратлилик, шижаатлиликнинг аҳамияти, дангасалик, ялқовликнинг зарари ҳақидаги фикрларингизни Венн диаграммасида ёритинг.



## 6. Фикрланг, ўйланинг.

Бўғинларни бирлаштириб, ўзбек халқ мақолини ҳосил қилинг.

Ях

лик

ер

ши

қол

да

мас

Жигарпораси  
Шижаат  
Машғул  
Мукаммал

# 16

## ЖОН ДҮСТИМ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### ЖОН ДҮСТИМ

Дүстлик номини севамиз, ардоқлаймиз,  
Дүст бўлса толмайди қўш қанотимиз.  
Қўшилиб юракдаги сирларимиз,  
Буюк орзулар сари йўл оламиз.  
Ҳаёт мазмуни – дўстлик,  
Қўнгилнинг кўзи – дўстлик.  
Юракни мангуга боғлаб,  
Сирни-сирга улашдик.  
Мослаб хулқимни хулқига,  
Ўхшагим келар бир ўзига.  
Ой каби ёруг юзли асл дўстим,  
Ўзингни ўхшатаман куннинг кўзига.  
Ҳаёт мазмуни – дўстлик,  
Қўнгилнинг кўзи – дўстлик.  
Юракни мангуга боғлаб,  
Сирни-сирга улашдик.

*Батима Батирбекова*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шоир дўстликни қандай сўзлар билан улуғлаган? Шу мисраларни топиб ўқинг.
2. Сиз ҳам дўстликни энг улуғ инсоний фазилат деб ўйлайсизми? Фикрингизни далилланг.
3. Дафтарингизга дўстлик ҳақидаги 3 та мақолни ёзинг.



3

А.Менгжанова мусиқаси билан “Жон дўстим” қўшиғини тингланг.

Қўшиқни оҳанги билан айтиб ўрганинг.



4

Матнни ўқинг, мазмунини сўзланг.

## ИНОҚЛИКДА ГАП КАТТА

Бобом жуда доно одамлар. Ҳар бир гапни мақол ва ҳикматлар билан айтадилар. Бир қуни менга:

- Болам, “Меҳнат билан ер кўкаар, дўстлик билан эл”, – дедилар ва ўзларининг ўспиринлик йилларини эслаб, сўзлаб бердилар:
- Бизнинг қишлоқ аҳли анча қийин аҳволда қолган эди. Ерларга сув чиқмасди. Экинлар, дараҳтлар қуриб қоларди. Шу кунларнинг бирида менга отам:

– Ўғлим, катта бўлиб қолдинг, дўстларинг ҳам кўп. Анави тепаликдан ариқ қазиб, қўшни қишлоқда шариллаб оқиб ётган анҳор сувидан биз томонга чиқарсан нима дейсан? – дедилар.

Мен жуда қувониб кетдим. Отамнинг гапларини ўртоқларимга айтдим. Улар ҳам севиниб, “майли” дейишиди. Шундай қилиб биз, бир ой меҳнат қилиб ариқ қазидик, қишлоғимизга сув чиқардик.

Мана, ҳозир бу ерлар боғ-у-бўстонга айланди. “Иноқликда гап кўп”, – дедилар бобожоним.

*Иброҳим Дониш*



5

Савол ва топшириқлар.

1. Бобо, бувиларингиз сизга қандай инсоний фазилатлар ҳақида ўргатиб, мақол ва ҳикматлар айтишини сўзлаб беринг.
2. Матн мазмуни асосида дўстларингиз билан бажарган яхши ишингиз ҳақида “Иноқликда гап кўп” мавзусида кичик ҳикоя ёзинг.





6

## Ҳикматларни ўқинг, мазмунини тушунтириңг.

1. Дўстликнинг асоси – ростгўйлиқдир.
2. Дўстликнинг энг биринчи шартлари – самимийлик ва ишончдир.
3. Янги дўст топганингда эскиларини унутма!




7

## Тез айтишларни тез-тез айтинг.

Бу писта уста Муса пистафурушнинг пистаси бўлса ҳам, уста Муса пистафурушнинг пистаси бўлмаса ҳам уста Муса пистафурушнинг пистаси дейишади.

Лобарнинг лолақизғалдоқлари лолазорданмас, лолақизғалдоқзордан.



## У БИЛАН ЎЙНАМАЙМАН



1

Ҳикояни ўқинг.

### У БИЛАН ЎЙНАМАЙМАН

Олтин куз кунларидан бирида Замираларникига меҳмон келди. Меҳмоннинг Замира тенги Назира деган қизи ҳам бор экан. Замира жуда севиниб кетди. Дарров унинг қўлидан ушлаб олди.

Ўзи билан тенг бўлса ҳам эркалатгандай ачомлаб: “Ўртоқ, ўртоқ, ...” – деб қўйди. Кейин ўйинчоқлари турадиган бурчакка олиб борди, уларни кўрсатди.

Айниқса, ҳиёбонда териб қелган япроқларини кўрсатаётганда, юзларида севинч пайдо бўлди, кўзлари чақнаб кетди. Қутичасидан чироқларни оларкан, уларнинг ҳар бирига суқланиб, завқланиб боқарди.

Мана буниси – қизил, мана буниси – сариқ. Мана униси – қизил... Яхшими?.. Жуда чиройли-а?

Назира унга қизиқмади шекилли, индамади.

Шу пайт Замиранинг ойиси қизалоқларни чақирди-да:

– Чой ичасизларми? – деб сўради.

Замира бошини сарак-сарак қилди. Бу, йўқ, дегани эди.

– Бўлмаса, мана буни енглар! – ойиси бир бош узумни қизалоқларга бўлиб берди.

Замира билан Назира ўйинчоқлар олдидағи кичик курсичаларга ўтириб, узум ейишиди.

Назира узумни еб бўлгач, пўчоғини отиб юборди. Қўлини кўйлагига суртди.

– Унақа қилмайди, – деди Замира гилам устидаги пўчоқни олар экан, – мана бу ерга қўяди.

У пўчоқни столдаги бўш тақсимчага солди. Қўлидаги пўчоқни ҳам тақсимчага қўйди. Сочиқчасини олиб, қўлини артди. Кейин уни

Назирага тутқазди. Назира эса қўлини сочиққа бир-икки суртди-да, ерга ташлади. Замира меҳмон қизга бир қараб қўйиб, сочиқни ўз жойига илиб қўйди.

– Ширин эканми? – сўради Замиранинг ойиси Назирадан.

– Ҳим, ...

Қизалоқларга яна узум беришди. Назира пўчоқни яна гиламга ташлади.

Бу гал Замира ҳеч нима демади. Юзи бироз жиддий тус олди. Ке-йин ойисининг пинжига тиқилди.

– Бор, қизим, Назира билан ўйна. Ўртоғингнинг оти ҳам сеникига ўхшар экан-а?

Замира бир гилам устидаги пўчоққа, бир кўйлакнинг додига, бир Назирага қаради-да:

– У билан ўйнамайман, – деди.

*Маҳмуд Муродов*



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Ҳикоя мазмунидан Назира қандай фазилат эгаси эмаслиги-ни тушундингиз? Фикрингизни далилланг.
2. Нима учун Замира “У билан ўйнамайман”, – деб айтди?
3. Замира ва Назиранинг ҳаракатларини Венн диаграммасида ёритинг.



3

### Шеърий парчани ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Тарбияли, гапи рост,  
Виждони соф, бегараз.  
Бўлмоққа сиз интилинг!  
Вазифангиз шу, билинг!

*Мақсуд Шайхзода*



4

Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Мезбон борини қўйса,  
Меҳмон озга санамас.

Меҳмоннинг ўзи ҳам меҳмон,  
Сўзи ҳам меҳмон.

Мақолларнинг ҳикоя мазмунига мослигини мисоллар орқали тушунтиринг.





5

“Одобни одобсиздан ўрган” мавзусида дўстларингиз билан баҳс-мунозара ўтказинг.



6

Кластер тузинг.





1

Матнни ўқинг.

## МУЛЗАМ БҮЛДИМ

Бир куни кутилмаганда уйимизга меҳмон келиб қолди. Қутидаги нонларни кўздан кечирган ойим:

– Азимжон, нонларнинг бироз суви қочиб қолибди. Югур болам, новвойхонага чиқиб кел, – дея қўлимга пул тутқаздилар.

Велосипедимга ўтириб, кўчага отилдим. Тандирдан янги узилган нонлардан халтамга жойлаб беришди:

– Қани, тезроқ уйингга олиб бора қол, халта терлаб, нонларинг ивиб қолади, – дея тайинлади новвой амаки.

Халтани велосипедимнинг рулига илиб, уйга кетаётгандим, орқамдан кимдир чақиргандек бўлди. Қарасам, ўртогим Акмал.

– Азим, бу ёқقا кел, – чақирди у қўлини ҳавода айлантириб.

– Вақтим йўқ, шошиб турибман, – дея йўлимда давом этмоқчи бўлиб тургандим:

– Йўқ, ўйнашга эмас, беш дақиқага зарур ишим бор, – дея сўзида давом этди у.

Ноилож футбол ўйнаётган болаларнинг ёнига бордим.

– Насосингни бериб тур, ғилдирагим бўшаб кетиби...

Акмал ғилдирагига дам уриб олгунча, унинг ўрнига ўйинга тушдим. Ўйинга шу даражада берилиб кетибманки, Акмал бошқа ўйинчини майдондан чиқариб, ўрнига ўзи тушганини ҳам сезмай қолибман...

Бир пайт ойимнинг овозидан сергак тортдим. Қарасам, ҳаяллаб қолганимдан хавотирга тушган ойим мени қидириб, келибдилар. Шундагина нима мақсадда кўчага чиққаним ёдимга тушиб, қўрқиб кетдим. Ҳозир ойимдан эшитадиганимни эшитаман, уриб қолсалар

борми, ўртоқларимнинг олдида шарманда бўламан-да, деган ҳадикда секингина ёнларига бордим.

Ойим эса бир сўз демай ўгирилиб кетдилар. Менга “аталгани”ни уйда оламан шекилли, деб ўйлаб, ортларидан эргашдим. Ойижоним уйда ҳам койимадилар.

Негадир бундан хурсанд бўлмадим. Авваллари шўхлик қилганим учун катталардан танбеҳ эшитсан, хафа бўлардим. Ҳозир эса, урушмаганлари учун юрагим ғаш бўляпти. Демак, уларни қаттиқ ранжириб қўйибман-да...

Секингина ёнларига бориб, қаттиқ қучоқлаб олдим: “Ойижон, мени кечиринг, энди ҳеч қачон ўйинқароқлик қилмайман!” дея кечирим сўрадим.

*Феруза Жалилова*



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Ҳикоя мазмунидан қандай холосага келдингиз? Азимжон ўз онасига нисбатан тўғри муносабатда бўлдими?
2. Шундай ҳолат сизда ҳам юз берганми? Сиз қандай йўл тутгансиз?
3. Ҳикоя нима учун “Мулзам бўлдим” деб номланган? Фикрингизни далилланг.



3

### Матнни ўқинг, мазмунини билиб олинг.

#### БОБО НАБИРАСИГА ДЕДИ

– Ота-онангга ҳамиша очиқ юз билан қара. Уларнинг “қилма” деганларини қилма.

Сен ўтирганингда ота-онанг кирса, ўрнингдан тур, уларга ҳурмат билан муносабатда бўл.

Улар чақиргандарига югуриб бор.

Ота-онангга хўмрайиб қарама.

Уларга қўлингдан келганча яхшилик қил.

Ота-онангга озор бериб, уларни хафа қилишдан сақлан.

Доимо уларнинг кўнглини олишга интил.

Агар ана шу айтганларимни бажарсанг, баҳтли, саодатли ҳаёт кечирасан. Ўзинг ҳам кексайганингда фарзандларингдан шундай меҳр-муҳабbat кўрасан. Зеро ота-онага нисбатан хурмат ва муҳабbat барча яхши фазилатларнинг асосидир.

Бобонинг ўйтларини дафтaringизга ёзинг ва ёдда тутинг.



4

Шеърни ёд олинг.

Онанг пандларига сен қилгин амал,  
Юарсан баҳтиёр бўлиб ҳар маҳал.  
Онангни, отангни севинтир тамом,  
Бу хизмат етказгай тилакка мудом.

*Юсуф Хос Хожиб*

Сергак  
Ҳаяллаб  
Ҳадик  
Мулзам

# 19

## АКА-УКАЛАР



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### АКА-УКАЛАР ҚҰШИФИ

Аҳил ака-укамиз,  
Оилада эркамиз.  
Тотли данак мағзимиз,  
Шириналықда майизмиз.  
Хаётимиз зиёси,  
Үйимиз ой-қүёши –  
Суюк ота-онамиз,  
Гапларини оламиз.

Мактаб нурли хазина,  
Билим, баҳтга зёр зина.  
Үқиймиз, тер түкамиз,  
Илм маъносин чақамиз.  
Үткірлашар зеҳнимиз,  
Дилда қайнар меҳримиз.  
Севиб ўғил-қизларни,  
Қадрлаймиз дўстларни.

Қамбар Ўтаев



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шоир шеърни кимнинг номидан ёзган?
2. Ака-укаларнинг қандай фазилатлари сизга ёқди?
3. Оилангизда ака-ука, опа-сингилларингиз билан бўлган муносабатларингиз ҳақида сўзлаб беринг.



3

Матнни ўқинг.

### ҚАЙСАР БОЛАЛАР

Алижон билан Валижон деган ака-укалар бўларди. Кўрганларнинг ҳаваси келарди. Иккиси ҳам чиройли. Қадди-қоматлари келишган, кийимлари ярашган, яхши бола эдилар. Аммо...

Кунлардан бир кун она нон ёпди-да, ўғилчаларига:  
– Тез дадаларингга олиб боринглар, иссиғида есин! – деди.  
Болалар ер ҳайдаётган дадалари олдига – далага қараб йўл олдилар.

Кўча охирига етиб, ўнгга бурилди. Бу ёқ – дала. Кенг ўтлоқ.  
Алижон нон ўралган дастурхонни ерга қўйди. Ака-ука майса устида ёнбошлаб, тиниқ осмонни томоша қилдилар. Ёввойи арпа бошогини юлиб олиб, бешиктерват қилиб уриштирадилар. Кейин бир-бирларини босиб ағанадилар, турткилашдилар...

Нихоят ўрниларидан туриб, дала томон йўл олмоқчи бўлдилар.  
Аламзада Валижоннинг қовоғи соликроқ эди.

- Қани, кетдик! – деди акаси. – Кўтар!
- Ўзинг кўтар, – деди укаси.
- Сен кўтар!
- Сен кўтар!

Акаси бир қадам олдингга юрди. Укаси ўчакишиб икки қадам олдингга юрди.

- Олиб кел! – деди акаси.
- Ўзинг олиб кел, – деди укаси қайсарлик билан.
- Менга нима, олиб келмасанг, мен ҳам олиб келмайман.

Ак-ука бир-бирларига ўчакишиб, нари кетаверди. Нон солинган оқ дастурхон узоқда қолиб кетди. У аранг оқариб кўринарди.

Сан – манга бориб кетаётган ака-ука олдидан мактабдан қайтаётган ўқувчи бола чиқиб қолди. Икки боланинг хархашасини эшишиб, улар орасига тушди.

- Битталаринг бориб олиб кела қолинглар!

Болаларга гап кор қилмади. Қайтага ака-укани муросага келтираман деб, ўқувчи бола бир мушт еди. Шу пайт тугун олдида дайди кучук пайдо бўлиб қолди.

У нон солинган дастурхонни искази бослади. Кейин пайпаслашга тушди. – Нондан ажрадинглар! – деди ўқувчи бола.

Уруш-жанжал таққа тўхтади. Қайсар ака-ука жонлари борича тугун томон югурдилар.

*Шукур Саъдулла*





4

### Савол ва топшириқлар.

1. Ҳикоядаги ака-укаларнинг ҳаракатлари сизда қандай таас-сурот қолдирди? Фикрингизни асосланг.
2. Алижон билан Валижоннинг нотўғри ҳаракатларини айтиб беринг.
3. Ҳикоядан ака-уканинг диалогини ролларга бўлиб ўқинг.



5

### Изланинг.

Дўстингиз билан аҳил ака-укалар ва қайсар ака-укаларнинг феъл-атворларини бир-бирига қиёслаб таърифланг.



6

### Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Айрилган йўлда қолар,  
Бўлинган – дўлда.

Бирлашган дарё бўлар,  
Тарқалган ирмоқ бўлар.

Мақолларни мазмуни қайси асарга мослигини тушунтиринг.



Аламзада  
Ўчакишиб  
Кор қилмади  
Муроса



## ИНСОФЛИ БҮЛ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### ИНСОФЛИ БҮЛ

Инсофли, номусли бўл,  
Беор, без бўлишдан қўрқ.  
Раҳмдил, самимий бўл,  
Қалби бўш бўлишдан қўрқ.  
Хасис десалар майли,  
Ушоқни кўзингга сурт.  
Уволдан қўрқ, юртимни  
Қучсин де барака, қут.  
Ўйламай, ўз қадрингни,  
Арzon-гаровга сотма.  
Ўзга халқ, ватанларга  
Тухмат тошини отма.  
Уятга қолишдан қўрқ,  
Қўрққин гуноҳ қилишдан.  
Ҳаммадан кўп нафратга  
Қўрққин нишон бўлишдан.

*Қамбар Ўтаев*



2

Савол ва топшириклар.

- Шоир шеърда қандай фазилатлар эгаси бўлишингизни насиҳат қилган?
- Шоирнинг насиҳатлари сиз учун аҳамиятлими? Фикрингизни далилланг.
- Шеър мазмунини ўз сўзингиз билан айтинг.



3

“Ўзбек ва қозоқ халқ мақоллари” китобидан инсоний фазилатлар ҳақидағи 5 та мақолни ёзинг.



4

Фикрланг.

Бошқотирмада “Фазилат” сўзи асосида қандай инсоний фазилатлар берилганини топинг.

Ф	а	р	о	с	а	т
А						
З						
И						
Л						
А						
Т						



5

Расмларни қузатинг. Расмлар асосида болаларнинг түғри, нотүғри ишлари ҳақида сўзланг.





## Билимингизни синанг.

1. Бўлимдаги қайси асарда яхши инсоний фазилатлар ифодаланган?
2. Ялқовлик, алдамчилик, фаросатсизлик, урушқоқлик ёмон одат эканлиги қайси шеър ёки ҳикояда ифодаланган? Шу матнлардан мисоллар келтириб, фикрингизни асосланг.
3. Қайси ҳикоядаги болаларнинг фазилати сизга кўпроқ ёқди? Нима учун?
4. Ота-онани қадрлаш ҳакидаги бобонинг набирасига айтган ўйтларни айтиб беринг.



## Изланинг.

Бўлимдан ўрганганларингиз асосида дўстларингиз билан “Инсонни улуғловчи фазилатлар” мавзусида постер тузинг.



## Шеърни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.


“Баракалла” деган сўз сўзларнинг гули, сози,  
Ҳар боланинг ишини ўлчовчи – тош-тарози.  
Агарда-чи, бўлса кўп кимнинг “баракалла”си,  
Жуда тиник ишлайди унинг ақлу-калласи.  
Каттага бор саломи, кичикларга кўмаги,  
“Баракалла” олганнинг соф бўлади юраги!

*Пўлат Мўмин*

Қадрли болажонлар! Кўпроқ “баракалла” сўзини олишга ҳаракат қилинг.

Инсофли  
Беор  
Нишон бўлиш

## Маданий мерос



Туркистон деб аталмиш,  
Қадим юртнинг фарзанди.  
Билгин етти отангни  
Сен кимнинг асал-қанди?..

**3-бўлим**

## АРДОҚЛИ ОТА-БОБОЛАР



1

Шеърни ифодали ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

### АРДОҚЛИ ОТА-БОБОЛАР

Абилай – алашнинг шиори,  
Абай – халқининг буюк шоири.  
Қурманғази – қуй отаси,  
Ақандир – эрка оҳуси.  
Мангуга ўчмас номлар,  
Кўкларда балқиб турар!

*А.Естенов*



2

Сўзлашинг.

1. Шоир шеърида қайси ардоқли боболаримиз ҳақида ёзган?
2. Улар ҳақида билғанларингизни сўзлаб беринг.



3

Матнни ўқинг.

### ТЎЛА БИЙ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Бир куни Тўла бийга Туркман элидан элчи келиб:

– Бир йилдан бери битмай ётган жанжалимиз бор эди. Шунга бошчилик қилсангиз, – деб сўранади. Ер узоқда бўлса ҳам Тўла бий Туркман элига бориб, жанжаллашган икки томонни тотувлаштириб қайтади.

Отлари чарчаб, чанқаб келаётган йўловчиларнинг олдидан бир гурух отли қиз-келинчак қўринади. Уларнинг орасида Доногул исмли

камбағалнинг қизи ҳам бор эди. Ёлғиз кўк чўлоқ отига миниб, бойнинг қизлари билан тўйдан қайтаётган эди.

– Эй, опалар тўхтанглар, отларингизнинг бошини тортинглар. Юқоридан бир қатор отлиқлар келяпти, олдидан кесиб ўтмайлик. Қатталарнинг олдидан кесиб ўтиш яхши эмас. Улар элни, ерни ҳимоя қиласидиган ботирлар. Ким билсин, ораларида ақли ошган оқил донишманд қариялар бордир, шерюрак, номусли ботирлари бордир. Шундай кишиларнинг оқ фотиҳасин олиб, олқишига эга бўлайлик, бирор фойдаси тегар. Опажонлар, отларингизнинг бошларини тортинглар, йўл четига чиқиб турайлик. Отлиқлар олдимиздан кесиб ўтишсин. Шундан сўнг юрсак ҳам овулимизга етармиз, – деди Доноғул.

Ранг-баранг кийинган қизлар йўлни кесмасдан кутиб туришди. Отлиқлар олдидаги Тўла бий буни кўриб, пайқаб келаётганди. Қизларнинг олдидан ўтиб, бироз йўл юргач, ёнидаги йўлдошларнинг бирига:

– Анави олдимиздан кесмай, ортимизда қолган қизларни чақириб кел-чи, – деди. У чопиб бориб қизларни чақириб келди. Яқинлаб қолганда Доноғул отдан тушиб:

– Опажонлар, ҳаммангиз ҳам отдан тушинглар. Яёв бориб салом берайлик. Катта кишиларга отда бориб салом беришимиз уят. Бу кишилар ҳеч қачон учрашмаган одамлар. Йўлимииз бўлган экан, – деди.

Барча қиз отдан тушди. Яёв юриб келиб, ҳаммаси бошини эгиб салом беришди. Тўла бий:

– Болаларим, кўп яшанглар, баҳтли бўлинглар, – деди қувониб. – Қароқларим қайси овулдансизлар?

– Сийқим овулининг боласи эдик.

– Болалар, узоқдан бизни қўриб, кутиб турдинглар. Аллақачон ўтиб кетадиган вақтларинг бўлган эди. Нима учун кутиб турдинглар?

Қизлар жавоб топа олмай Доноғулга қарашиди. У:

– Отажон, биз сизларни олисдан қўриб, оталаримиз билан акаларимиз бўлса керак. Ораларида аскар бошлаган ботирлар бордир,

элга ақл айтган оқсоқол бордир. Отамиздай улкан, қадрли одами бордир деб олдингиздан ўтмай кутиб турдик. Катталарни оқ фотиҳасини олайлик, яхшиларни кўриш учун, танимаган боболаримизни кўрайлик, номларини билайлик деб кутиб турдик, – дейди.

– Яхши, чироқларим, кўп яшанглар, Оллоҳ ниятларингни берсин. Яхши, энди отларингга мининглар, – деб Тўла бий оқ фотиҳасини бериб юриб кетди.

“Уч пайғамбар” китобидан



4

### Савол ва топшириқлар.

1. Матндан Тўла бийнинг оқил, донолиги ифодаланган ўринларни топиб ўқинг.
2. Доногулнинг зийраклиги, шириңсўзлиги сизга ёқдими? Фикрингизни асосланг.
3. Ёши улуғ кишилардан оқ фотиҳа олиш аждодларимиздан қолган мерос эканлиги ҳақида фикрингизни ифодаланг.
4. Сиз ҳам оқ фотиҳа олганмисиз? Кимдан?

Элчи  
Номусли  
Оқ фотиҳа



## ДОСТОНЛАР МЕРОСИМИЗ



1

Матнни ўқинг.

### АЛПОМИШ

(Достондан парча)

Қадим ўтган замонда Алпинбий деган киши ўтган экан. Унинг икки ўғли бўлган экан. Бирининг оти Бойбўри, иккинчисининг оти Бойсари экан. Катта бўлгач, улар уйланишибди, фарзадли бўлишибди.

Бойбўрининг эгизакларига Ҳакимбек ва Қалдирғочойим деб, Бойсарининг қизига эса Барчиной деб исм қўйишибди...

Болалар кундан-кун ўсиб, ойдан-ой ўтиб, бирдан иккига кириб, иккидан учга кириб, тили чиқиб, элга әнгандан кейин тутиб, учовини ҳам мактабга қўйди.

Булар мактабда ўқиб юриб, етти ёшга кирди. Саводи чиқиб, хат ўқиб ёзадиган мулла бўлди. Шунда Бойбўрибой:

“Энди ўғлим саводи чиқиб, мулла бўлди, ўғлимга энди шоҳлик, сипоҳлик илмини ўргатайин”, – деб мулладан чиқариб олди. Бойсари ҳам Бойбўрига тақлид қилди.

Бу ҳам Ойбарчин қизини мактабдан чиқариб олди. “Қизимга Қўкқамиш қўлида қўй соғдириб, чорвачилик илмини ўргатайин, қўй соғмоққа уста бўлсин”, – деди.

Ҳакимбек етти ёшга кирган. Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биринждан (бронздан) бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шу ўн тўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб, қўтариб тортди. Тортуб кўриб, қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндек бўлиб кетди. Асқар тоғининг катта чўққиларини юлиб кетди, овози оламга кетди.

Буни эшитган душманлари: “Бу бола зўр бўпти, назар топибди, буларга ҳеч ким баробар бўлолмайди, етти яшар бола шундай ишни

қиладими?!” – деб хафа бўлиб ётди. Дўстларнинг вақти хуш бўлиб юрди.

Шунда барча халойиқ йигилиб келиб айтди: “Дунёдан бир кам тўқсон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустам достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин”.

Охири Алпомишбек алп бўлиб, тўқсон алпнинг бири бўлиб сана-га ўтиб, алплик отини кўтариб, етти ёшида Алпомиш оти қўйилди. Етти ёшида ёйни кўтариб отгани учун алп аталди.

Қунлардан бир кун Ҳакимбек китоб ўқиб ўтириб, баҳилдан, сахий-дан гап чиқиб қолди. Бойбўрибой шунда ўғли Алпомишдан: “Киши нимадан баҳил бўлади, нимадан сахий бўлади?” – деб сўради.

Унда ўғли туриб айтди:

– Вақти-бевақт бирорвонида меҳмон келса, отини ушлаб, жойи бор бўлса, кўнглини хушлаб жўнатса, бул ҳам сахий; агар жойи бор туриб, жой йўқ, деб қўндирамай жўнатса, бул одам баҳил.

Алпомиш қад-қоматли, паҳлавон йигит бўлиб ўсади. Барчинойга меҳр қўйди. Душманга қарши шундай курашдики, довруғи тилларда достон бўлди.



## Савол ва топшириқлар.

1. Алпомишининг ота-боболари кимлар?
2. Халқ нима учун Ҳакимбекни Алпомиш деб атади?
3. Душманларнинг Алпомиш ҳақида хафа бўлиб айтган гап-ларини топиб ўқинг, мазмунини тушунтиринг.
4. Нима учун Алпомиш тилларда достон бўлди?
5. Достонлар – маданий меросимиз эканлиги ҳақидаги фикр-ларингизни айтинг.



3

Шеърий парчани ўқинг.

## КУРАШ МАДХИ

Алпомиш авлодлари,  
Юракда ғайратлари.  
Дев қоматли полвонлар,  
Ориятли полвонлар.  
Мисли Рустами достон,  
Кўрганни қилиб ҳайрон,  
Афсонавор курашгай,  
Кураш мардга ярашгай.

*Қамбар Ўтаев*

Шеърнинг достон мазмунига мослиги ҳақида тушунтиринг.



4

Тез айтишни тез-тез айтинг.

Отамнинг отасининг оти,  
Отасининг отидан ортиқ.



5

Дўстингиз билан Алпомиш ботирнинг расмини чизинг ва тақдимот тайёрланг.

Элга энгандан  
Сипоҳлик  
Ориятли

# 23

## ШЕР БИЛАН ДУРРОЖ



1

Матнни ўқинг.

### ШЕР БИЛАН ДУРРОЖ

Бир ўрмонда зўр Шер ва Дуррож яшар әкан. Шернинг кичкинагина боласи бўлиб, у ҳали юришни билмас әкан. Онаси уни жуда яхши кўтар ва қумурсқа ҳалок қилмасин деб, доимо тишида тишлаб олиб ютар экан.

Кунлардан бир куни Шер боласини тишлаб олиб юрганида Дуррож пир этиб, шернинг боши устидан учиб ўтибди. Шер чўчиб кетибди ва боласини қаттиқ тишлаб олибди. (Боласининг жони оғриб, йиғлаб юборибди) Шер бу ишидан жуда хафа бўлибди. (У боласининг яра бўлган жойини тили билан ялаб-ялаб қўйибди. Боласи тинчланибди). Дуррож Шерни доим шундай чўчитиб юришни одат қилибди.

Нихоят, Шер Дуррож билан дўстлашмоқчи бўлибди ва унга: “Кел, шу ўрмонда бирга дўст бўлиб, тинчгина яшайлик... Сен ашулалар айтиб, мени хурсанд қил. Бирор кимса сени хафа қилса, мен ҳамма вақт сенга ёрдам берай”, – дебди. (“Хўп, кел, дўст бўламиз”, – дебди Дуррож ҳам).

Кунлардан бир кун Дуррож: “Мен тузоқقا тушдим, ёрдам бер!” – деб қичқирибди. Шер ёрдам бериш учун югурибди. Қараса, Дуррож алдабди. У ҳеч қанақа тузоқقا тушмаган әкан. Шер дўстидан хафа бўлибди. Унга қараб: “Ёлғон сўзламагин, ёлғончи эл олдида уялиб қолади”, – дебди. У эса ёлғончилигини, алдашини қўймабди.

Кунлардан бир куни Дуррож ростдан овчи қўйган тузоқقا тушиб қолибди. “Дод! Мени тутиб олдилар! Ёрдам бер!” – деб жон-жаҳди билан қичқирибди. Шер уни эшитибди. Ёрдамга бормоқчи бўлибди-ю, кейин ўйлаб қолибди: “Ҳар галгидек бу гал ҳам мени алдаёт-гандир. Бормайман”.

Шундай қилиб, Дуррож ўз ёлғончилиги туфайли дўстидан айрилиди ва овчи тузоғига илинибди.

*Алишер Навоий “Ҳайрат ул-абор” достонидан*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шер нима учун Дуррож билан дўстлашмоқчи бўлди? Фикрингизни асосланг.
2. Шер Дуррожга ёлғончилик ҳақида нималар деди? Матндан топиб ўқинг.
3. Шер нима учун Дуррожни қутқаришга бормади? У нима деб ўйлади?
4. Навоий бобомиз Шер ва Дуррожнинг ҳаракатлари орқали қандай фикрни билдирамоқчи эканлиги ҳақида тушунганингизни айтиб беринг.



3

Интернетдан бобомиз Алишер Навоийнинг бой маданий месроси ҳақида маълумот тўпланг ва ўртоқларингизга таништиринг.



4

Шеърни ифодали ўқинг.

## НАВОИЙ БОБОМЛАР

Ҳирот тупроғида вояга етган,  
“Қуш тили” йўлларини мунаvvар этган,  
Йиллар тўзонидан соғ-омон ўтган  
Навоий бобомлар  
Буюқ одамлар.  
“Ҳамса”си кўнгилни шамдек ёритган,  
Тилимизни кўркам, бой этган  
Алишер бобомлар  
Қутлуғ қадамлар.



Достонлари чиқмагай ёддан,  
Сўранг Мажнун, Қайсдан, Фарҳоддан,  
Лайли, Ширин қадди шамшоддан,  
Навоий бобомлар  
Буюк одамлар.

Мир Алишер оташ забондир,  
Умри боқий омон-омондир,  
Фазаллари фидойи-жондир,  
Навоий бобомлар  
Қутлуғ қадамлар.

*Турсунбой Адашибаев*



5

### Савол ва топшириқлар.

1. Шеърдан Алишер Навоийнинг хислатлари тилга олинган ўринларни қайта ўқинг ва мазмунини ўз сўзларингиз билан гапириб беринг.
2. Шеърда Навоийнинг қандай асаллари ва асар қаҳрамонлари ифодаланган? Дафтарингизга ёзинг.
3. Шеърни ёд олинг.

Мағриб  
Машриқ  
Ифтихор


# 24

## КҮЙ ОТАСИ



1

Матнни ўқинг.



Күй отаси – Қурмангази Сағирбаев қозоқ халқининг улуг бастакори, күйчиси, дўмбиричиси. У 1818 йили ҳозирги Ўрол вилояти, Жанақала ҳудудида туғилган.

Қурмангазининг санъат оламига машҳур бўлган “Кичкинтой”, “Оқсоқ қулон”, “Адай”, “Сариарқа” номли ва бошқа кўп куйлари бор.

У 1889 йили Астрахан вилоятида вафот этган. Қозоқ халқ маданий меросига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган Қурмангази сиймосини Ватанимизнинг етук шоир – ёзувчила-ри, рассомлари ўз асарларида ифода этганлар.

Қозогистон халқ ёзувчиси Х.Ергалиев “Қурмангази” поэмасини ёзган. Қозогистоннинг хизмат кўрсатган санъат усталари-рассомлар Х.Наврўзбаев ва М.Кенбаевлар Қурмангазининг портретини ишланганлар.

Республикамиздаги қозоқ халқ асбоблари оркестри күй-отаси – Қурмангази номи билан аталади. Оркестр ижросидаги Қурмангази асарлари бутун дунёга танилган.



2

Савол ва топшириқлар.

1. Қурмангази ким?
2. Қурмангазининг машҳур асарлари номларини айтинг?
3. Ўқиганларингиз асосида Қурмангази ҳаёти ва ижоди ҳақида хронологик харита тузиб ёзинг.



3

### Иzlанинг

- Устозингиз бошчилигига Қурманғазининг машхур асарларидан бирини тингланг, олган таассуротларингиз асосида сұхбатлашиң.



4

### Матнни ўқинг.

## САХИЙ АТИМТОЙ

Атимтой сахий жуда бой бўлишига қарамай, ҳар куни бир марта эски кийимларини кийиб, ўтин ёриш, пичан ташиш каби ишларни бажаарди. Уни кўрган яқинлари:

– Ҳой, Атимтой сахий, давлатингиз мўл, очга овқат, юпунга кийим, уйсизга уй бўлдингиз. Нима учун ўзингизни камситиб бундай ишларни бажарасиз? – деб сўрашади.

Шунда Атимтой сахий уларга бунинг тўрт хил сабабини айтади.

– Биринчиси: чиройли ном, тоза кийим, бой давлатимга ўрганиб қолсам, мендан ночор аҳволда яшайдиганларга ёрдам беришни унуманми деб қўрқаман.

– Иккинчиси: ҳамма нарсам етарли бўлса ҳам, ишлаганимни кўриб бошқалар буни камчилик эмаслигини билиб, ўргансинлар дейман.

– Учинчиси: ҳар куни ўз меҳнатим билан топган пулга нон олиб есам, танамга сингади. Меҳнат билан топилган емак мазали, сингишли бўлар экан.

– Тўртинчиси: менга битган давлатдан бир ўзим фойдалансам, худога гуноҳкор бўларман деб қўрқаман.

*Ибраи Алтинсарин*



5

### Савол ва топшириқлар.

- Атимтойни “сахий” дейишларининг сабаблари ифодаланган ўринларни топиб ўқинг ва мазмунини тушунтириңг.

2. Ҳикоя мазмунидан қандай инсоний фазилатларни ўргандингиз? Фикрингизни асосланг.



6

### Изланинг.

1. Интернетдан Ибрай Алтисариннинг маданий мероси ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



1

Мақолларни ўқинг, мазмунини ҳикоя мазмунига боғлаб тушуниринг.

Асл одам ҳеч ўлмас.

Хурматинг – савлатинг,  
Меҳнатинг – давлатинг.

Дангасанинг иши битмас,  
Ёз келса ҳам қиши битмас.

Бўлса ҳамки қўриқ ер,  
Хосил берар, тўксанг тер.

Емак  
Сингишли

# 25

## ЯССАВИЙ ЗУРРИЁТЛАРИ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### ЯССАВИЙ ЗУРРИЁТЛАРИ

Туркистон деб аталмиш,  
Қадим юртнинг фарзанди.  
Билгин етти отангни  
Сен кимнинг асал-қанди?...

Бу шаҳарни ардоқлаган,  
Амир Темур Жаҳонгир.  
Тарихи ҳам, таърифи ҳам  
Дўстим оламжаҳондир.

Хўжа Аҳмад Яссавийни,  
Буюк Темур пир тутган.  
Турк қавмининг қадрини  
У доимо бир тутган.

Кўхна Турон заминининг  
Дилгир, шўхчан боласи.  
Сенга дастур Фаробийнинг  
Қалб гавҳари – ноласи.

Тилни ёрат меваси ҳам  
Шакарпалак қовунлар.  
Мағзин чаққан ажабтовур  
Бунда қишлоқ, овуллар.

Чўрноқ, Қарноқ ва Сувноқ,  
Сифноқ, Чубаноқ, Чоғадир.  
Ўронға-ю, Қўшота,  
Тенг – тўш, қондош оғадир.

Қадим қозоқ тарихи,  
Аблайхондан бошланар.  
Варақласанг қатларин,  
Гоҳо кўзинг ёшланар.

Абулхайр, Улуғбеклар,  
Бўлишган қуда-анда.  
Ўтмишингни эсласам,  
Ифтихор жўшар танда.

Аллома Югнакийнинг  
Рухлари парвонадир.  
Гавҳарбегим ибрат асли,  
Робияхон онадир.

Аҳли илм диёри,  
Шон-шуҳратга эли бой.  
Муса Жиров, шоир Эргаш,  
Адиб Саттор Ерибой.

Кўҳна замин турк қавмин  
Фахри дея аталур.

Иқон эса Миртемирдай  
Улуғ зотнинг ватани.

Не табаррук инсонлар,  
Сенга қанот бўлишар.  
Шуҳрат, қадринг, шавкатинг  
Достон, баёт бўлишар.

Икки элнинг эрка ўғли,  
Одил Ёқуб билсанг ҳозир.  
Энг муносиб фарзанд эрур,  
Суннат оға, Носир Фозил.

Осмон қадар отса арзир,  
Туркистонлик бўркини.  
Тавсифлашга сўзим етмас,  
Бу ўлканинг кўркини.

“Хикматлар” ким Яссавийнинг  
Ёниб ёзган оҳидир.

Туркистоним – турк қавмининг  
Қутлуғ саждаохидир.

Бу юрт асли Осиёга  
Меҳвар учун яралган.  
Шу макондан туркийлар  
Жаҳон бўйлаб тараалган.

Қондош халқмиз, тилагим  
Кўнглинг баҳор, ёз бўлсин.  
Қул Хўжа Аҳмад элига  
Гуллар поёндоз бўлсин.

Туркистоним, шу бағишлов,  
Жўнроқ шеърий баёндир.  
Сенинг ёшинг, бир  
Тангрим-у Яссавийга аёндир...

Боқий яша, эсон бўлгин,  
Нурли замон ҷароғида.  
Сени асрраб-авайлайлик  
Кўзларимиз қароғида.

*Турсунбой Адашибаев*



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Шоир шеърни кимларга бағишлиб ёзган?
2. Шеърда ўзбек ва қозоқ халқининг қондошлиги, дўстлиги ифодаланган ўринларни топиб ўқинг.
3. Шоир шеърда тилга олган буюк аждодларимиз ва таниқли инсонларнинг номларини дафтарларингизга ёзинг.
4. Шеър мазмунини сўзлаб беринг.
5. Етти отани билиш энг бой маданий меросимиз эканлиги хақида ўз фикрларингизни айтинг.



3

Расм асосида ҳикоя тузинг.



Дилгир  
Баёт  
Бүрк  
Мехвар

# 26

## “МАҚОЛ КИТОБИ”



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### “МАҚОЛ КИТОБИ”

Элтиб сизни ғаройиб  
Юртга, укажонларим,  
Кўрсатаман у жойнинг  
Кизиқ қуш, ҳайвонларин.

Ҳеч ҳайвонот боғида  
Кўрмайсиз бунақани.  
Ҳатто шоҳ ишқи тушган  
Фалати қурбақани.

Яхши сўзга инидан  
Чиқадиган илонлар,  
Сира босган изидан  
Қайтмайдиган арслонлар.

Топгани шўра бўлган  
Эшаквой, аҳмоқ мия.  
Ҳаммомни орзу қилиб  
Кулгига қолган туя.

Инга сиғмас думига  
Falvир боғлаган сичқон.

Боласин “ботирим” деб  
Алқаган қўрқоқ қуён.

Ҳатто семириб ботмон  
Бўлолмаган чумчуқлар,  
Текинга офтобга ҳам  
Чиқмайдиган мушуклар.

Дўстлардан айрилганни  
Ейдиган айиқлар, бот,  
Чангি чиқса ҳам, донғи  
Чиқмайдиган ёлғиз от.

...Яна кўп-у, лекин мен  
Тугатаман сўзимни.  
Энди кўриб оласиз  
Қолганини ўзингиз.

Фикрингиз кенгаяр хўп  
Кўриб чиқинг бирма-бир.  
Донишмандлар айтгандек:  
“Кўп кўрган, кўп билади”.

Дилишод Ражаб



2

## Савол ва топшириклар.

- Шоир шеърида қандай ҳайвонлар ҳақидаги мақолларни ифодалаган? Шу мақолларни түлиқ айтиб беринг.
- Шеъри орқали шоир бизга нима демоқчи әканлигини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.
- Мақолларни маданий меросимиз деб ўйлайсизми? Фикринизни асосланг.
- Дафтaringизга қушлар, ҳайвонлар ҳақида билган 4та мақолингизни ёзинг.



3

## Иzlанинг.

- Энциклопедиядан халқ мақоллари ҳақидаги маълумотларни ўрганинг, синфда сўзлаб беринг.



4

## Матнни ўқинг.

### ДОНО МЕЪМОР

(эртак)

Меъмор Синон машҳур Салимия минораларини қуаркан, бир тўда болалар чуғурлашиб, ниманидир кўрсатаётганларини кўриб қолибди. Уларга яқинлашиб:

- Нима гап? – деб сўрабди.
- Амаки, – дейишибди улар, – шу минорангиз бироз қийшайибди.
- Ҳа, ундей бўлса, ҳозир минорани арқон билан тортиб тўғирлаймиз. Сизлар, қараб туинглар, – деб арқон келтиришни буюрибди.

Меъмор Синон то болалар тўғри бўлди дейишимагунча минорани бир арқон билан тортираверибди. Болалар тўғри бўлди дейишгач, тўхтатибди. Шу орада бир киши келиб:



– Уста, бу арқон шундай катта минорага ҳеч бир таъсир қилмас-лигини яхши биласиз. Нега энди болаларнинг гапига кириб, бундай қилдингиз? – деганида Меъмор жавоб бериди:


– Шундай қилмасам, бу чурвақалар шаҳар бўйлаб минора қийшиқ, деган гап тарқатишади. Миноранинг эгри эмаслигига ҳеч кимни ишонтиrolмаймиз. Энди эса, минора эгри эди, арқон билан тортириб тўғирлатдик, деган гап тарқатишади. Бу гапга эса ақли бор одам ишонмайди!



5

### Савол ва топшириқлар.

1. Эртак мазмунини сўзланг.
2. Эртакдан меъморнинг доно фикрлари баён этилган ўринни топиб ўқинг, мазмунини ўз сўзларингиз билан тушунтиришинг.
3. Эртакни саҳналаштиринг.
4. Меъморчилик обидалари маданий меросимиз ҳисобланадими? Фикрингизни асосланг.



## “АНДИЖОН ПОЛКАСИ”



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### “АНДИЖОН ПОЛКАСИ”

Бунчалар шўх, ўйноқи,  
Мусиқаси, нотаси,  
Жимирилатар жисмингни,  
Бу, Андижон полкаси.  
“Така-тум-тунг” чилдирма,  
Тор булбулдай сайрайди.  
Даврага туш, жим турма,  
Жон-у танггринг яйрайди.  
Ўйнамаган қолмасин,  
Чолғучилар толмасин.  
Янграсин-эй янграсин  
Андижоннинг полкаси.

*Дилишод Ражаб*



2

Савол ва топшириқлар.

- Шеърни ўқиши давомида кўз олдингизга қандай манзара келганлиги, қандай қайфият уйғонганилиги ҳақида сўзлаб беринг.
- Мусиқа ва рақс санъати маданий меросимиз ҳисобланадими? Фикрингизни асосланг.
- Рақс санъатига қизиқасизми? Мактабингизда ўтказиладиган тадбирга синфингиз ўқувчилари билан “Андижон полкаси” рақсини тайёрлаб иштирок этинг.
- Шеърни ёд олинг.



3

### Изланинг.

1. Интернетдан миллий рақс санъати ҳақида маълумотлар тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



4

### Топишмоқни ўқинг ва жавобини топинг.

Созанда, машшоқларга,  
Дам бераман галма-гал.  
“Бак”, “бум”, “нохун”, “резги”ларим,  
Хизматим қиласар тугал.  
Гардишимда “жез” халқа,  
Ёқаман кўпга, халқقا.

1. Топишмоқни дафтарингизга ёзинг.
2. Яна қандай миллий чолғу асбобларини биласиз? Номлари ни ёзинг.
3. Маданий меросимизнинг яна қандай йўналишларини биласиз?



5

### Дўстларингиз билан “Маданий меросимиз – бойлигимиз” мавзусида постер тузинг.

1. Постер тузишда гуруҳлар маданий меросимиз йўналишлари бўйича ишлаш мумкин.



# *Касблар олами*



Хунар,

хунардан

ризқинг

унар!

Халқ мақоли

**4-бўлим**



## НОН

(Туркманистан)

Онаси Майсани чақириб, ҳозиргина узилган нондан ушатиб берди.

– Ойижон, ноннинг ҳиди намунча яхши! – деб мақтади-да, кўчага чиқди. Биринчи бўлиб ўртоғи Байрамни кўриб қолди.

Қўлидаги ноннинг ярмини унга ушатиб берди. Байрам нонни оламан деб, ерга тушириб юборди.

– Дарров ол! – деди Майса.

– Ерга тушиб кетди-ю, ифлос бўлиб қолди.

– Ол, деяпман сенга! – Майса Байрамнинг қўлини ушлади.

Бола кўчани бошига кўтариб йиғлаб юборди. Шу маҳал отаси, хайдовчи Ато амаки келиб қолди.

У нима бўлганини дарров тушунди. Ердан нонни олиб, кўзига суртди.

Сўнг бироз ўйлаб туриб:

– Қани, машинага чиқинглар-чи! – деди.

У болаларни дон экиладиган далага олиб борди. Кейин дон сақлайдиган жойни кўрсатди. Ўрим-йифимдан сўнг комбайн, тракторлар ремонт қилинадиган устахонага ўтишди.

Ато амаки болаларни нон заводига ҳам олиб борди. Шундан кейингина болалар уйларига қайтишди.

– Дон экилиб, дастурхонимизга нон бўлиб қўйилгунча, қанчадан-қанча одамлар меҳнат қилишларини кўрдингми? – деб сўради Ато амаки Байрамдан. – Майса нега хафа бўлганини билгандирсан?

– Ҳа, мени кечир, Майса, – деди Байрам хўрсиниб.

– Раҳмат, Ато амаки. Мен нонни эҳтиётлаш кераклигини билардим. Энди нонни ҳурмат қилиш кераклигини ҳам билиб олдим, – деди Майса.

Қизча уйига чопқиллаганча кириб кетди-да, дам ўтмай, тандирда ёпилган нондан олиб чиқди.

– Олинг, амаки, нон енг, сен ҳам ол, Байрам. Бу нонни ойим билан бирга ёпганимиз!

*Қаюм Тангриқулиев*



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Ҳикоя мазмунидан қандай хulosага келганингизни сўзлаб беринг.
2. Ҳикояни ролларга бўлиб ўқинг.
3. Матндан Ато амакининг Байрамга айтган гапларини топиб ўқинг, мазмунини тушуниринг.
4. Нон дастурхонимизга етиб келгунча қандай касб эгалари меҳнат қиласдилар? Шу касблар номини дафтaringизга ёзинг.



3

### Ижод қилинг.

1. Дўстингиз билан “Доннинг саргузаштлари” мавзусида расм чизинг.



4

### Шеърни ифодали ўқинг.

## ИССИҚ НОН

Тапир-тупир, тапир-тупир,  
Нон ясайди опамиз.  
Ўйноқлайди тандирда ўт,  
Сўнгра нонни ёпамиз.

Опамларнинг ҳунарими  
Ё оловнинг кучими?



Чапак чалиб қувонамиз,  
Кўриб тандир ичини!

Иссиқ нонлар буғ чиқариб,  
Қип-қизариб юз олар.  
Дастурхонга олган эдик,  
Нон гул бўлиб ҳид сочар.

Бўрсилдоқ нон, сара нонга,  
Келиб қолинг, адажон!  
Бир жуфтини белбоққа сиз  
Тугиб олинг, адажон!  
Тапир-тупир, тапир-тупир,  
Нон ясади опамиз.

*Абдувоҳид Мулламухамедов*



5

### Савол ва топшириқлар.

1. Шоир тандирдаги ва дастурхонга олинган нонни қандай сўзлар билан таърифлаган?
2. Шеър мазмуни асосида новвойлик касбининг меҳнати ва инсонлар ҳаётидаги ўрни ҳақидаги фикрларингизни айтинг.
3. ДафтARINGизга нон ҳақидаги 4 та мақолни ёзинг.

Бўрсилдоқ

# ҮҚИТУВЧИМ ОЛҚИШЛАЙМАН



1

Шеърни ифодали ўқинг.

## ҮҚИТУВЧИМ ОЛҚИШЛАЙМАН

Ўқитувчим, мактабжоним  
Кўшалоқ офтобжоним.  
Жонажон ўқитувчим.  
Мехри жаҳони кучим  
Сиз азизим меҳрибоним,  
Қалбингиз олам-жаҳон.  
Сизга меҳрим тошади,  
Дилда завқим ошади.  
Сиз онабош илҳомчим,  
Сиз отабош илҳомчим.  
Онага вафо қилмоқ,  
Отага вафо қилмоқ,  
Фарзандлик, шогирд бурчим.  
Жонажон ўқитувчим,  
Мехри жаҳони кучим.  
Шеър-ла раҳмат айтайин,  
Шу шеъримни атайин.  
Бағишладим сиз учун.  
Олқишилаш менинг бурчим  
Қалбимни дутор қилиб,  
Сўздан ипак, тор қилиб,  
Шўх қўшиқ гулёр қилиб,



Меҳримни бисёр қилиб,  
Чертайин юрак созим,  
Жарангласин овозим.  
Ўқитувчи номингиз,  
Шарафли унвонингиз.  
Куйлай, баланд ардоқлай,  
Шогирдлик тузин оқлай,  
Жонажон ўқитувчим,  
Мехри жаҳони кучим.  
Янги дунё қурувчим,  
Ер юзин гуллатувчим.

*Қуддус Мухаммадий*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шоир шеърда ўқитувчини қандай сўзлар билан улуғлаган?



- Шоир шеърини нима учун ўқитувчига бағишлиб ёзган? Фикрингизни асосланг.
- Шоир ўқитувчи ҳақида: “Янги дунё қурувчим, Ер юзин гуллатувчим” деб ёзганда нимани айтмоқчи бўлган? Фикрингизни баён этинг.
- Ўқитувчи, устоз ҳақида яна қандай шеърларни биласиз? Айтиб беринг.



**3**

### Иzlанинг.

- Шеър мазмуни асосида “Ўқитувчи – шарафли касб” мавзусида эссе ёзинг.



**4**

**Расмни кузатинг.** Расмдаги касбларнинг ўқитувчилик касбига боғлиқлиги ҳақида ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.





5

Матнни ўқинг, мазмуни асосида сұхбатлашинг.

Устоз! Бу сўз шундай мўъжизакор, шундай сеҳрлики, уни айтганда қалбимизни ўзгача бир ҳис – туйғу қамраб олади.

Буюк педагог К.Д. Ушинский: “Муаллим – кучли шахс, у қуёшнинг қудратли шуълаларига ўхшайди”, – деган әкан.

Устоз шу қадар улуғки, унинг зиёси қуёш нури билан тенглаштирилади. Чунки устоз қуёш каби барчага бирдай зиё, нур таратади. Устоз муқаддас касб соҳиби, у давримизнинг буюк донишмандидир.

Матнни дафтарингизга ёзинг.



6

Ўқитувчингизга атаб дўстингиз билан табрикнома ёзинг.  
Қандай байрам муносабати билан табрик ёзиш мумкинлиги  
ҳақида ўйлаб кўринг.

Онабош  
Отабош  
Илҳомчим  
Бисёр



# 30

## ЕРГА ЧИЗИЛГАН РАСМ



1

Матнни ўқинг.

### ЕРГА ЧИЗИЛГАН РАСМ (Ривоят)

Султон Ҳусайн Бойқаро навқарлари билан овга йўл олибди. Ҳирот шаҳридан чиқиб, сайҳонликдан ўтиб кетаётганида олдиндаги қўриқчи навкарлар ногоҳ тўхтаб қолишибди. Улардан бири ерга ишора қилибди.

– Олий ҳазрат, бу суратни қаранг!

Подшоҳ от суриб келиб, навкар кўрсатган жойга тикилибди. Паҳлавон Рустам достонининг сурати. Ҳамма суратга тикилиб қолибди.

– Қандай назокат ила чизилган бу сурат! Мусаввирни топмоқ керак, – деди Ҳусайн Бойқаро.

Овга чиққанлар орасида Камолиддин Беҳзоднинг устози Мавлоно Мирак Наққош ҳам бор экан.

– Олий ҳазрат, – дебди у подшоҳга таъзим қилиб, – фикримча, бу суратни ўн икки ёшли Камолиддин Беҳзод чизган кўринади. Ундан бошқа бирор мўйқалам соҳиби бундай чизолмайди.

– Камолиддин Беҳзод... истеъ dodли йигит экан.

– Яқинда Алишер Навоий бу йигитчанинг машқларидан кўп мамнун бўлиб, ўз сухбатига чақирди. Менга одам жўнатиб, Камолиддин Беҳзодни ўз кутубхонасига хизматга олишни билдириди, – деди Мирак Наққош Алишер Навоийга миннатдор боқиб.

– Дўстим, хайрли иш қилибсиз. Салтанатимизда бу ёш истеъдод соҳиби улуғ бир мусаввир бўлиб камол топса, – деди дўсти Алишер-бекка Ҳусайн Бойқаро.

...Сарой аҳли ерга чизилган суратни айланиб ўтиб, йўлга тушдилар.



2

## Савол ва топшириқлар.

- Подшоҳнинг ерга чизилган сурат ҳақида билдирган гапларни топиб ўқинг, мазмунини тушунтириңг.
- Мусаввир ҳақидаги фикрларни ўз сўзларингиз билан тушунтириңг.
- Ривоятда қандай касб номлари ифодаланган? Ҳозир улар қандай номланади? Шу сўзларни икки устунга ёзинг.
- Давлатимизда истеъдодли ўқувчиларга қандай шароитлар яратиб бериляпти? Фикрингизни асосланг.



3

## Иzlанинг.

- Интернетдан Ватанимизнинг буюк рассомлари ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



4

## Шеърни ифодали ўқинг.

### ЧЕГАРАЧИ БЎЛАМАН

Чегарачи бўламан,  
 Катта бўлсам, албатта.  
 Содик бўлгум юртимга  
 Энг биринчи навбатда.  
 Шараф-ла асрагайман  
 Ватаним сарҳадини.  
 Элим севиб ардоқлар  
 Ўғлонларнинг мардини.  
 Сергак тургум доимо  
 Йўламас ёв, газанда.  
 Чунки бобом ҳоки бор  
 Шу тупроқ, шу Ватанда.

*Набижон Қодиров*





5

## Савол ва топшириқлар.

1. Шоир шеърни кимнинг номидан ёзган?
2. Қандай инсон чегарачи бўла олади? Фикрингизни асосланг.
3. Бола нима учун чегарачи бўлишни танлаган? Шеър мазмунига боғлаб фикрингизни айтинг.
4. Сиз келажакда қандай қасб эгаси бўлишни хоҳлайсиз?
5. Шеърни ёд олинг.



6


## Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Интилганга толе ёр.

Излаган олим бўлар,  
Ўйлаган – фозил.

Йигит ҳусни меҳнатда.

Машаққатсиз баҳт келмас,  
Меҳнатсиз тахт келмас.





## ҲУНАРМАНД БОЛА

Маҳмуд баҳорги таътилни шаҳарда яшайдиган амакисиникида ўтказди. Ҳовлилари кичикроқ экан. Ҳар бир нарса ўз ўрнида. Сарамжон-у саришта. Қувурдан доимо иссиқ сув, совуқ сув келиб туради. Жўмракни бурасанг бас, шовуллаб оқади. Истаганингизча ичиш-у ювениш мумкин. Оппоқ сочиқлар бир ёнда осиглиқ.

Маҳмуд амакисининг ўғли Одил билан tengдош бўлгани учун дарпов “тиллашиб” кетди. Қун бўйи кўп қаватли уйлар орасида ажратилган майдончада тўп тепишади. Ҳамма болалар ўзларини машҳур футболчилар номлари билан аташаркан. Одил эса ўзини Марадона деб чақиришларини ёқтиради. Маҳмудга эса ҳозирча бирорта ном беришмади. Фақат “янги бола” деб чақиришади.

Бир куни амакиси дарвоза ёнида тарвақайлаб ўсаётган балхи тутга чиқиб, шакл беришга киришди. Анчагина ортиқча кўм-кўк барг ёзган новдаларни ҳам чопқида кесиб ташлади. Пешонасидаги маржон терни рўмолчасига артиб, бироз елпинди. Сўнг чой хўпларкан, амакиси:

– Одил! Маҳмуджон билан кесилган новдаларни тўплаб, хув йўл четидаги ахлат уюмига ташлаб келинглар! – деди.

Икки ўртоқ новдаларни бир неча кичик боғламга жамлашди. Шунда Маҳмуд амакисига юзланиб:

- Тандирда ёқмайсизларми? – деб сўради.
- Тандир йўқ-ку, жиян, – деди амакиси унга бепарво боқиб. – Ана табиий газ тун-у кун ловуллаб ёнади. Бозор ва дўконларда нон сероб.
- Унда мен сават тўқий қолай.
- Билганингни қил, жиян. Ҳовлини тозаласаларинг бўлгани.

Шу чоқ Маҳмуднинг кўз ўнгидаги қўшниси Толиб ака ўргатган сават тўкиши сирлари жонланди. Аввалига новдаларни узун қисқалигига қараб саралади. Сўнг бақувват новдаларни таглик қўйиб, ингичкароқ эгилувчан новдаларни соч ўргандек орасидан чаққонлик билан ўтказа бошлади. Одил эса ҳайрон қараб туради. Сават тайёр бўлгач, Маҳмуд ток қайчини қўлга олди. Эҳтиёткорлик билан ортиқча бўртиб чиққан новдаларни текислаб қирқди.

Уни кузатиб турган амакиси нон саватни қўлга олди-ю, ҳайратдан сўз тополмай қолди.

*Вали Аҳмаджон*



2

### Савол ва топшириқлар.

- Ҳикоя мазмунини сўзланг.
- Болалар нима учун ўзларини машҳур футболчилар номлари билан аташарди? Фикрингизни асосланг.
- Маҳмуджоннинг ҳунаридан амакиси ва Одил қандай ҳолатга тушдилар? Нега?
- “Йигит кишига етмиш ҳунар оз” мақолининг мазмуни ҳикоя мазмунига мослигини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.
- Сиз ҳам Маҳмуджонга ўхшаб бирорта ҳунарни ўргангани мисиз? Дўстларингизга сўзлаб беринг.



3

### Шеърни ифодали ўқинг.

#### ЧЕВАР ҚИЗ

Менинг опам чевар қиз,  
Ватанини севар қиз.  
Сўзанага бир қаранг,  
Қатимлари ранг-баранг.

Ватанимнинг боғлари,  
Лола қучган тоғлари,

Яйлови-ю чорваси,  
Пахтага кон даласи.

Юрагидан танлаган,  
Каштасини жойлаган.  
Опажоним чевар қиз,  
Тинчлик қушин севар қиз.



Халқлар орзулаб келган,  
Эл-юрт доимо севган –  
Кабутарин учирган,  
Каштасини қучирган.

Жаҳон аҳли қўл ушлаб,  
Озодликни олқишилаб,  
Яйраб тинчлик гаштида,  
Тасвирланган каштада.

*Қамбар Ўтаев*



4

### Савол ва топшириқлар.

- Шоир шеърни кимнинг номидан ёзган?
- Қизча опасини қандай сўзлар билан олқишилаган?
- Чевар қиз сўзанасида нималарни тасвирлаган?
- Шеър мазмуни асосида расм чизинг.



5

### Иzlанинг.

- Катақчалардаги рақамлар ўрнига алфавит тартибида ҳарфларни қўйиб, ҳунар ва касбга оид сўзларни ўқинг.

5	21	18	1	5	4	16	18	13	10	12
---	----	----	---	---	---	----	----	----	----	----

12	1	26	20	1	25	10	13	10	12
----	---	----	----	---	----	----	----	----	----

Марадона  
Балхи тут  
Сўзана



## ЛАҲЗАДАГИ МҮЖИЗА



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### СУРАТКАШ ҲАЗИЛИ

Одамлар хўп ясаниб  
Хузуримга киришар.  
Сўнг қаршимда ҳурматда  
Сукут сақлаб туришар.

“Ширқ” босаман тугмани,  
Кўринг кейин ҳолатни.  
Улар менга қарашиб  
Сурат бўлиб қолади.

*Дилишод Ражаб*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шеърда сураткаш ўз ишини қандай таърифлагани ҳақида ўз сўзларингиз билан айтинг.
2. Сураткаш бир лаҳзада мўъжиза яратади деб ҳисоблайсизми? Фикрингизни асосланг.



3

Бу қизиқ! Билиб олинг.

Одамлар фотоаппаратга ўхшаган қурилмани милоддан олдинги IV асрдаёқ кашф қилишган. Улар, агар қоронғи хонага кичик туйнукдан ёруғлик киритилса, ташқаридағи тасвир ичкаридаги деворда кўриниши мумкинлигини билишган.



Рангли суратга оладиган биринчи фотокамера 1905 йили яратилган. Қўлингизда олган фотосуратда жудаям кўп ранглар борга ўхшаса-да, улар, атиги учта: кўк, яшил ва қизил рангларнинг ҳосиласидир.

1890 йилга келиб фотокамераларни истаган одам сотиб олиши мумкин эди. Чунки шу йилдан бошлаб “Кодак” компанияси оммавий тарзда фотокамера ишлаб чиқара бошлайди. Бугунги кунда “Canon”, “Sony”, “Nikon”, “Kodak”, “Lumix” каби компаниялар энг яхши ва сифатли фотокамералари билан машҳур.



4

### Иzlанинг.

- Сиз ҳам сурат олишга қизиқасизми?
- Дўстларингиз билан “Бизнинг аҳил синфимиз” мавзусида фотоальбом тайёрланг.



5

### Шеърни ифодали ўқинг.

## ДЎХТИР-ДЎХТИР ЎЙНАЙМИЗ

“Дўхтир-дўхтир” ўйнаймиз,  
Эл соғлигин ўйлаймиз.  
Нодир бўлар бош врач,  
Ёрдамчиси сен, Сирож.  
Қани тезроқ бўл, Доно,  
Топ-тоза бўлсин хона.  
Бемор келса, ҳой Иқбол,  
Кулиб яхши кутиб ол.

Аммо дори, укол йўқ,  
Бундан бўлсин қўнглинг тўқ.  
Ширин сўздири доримиз,  
Постда шаймиз баримиз.

Валижон Аҳмаджон



6

Савол ва топшириқлар.

1. Шоир шеърни кимларнинг номидан ёзган?
2. Болалар шифокорлик қасбининг қандай ҳаракатлари ҳақида айтишган?
3. “Ширин сўз – жон озифи” мақоли шеърнинг мазмунига мос келадими? Фикрингизни асосланг.
4. Болаларнинг ўйини, уларнинг келажак орзулари бўлиши мумкинми? Фикрингизни билдиринг.
5. Шеърни ёд олинг.



7

Шеър мазмуни асосида “Агар мен шифокор бўлсам” мавзусида эссе ёзинг.

Милоддан олдинги  
Фотокамера  
Постда шаймиз



1

Эртакни ўқинг.

## АДИБ – БЕТАРТИБ

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан. Адид исмли бола бўлган экан. У одобли бўлсаям, ишлари жуда бетартиб экан. Дўпписини ҳам, кўйлагини ҳам дуч келган ерга ташлаб кетаверар экан, кейин керақ бўлганда қидиришга тушар экан. Баъзан қаерга қўйганини эслай олмай, хуноби ошаркан. Шунинг учун ҳам дадаси унга:

– Болам, пала-партишлигингни ташламасанг, катта бўлганингда қийналиб қоласан, – дер экан.

Адид дадасининг насиҳатларини жим туриб эшитар экан-у, лекин эшиттганлари унинг у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетар экан.

Адид ўспирин йигитча бўлганда дадаси унга дурадгорлик қасбини ўргатибди. Чунки ўзи қўли гул уста эканда. Кунлар кетидан кунлар ўтибди. Адид бу хунарни яхшилаб ўрганиб олибди. Бир куни бир боғбон унинг отасидан ром, эшик тайёрлаб беришни сўрабди. Дадаси, ўзи бетоб бўлиб қолгани учун, ўрнига ўғлини юборибди.

Адид ишга киришибди. Боғбон эса юмуш билан банд бўлибди. У ток қайчини энди қўлига олган экан, Адиднинг овози эшитилибди:

– Отахон, исканани кўрмадингизми?

Боғбон ўзича “Бу қандоқ бўлди, асбобини қайга қўйганини билмаса. Майли иш билан унутгандир”, деб роса қидириб, охири пайрахалар орасидан исканани топиб берибди.

Кейин хомток қилиш учун энди нарвонга кўтарилигандага, яна Адиднинг овози эшитилибди:

– Отахон, буни қаранг, арамни қайга қўйибман-а?!

Бу сафар боғбоннинг қошлари чимирилибди. Лекин бу гал ҳам индамай, аррани қидиришга тушибди. Уни топиш анча мушкул бўлибди. Охири тахталарнинг остидан чиқибди.



– Ҳе, ҳали тахта олаётганимда остида қолган экан – да.  
Боғбон яна ўз ишига кетибди. У ҳали битта ток зангини қўлдан чиқармасдан яна Адид:

– Отакон, рандам ҳозиргина шу ерда турган эди, қаёққа йўқолдийкин? – деб чақирибди.

Энди боғбон тутақиб кетибди-да, Адиднинг олдига келиб шундай дебди:

– Исминг Адидми ё Бетартибми? Ўз асбобингни тайинли жойга қўймай, на ўзинг ишлайпсан, на мени ишлатяпсан. Қани, жўнаб қол-чи, отанг тузалганида ўзи келиб ишлайди!

Шунда Адиднинг хаёлига отасининг: “Бетартиб бўлсанг, кейин қийналасан” деган гаплари келибди. У бир хўрсишибди-да, боғбоннинг уйидан бошини эгиб чиқиб кетибди...

Тўлқин Илхомов



2

Савол ва топшириқлар.

1. Эртакда қандай қасб әгалари ҳақида ифодаланган?
2. “Қўли гул” уста бўлиш учун нималарга амал қилиш лозим?
3. Адигба ўхшаган устани ўз уйингизда ишлашини хоҳлар-мидингиз? Нега?
4. Эртак мазмунини сўзлаб беринг.



3

Шеърни ифодали ўқинг.

## ОШПАЗ БОЛА

Мен ошпаз бўлмоқчиман,  
Шарафли ота қасбим.  
Ҳумориман “жиз-биз”нинг,  
Устазода-да наслим.  
Мехрингизни берсангиз,  
Касбларнинг йўқ ёмони.  
Дерлар: ҳунардан унар,

Кўпdir яхши томони.  
Яна йигит кишига  
Қирқ ҳунар ҳам оз асли.  
Тўйдираман ҳалимга,  
Келсангиз баҳор фасли.  
Роса пишди етилиб,  
Татиб кўринг “тандир”ни

Туз намаги жойида  
Ишлатмайман чандирни.  
Боплайман ош, мантини,  
Таомларнинг қандини.  
Тополмайсиз мендайин  
Қўли очиқ тантини.  
Ўргандим жиз, хонимни,  
Энди навбат норинга.  
Тановул қилинг оз-оз,

Эрк бермангиз қоринга.  
Туринг, Асилбек ўртоқ,  
От солинг тез “улоққа”.  
Танбал Зокирга ўхшаб  
Лағмон османг қулоққа.  
Баҳоналар қидирманг,  
Файрат қўшинг ғайратга.  
Ҳунарингиз кўрсатиб  
Элни солинг ҳайратга.

*Набижон Қодиров*



4

#### Савол ва топшириқлар.

1. Бола ошпазлик касби ва бошқа касб ҳунарлар ҳақида қандай фикрларни билдирган?
2. Шеърда ифодаланган таомлар номларини ёзинг.



5

#### Билимингизни синанг.

1. Бўлимдаги қайси шеър ёки ҳикоя сизга қўпроқ ёқди? Нима учун?
2. Бўлимда қандай касб-ҳунарлар ҳақида ўзингиз учун янги маълумот олдингиз? Сўзлаб беринг.
3. “Сураткаш ҳазили” шеърини ёддан айтинг.
4. “Ҳунарманд бола” ҳикоясидаги Махмуднинг эпчиллиги ишбилармонлиги сизга ёқдими?

Ҳуноби ошаркан  
Искана  
Пайраха



## БОБОМ ЭККАН АРЧА

Ховлимизнинг қоқ ўртасида игнабаргли ям-яшил арча бор. Унинг ёнгинасига бориб япроқларини ҳидлаб кўраман, ёқимли ис димоғимга урилади. Қандай ажойиб бетакрор, кўтаринки кайфият бағишлийдиган хушбўй. Ҳар йили Янги йил яқинлашганда оила аъзоларимиз билан арчани безатамиз.

- Ойижон, ўйинчиоқларни тезроқ илайлик, мен ўртоқларимни чақириб келаман, – дейди кичик қизим. Гапларидан ўртоқларига мақтангиси келаётгани сезилиб туради.
- Намунча тифиз, ахир эндиғина бошладик-ку. Эҳ-ҳе, ҳали бу арча атрофида кўп ўйнайсизлар. Олдинда қишки таътил кунлари бор, – дейман қизимга.
- Ойижон, биласизми, бунақа чиройли арча ҳеч қайси ўртоғимни кида йўқ. Улар доим ким әккан, деб сўрашади.
- Кўп йиллар аввал раҳматлик бобонг олиб келиб эккан. Унинг асл ватани Россия ўрмонлари экан. Бизнинг иссиқ иқлимга мослашиб кетиши жуда қийин бўларкан. Арча то ўзини тутиб кетгунича бобонг кўп меҳнат қилганлар.
- Шунинг учун ёзниң иссиқ кунларида унга тез-тез совуқ сув сепиб, устига бўз мато ташлаб қўясизми?
- Ҳа, шундай қилмасам унинг хушбўй игначалари иссиқда қуриб, тўкила бошлайди. Уни асраш учун ёзда ҳушшёр туришимиз керак.
- Ойижон, мен доим мактабимиз ҳовлисидаги, кўчалардаги арчаларга қараб юраман, негадир улар ҳар хил-а, – дейди қизим кўзларини пирпиратиб.
- Ер юзида унинг 70 га яқин тури бор экан. Мен эса унинг 20 хилини биламан. Лекин энг хушбўйи бизнинг арчамиз.



— Ойижон, ростдан ҳам арчамиз 30 ёшдами? Унда мендан уч бара-вар катта эканда-а? — сўрайди яна серсавол қизим.

— Ҳа, бобонг айтган. Арча – узоқ йиллик ўсимлиқ. Бизнинг ўлкамизда у асосан тоғли ерларда ўсади. Китобларда арчага “тоғ маликаси” деб таъриф берилган. Кейинги йилларда юртимиз хиёбонларига кўплаб арчалар экила бошлади. Чунки унинг фойдали томонлари жуда кўп.

— Мен уни фақат чиройли бўлгани учун экишади, деб ўйлардим,  
— деди у.

Бу орада арчамиз байрам тусига кирди. Ранг-баранг ўйинчоқлар, товланма зарлар жилваси ҳуснига ҳусн қўшиб, янада гўзал қилиб юборди. Кўзлари худди арча ўйинчоқлариdek порлаб турган қизалогим арча атрофида гир-гир айланди-да, ўртоқларини чақириб келиш учун чопқиллаб кетди.

Захро Хасанова



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Ҳикоя мазмунини сўзлаб беринг.
2. Арчанинг кўча ва хиёбонларни безаб туришидан ташқари яна қандай хусусиятлари бор? Сўзлаб беринг.
3. Қизча нима учун арчани безатишга шошилди?
4. Оиласизда янги йил байрамига қандай арча безатишингиз, арча ўйинчоқлари ҳақида гапириб беринг.



3

### Шеърни ифодали ўқинг.

## ҚОРБОБОНИНГ САРҲИСОБИ

Йил бошида бола эдим,  
Сиздек гул-у лола эдим.  
Бугун мени бобо дейсиз,  
Қариб қопти, эссиз, эссиз.  
Сизни бир йил қўролмадим,

Ха, бир жойда туролмадим.  
Фарзандларим, ўғил – қизлар,  
Энг бахтиёр фақат сизлар!  
Шу бир йилда сизга атаб,  
Қад күттарди минг-минг мактаб.  
Бари-бари сизларники,  
Асил ўғил-қизларники.  
Демак, умрим бир йил бекор  
Үтмабди-да, зинҳор, зинҳор.  
Яна ўша бола бўлиб,  
Куч-гайратга тўла бўлиб,  
Янги йилни бошлайдирман,  
Янги қадам ташлайдирман.

*Шоди Саттор*



Шеър мазмунини ўз сўзларингиз билан тушуниринг.



4

Дўстларингиз билан биргаликда “Салом, Янги йил” номли тақдимот тайёрланг.



## Табиат ҳодисалари



Тоғларнинг оқ рўмоли  
Сирғалиб тушди.  
Шамолларнинг хаёли-  
Фунчалар – пушти.

Томчиларга илиниб  
Титрар камалак.  
Тонгги нурни симириб  
Жимиirlар фалак.

*Мұхтарама Улугова*

5-бўлим

# 35

## ҚИШ ТАШБЕХЛАРИ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### ҚИШ ТАШБЕХЛАРИ

Кор кийинган арчалар  
Оқ қалпоққа ўхшайди.  
Ялтироқ шох-шаббалар  
Жез жароққа ўхшайди.

Муз қотган ариқчалар.  
Зар белбоғга ўхшайди.  
Сумалаклар қандилар  
Муз чироққа ўхшайди.

Кор устида қарғалар  
Қора доғга ўхшайди.  
Ё оқ қофозга томган  
Ранг – сиёҳга ўхшайди.

Феъли совуқ изғирин  
Кўп чатоққа ўхшайди.  
Қувиб солар ҳаммани  
Уртўқмоққа ўхшайди.

*Дилишод Ражаб*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шоир шеърда қиши фаслидаги қандай табиат ҳодисалари ҳақида исботлаган?
2. Табиат ҳодисаларини қандай нарсаларга ўхшатганлиги ҳақида сўзлаб беринг.
3. Шеър мазмуни асосида расм чизинг.



3

Иzlанинг.

1. Энциклопедиядан қиши фаслида содир бўладиган табиат ҳодисалари ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



4

## Матнни ўқинг.

### ҚОРБОБО

Эрта тонгда хонадаги ёруғликни хис этиб кўзини очган Беҳзод деразадан ҳовлига қаради-ю:

– Наргиза опа, қаранг, қор ёғибди, қор, – деб қувонганича бор овозда атрофга жар сола бошлади.

– Ростданми, бунча яхши, бунча чиройли бўлиб кетди ҳовлимиз. Ер – у кўк оқ қўрпага бурканибди-ку! – деди Наргиза қувончга тўлиб.

– Ойи, дада, биз энди қорбобо ясаймиз, – деди Беҳзод ҳовлиққанича нариги хонага чиқиб.

– Аввал юз – қўлларингизни ювиб, чой-пойларингни ичиб олинглар. Ана ундан кейин иссиқ кийиниб, ҳовлига чиқасизлар. Қор ҳеч қаёққа қочиб кетмайди, – деди ойиси ҳовлиқаётган Беҳзодга қараб.

Болалар шоша-пиша нонушта қилиб ташқарига чиқишиди.

– Наргиза опа зўр бўлди-да, таътилда қор ёққани, – деди Беҳзод севинганича.

– Ҳа, зўр бўлди, энди маза қиласиз, – деди Наргиза ҳам Беҳзодга қараб.

Аввалига улар бир-бирларига роса қор отиб, қор бўрон ўйнашди, сирғанчиқ учишди. Ойижонисининг бир пас исиниб олинглар, дейишига ҳам қарамасдан қорбобо ясашга киришиб кетишиди. Қатта ҳовлининг у бошидан бу бошига коптот шаклидаги қорни думалатиб бўйлари баробар қорбобо ясашди. Қорбобонинг қош ва кўзларини ўйларининг деразаси томонга қаратиб ясашди.

– Ана энди уйдан туриб ҳам томоша қилса бўлади. Юр, кириб бирпас исиниб чиқамиз, – деди Наргиза ва укасига қараб афсусланган оҳангда давом этди:

– Ҳа, жудаям ўхшади, фақат қуёш чиқса, эриб кетади-да...

Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган Беҳзод опасининг гапидан бир сесканиб кетди.

- Эримайди, бизнинг қорбобомиз эримайди, – деди қовоғини уйиб. Кечқурун дадаси уйига қайтгач, Беҳзод ҳовлидаги қорбобони дадасига қайта-қайта кўрсатиб роса мақтанди. Лекин бироз вақт ўтгач:
- Дада, қандай қилиб уни олиб қолсак бўлади-а? – деб сўради хафа бўлиб.

Гап нимада эканини дарров тушунган дадаси Наргиза билан Беҳзодни олдига ўтказиб:

– Аввало, сизлар ясаган қорбобо ҳали-бери эримайди, чунки у сизларни яхши кўриб қолди. Сиз билан бир неча кун бирга бўлади. Лекин кунлар исиб, қорбобо эриб кетса, ҳечам хафа бўлманглар. Чунки у келгуси йилга яна қайтиб келади, – деди.

- Қандай қилиб? – сўради Беҳзод сабри чидамай.
- Деразаларга нақшлар чизиб, тарновларга сумалаклар осиб қайтиб келади. Қорбобо сизлар билан ўйнаш учун қорга айланиб олади, чунки у сеҳрли-да. Сизлар эса уни думалоқлаб яна қорбобо ясайсизлар.

Болалар мамнун бўлиб бир-бирларига қараб қўйишиди.

*Захро Хасанова*



5

### Савол ва топшириқлар.

1. Болалар нимадан қувониб кетишиди?
2. Дадаси қорбобонинг қайтиб келиши ҳақида болаларига айтган гапларини ўқинг, мазмунини тушунириинг.

# 36

## РАНГИН ҚОРЛАР



1

Эртакни ўқинг.

### РАНГИН ҚОРЛАР

Қадим-қадим замонда қиш пайтлари ранг-баранг қорлар ёғар экан. Улар баъзан алоҳида-алоҳида, яъни бир кўчага сариқ, бошқа маҳаллага яшил, яна бир бошқасига пушти рангларда ёғилса, баъзан бир жойнинг ўзига етти-саккиз хили ёғилиб, жуда гаройиб ранг бўлар экан. Аёз эса дераза ойналарига рангин нақшлар чизаркан.

Шундай қилиб, ўша даврлар ҳам сувдай оқиб ўтиб кетибди. Кеийин-кейин фақат оқ қорлар ёғадиган бўлибди. Одамлар ҳам оқ қорларга ўрганиб кетишибди. Уларга қорнинг оқлиги йиллар оша табиий туюла бошлабди. Энди улар бирор нарсанинг оқлигини таърифлайдиган бўлишса, “кордай оппоқ” деб гапиришар экан. Нега қорлар фақат оқ рангда ёғадиган бўлиб қолди?! Бунинг боисини билиш учун ўша қадим замонлар ҳақидаги эртакка қулоқ солиш керак. Бу эртакда бир неча минг йилда бир марта бўладиган бўёқ бозори ҳақида сўз боради.

Буюк бўёқчи қирқта қирқ қулоқли қозонларда бўёқ пишириб харидор кутиб, йўл кузатаётган маҳали олисдан бир қора қўринибди. Агар қўлни пешонага соябон қилиб, йўл қаралса, ушбу йўловчи Баҳор эканлигини билиш мумкин экан. У тобора шитоб билан яқинлашиб, унинг либоси-ю қиёфаси тиник кўрина бошлабди. У жуда чиройли қиз экан: соchlарида куртак ва фунчалар бўртиб турганмиш; кўйлагининг этакларига бинафшалар қадалган; мойчечаклар чамбари кийдирилган боши узра қалдирғочлар чарх уриб, елкасига қўнган саъва-ю қумрилар чаҳ-чаҳлаб келаётир. Баҳор бозорга етиб келгач, Буюк бўёқчига таъзим бажо қилибди. Буюк бўёқчи хари-

дорларининг биринчисини буғланиб турган қирқ қулоқли қозонлар сари бошлабди.

– Баҳоржон, мана, бу бўёқлардан керагича ол! – дебди у. Баҳор эса энг аввал яшил бўёқ қайнаётган қозон ёнига борибди. Баҳор учун яшил бўёқ жуда зарур экан. Баҳор бўёқ бозоридан кўнгли тўлиб чиқиб кетибди.

Ёз ҳар маҳалгидек мудраб қолган экан. Баҳор ўз аравасида харид қилган бўёқларини ортиб, момақалдироқларни гумбурлатиб, чақинлар чақнатиб ўтган маҳали Ёз уйқудан уйғониб кетибди-да, эрта-индин далаларда арпа-буғдойлар бўй бериб, боғларда олма-ўриклар таъм йигиб олишни, улар ўзининг бўёқлар келтиришини кутиб, унга мунтазир бўлиб туришни ўйлаб, бозорга отланибди.

Буюк бўёқчи уни ҳам рози қилиб жўнатибди.

Бўёқ бозорига куз келган пайт кўплаб қозонлар бўшаб қолган экан. Қозонлардан фақат иккитаси заъфар ва зарғалдоқ бўёқ қайнаётган қозонларда ҳали анча бўёқ бор экан. Қолганларида бўёқларнинг юқигина бор экан, холос. Куз ўз тегиши – заъфар рангли бўёқнинг ҳаммасини олибди. Қолган буёқларнинг юқини ҳам қозонлардан қириб олгач, оқ бўёқдан ҳам оз-моз идишга солиб олибди. Унинг ҳам ташвиши ўзига яраша экан. Боғ-роғлар, ўрмон ва яйловлардаги баҳорнинг яшил бўёқларини ўчириб чиқиб, уларни заъфар, пушти, зарғалдоқ рангларга бўяб чиқиши керак экан.

Буюк бўёқчи бўшаган қозонларини ювиб, уларни йиғиштираётган пайтда сўнгги харидор – Қиши етиб келиб қараса, аҳвол чатоқ. Унга фақат оқ бўёқ қолибди. Бўёқчи янги бўёқларни тайёрлагунча минглаб йил кутиш керак экан. Қиши оқ бўёқни олиб йўлга тушар экан, қолган фасллардан хафа бўлиб кетибди. Ўша кундан бошлаб Қуз ва Баҳорни иложини топса Ёзниг ҳам бўёқларига зарар келтириш пайида бўларкан. Айни ўриклар гуллаб турган пайтда, пахта чаман-чаман очилиб, боғларда тилладай узумлар айни етилган куз кунларида Қиши қаҳрини сочиб қоларкан. Баъзан эса ёзниг саратонига ҳам ўз қори, совуғи билан суқилиб киаркан.

Одамлар Қишини ўз қилмишидан кўп ҳам ўқинмаслиги, келгуси сафар бўёқ бозорига ўз вақтида бориши учун янги йил байрамларида

арча шохларига турли рангдаги ўйинчоқлар, құғирчоқлар, шокила-  
лар осишни одат қилишибиди.

*Оллоёр*



**2**

### Савол ва топшириқлар.

1. Қадимда қорлар қандай рангларда бўлган экан?
2. Баҳорнинг яшил ранг танлаш сабабини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг
3. Баҳорнинг ҳаракатчанлиги-ю, ёзниң мудраб туриши нимани англатади? Фикрингизни далилланг.
4. Қуз билан қишига хос табиат ҳодисаларини айтинг.



**3**

### Иzlанинг.


1. Интернетдан тўрт фаслга оид табиат ҳодисаларини аниқланг ва дафтaringизга ёзинг.



**4**

### Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Экваторда у битта,  
Бизнинг иқлимда тўртта!



# 37

## ОСМОНДАГИ ТҮПОЛОН



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### ОСМОНДАГИ ТҮПОЛОН

Икки бебош булутча  
Талашиб кетди ойни.  
Бўлиб роса жиққамушт,  
Тўкиб юборди мойни.  
Портлади-ку мой бирдан,  
Чақмоқ бўлиб ярқироқ.  
Чўчиб уйғониб кетди  
Жоҳил момақалдироқ.  
Дағдаға қилиб чунон  
Булутларни қувлади.

Камига шамол туриб  
Бўри каби увлади.  
Тўполондан самонинг  
Қовоқлари уюлди.  
Кўз ёшлар ёмғир бўлиб,  
Ерга шаррос қуийилди.  
Ҳей ўжар урушқоқлар  
Тўхтатингиз кўз ёшни.  
Оlam бўлсин нурафшон,  
Чорланг бобо қуёшни.

*Набижон Қодиров*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шоир шеърда қандай табиат ҳодисаларини ифодалаган деб ўйлайсиз? Фикрингизни далилланг.
2. Осмондаги бундай “тўполонлар”ни кузатганмисиз? Қачон?
3. Шеърни ёд олинг.



3

Иzlанинг.

1. Интернетдан чақмоқ чақиши ва момақалдироқнинг ҳосил бўлиши ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



4

## Матнни ўқинг.

### КУЗДАН КЕЛГАН ХАТ (ҳикоя)

Осмонни булут қоплади. Кейин гувиллаган овоз эшилди. Да-рахтлар тебраниб, чайқалгандек бўлди. Дарвозани кимдир қоқди. “Ҳамма уйда. Ким бўлиши мумкин?!” қулоқ солсан, яна тақиллади. Эшикни очсан, изгирин шамол елкасига почта халтани осиб олган. “Сизга хат бор”, дея кафтимдек саватча олиб менга узатди. Ҳайрон қолдим, қопқоғи ҳам антиқа.

Бу кимданлигини сўрамоқчи эдим, у “зув” этиб кўздан йўқолди. Уни очмоқчи эдим, очилмади. Ичидা нима бор экан? Қулоғимга тутдим: ёмғирнинг овози, кейин томчиларнинг шарга айланиб ёрилиши эшилди. Қўзимни юмиб, уни қулоғимга қаттикроқ босдим: “Энди ўша ёмғирнинг тагида мен ҳам соябонсиз юрадим”.

Кутилмаганда қопқоқ очилиб кетди. Уйни олма-ю беҳиларнинг ҳиди тутиб кетди. Саватчадаги меваларни қўлимга олсан, кафтимга сигмай қолди. Нима қилишни билмасдим.

Дераза ойнасидан ташқарига қарадим: осмон тўла зарғалдоқ барг ёгарди. Бу барг ёмғири эди. Йўқ, йўқ барглар учарди. Уларнинг қаноти бор эди, рост.

Қушлардан ҳам чиройли қанот қоқарди... Улар ёмғирдан ҳам беркинmas, шамолдан ҳам қўрқmas эди. Ер-у кўкни ўз уйига айлантириб олган эди.

Энди билдим, бу қузнинг хати эди. Мен унга жавоб ёзмоқчи бўлиб ўрнимдан турганимда, момақалдироқ гумбурлади. Қўзим катта-катта очилиб кетди.

“Болалар кутубхонаси” китобидан



5

## Савол ва топшириқлар.

- Хикоя кимнинг номидан ёзилган?

- Хикояда қандай табиат ҳодисалари ўрин олганлигини матндан топиб ўқинг.
- Ҳикоянинг “Қуздан келган хат” деб номланишини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.



6

### Иzlанинг.

- Дўстингиз билан “Қишдан келган хат” мавзусида постер ясанг.



1

### Тез айтишни тез-тез айтинг.

Шокир шогирдини шоширди,  
Шамолда шолини шопирди.  
Шамол шиддатини  
Шовуллаб шоширди.

Жиққамушт  
Нурафшон  
Антика



1

Матнни ўқинг.

## БУЛУТЧАНИНГ САҲРОГА БОРГАНИ ҲАҚИДА

Бир қуни булутча йўлидан адашди ва саҳрога бориб қолди. – Бу ер қандай чиройли! – деб ўйлади булутча атрофга кўз ташлар экан.

– Ҳаммаёқ сап-сариқ...

Шу пайт шамол эсиб, қум тепаликларини теп-текис қилди.

– Бу ер қандай чиройли! – яна ўйлади Булутча.

– Ҳаммаёқ теп-текис...

Сўнг қуёш ҳам қаттиқроқ қиздира бошлади.

– Бу ер қандай чиройли! – дея яна хаёл сурди Булутча.

– Ҳаммаёқ бирам иссиқ...

Шу тариқа бир кун ўтди. Унинг ортидан иккинчиси, учинчиси...

Булутча ҳали-ҳамон саҳрода кўрганларидан завқланар эди.

Ҳафта ўтди. Ой ўтди. Саҳрода ҳам иссиқ, ҳам ёруғ эди. Қуёшвой Ердаги бу жойни жуда ёқтириб қолган эди. Саҳрони Шамолвой ҳам тез-тез йўқлаб туради.

Бу ерда фақат бир нарса йўқ эди – мовий кўллар, яшил ўтлоқлар, сайроқи қушлар, ўйноқи балиқлар. Булутча йиглаб юборди. Йўқ, саҳрога қалин ўтлоқларни, қуюқ дараҳтзорларни кўриш насиб этмайди, бу ерда яшовчилар, анвойи гуллар ифоридан баҳра ололмайди, булбулларнинг жўшқин овозини эшитолмайди.

Бу ерда энг асосийси – СУВ йўқ, демакки, ҲАЁТ ҳам йўқ!

Бир қуни шўх булутча бодринг, помидор, қовоқча, пиёз, шивит ва картошка ўсиб ётган томорқа устидан учиб ўтар экан, сабзавотларни маъюс эканлигини сезиб қолибди. Уларнинг палаги ва барглари сўлиб, томирлари ҳам деярли қуриб қолаёзган экан.

– Сизларга нима бўлди? – дея хавотирланиб сўрабди у.

Маъюс сабзавотлар анчадан бери ёмғир ёғмагани учун қуриб, ўсмай қўйишганини, уларга сув жуда-жуда зарурлигини айтишибди.

– Балки сизларга мен ёрдам берарман? – дея дадил сўрабди Булутча.

– Ахир хали жуда кичкинасан-ку, – деб жавоб қайтарибди томорқада бошлик ҳисобланадиган улкан қовоқ. – Қанийди, катта булут учиб келса-ю, чақмоқ чақиб, шаррос ёмғир қуийиб берса, – сўнг оғир хўрсиниб қўйибди.

– Ҳозир барча ўртоқларимни тўплайман ва сабзавотларга албатта ёрдам бераман, деб аҳд қилибди Булутча учиб кетаркан.

У шамол ҳузурига учиб бориб, ундан қаттиқроқ әсиб барча митти булутларни бир жойга тўплашни ва ёмғир ёғдиришга кўмаклашишини илтимос қилибди. Шўх шамол ҳам бажонидил ёрдам берибди, кечга яқин булутлар жуда қуюқлашиб, ниҳоят чақмоқ чақиб, ёмғир ёға бошлабди. Қувноқ ёмғир томчилари ер томон шошилиб, барча ташна сабзавотларни сугора бошлабди. Ҳайратда қолган сабзавотлар эса гўё ҳеч бир ёмғир томчисини ўтказиб юборишни хоҳламагандек бошларини юқори кўтаришибди.

– Раҳмат сенга, Булутча! Сенга ҳам раҳмат, Шамолвой! – жўр овозда шодон қичқиришибди сабзавотлар.

– Энди биз албатта ўсамиз ва одамларга қувонч бағишлаймиз.

Елена Студнева



## Савол ва топшириқлар.

1. Ҳикоядаги “беминнат ёрдамчилар” нималар деб ўйлайсиз?  
Фикрингизни асосланг.
2. Ҳикоядаги табиат ҳодисаларнинг дехқончиликдаги аҳамијати ва зарари ҳақида билганларингизни сўзлаб беринг.
3. Сабзавотлар номидан Булутчага хат ёзинг.



3

Шеърни ифодали ўқинг.

## БУЛУТ

Пардай енгил булутман,  
Ерни сувга мўл этган.  
Учрашмасак гар ёзда,  
Куз келгунча унутманг.

*Туроб Ниёз*



Шеърни ёдан ёзинг.



4

Мақолларни ўқинг ва мазмунини тушуниринг.

Бирлашган дарё бўлар,  
Тарқалган ирмоқ бўлар.

Ер она, сув – ота,  
Меҳнат – бойлик.

Гап билан шошма, иш билан шош.

Дарахт япроғи билан кўркам,  
Одам – меҳнати билан.

ШИВИТ  
Бажонидил  
Ташна



# 39

## МУШАК



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### МУШАК

Еру-осмон гумбурлаб,  
Тоғ-у тошлар янгради.  
Бедов кишинаб уловлар,  
Ўқтин-ўқтин ҳангради.

Суғур, жайра кўп ўтмай,  
Арчазорга топинди.  
Ҳадиксираб кирпилар,  
Отқулоққа ёпинди.

Қўкнинг олмос қиличи,  
Сигмас эди қинига.  
Тошбақа-ю шилликқурт  
Кириб кетди инига.

Курка қочар лўкиллаб,  
Хўроз сўл-у соғимда.

Қуёнбойнинг лабига,  
Учуқ чиқди чоғимда.

Қордаги тошлар ҳам,  
Қулаб тушди гулдираб.  
-Нима бўлди? – деб сўрап,  
Мовий булоқ чулдираб.

Майна билан какликлар,  
Ўз ҳолича бўзлашар  
Ҳатто Арслон ва Айик,  
Шивирлашиб сўзлашар.

Нима бўлди ким айтар?  
Бўйноқ қочар дилдираб.  
Мушак отар басма-бас,  
Кўкда момагулдирак.

*Турсунбой Адашбаев*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Жониворлар нима учун безовта бўлишди?
2. “Қўкнинг олмос қиличи,  
Сигмас эди қинига” мисралари орқали қандай табиат ҳоди-  
саси ифодаланган?
3. Шеърда қандай жониворларнинг ҳаракати ифодаланган?  
Уларнинг номларини ёзинг.



3


### Изланинг.

- Дўстингиз билан шеър мазмуни асосида “Мушакли кун” мавзусида расм чизинг.



4

**Расмларни кузатинг.** Табиат ҳодисаларининг номларини айтинг. Улар ҳақида билғанларингизни айтинг.





5

Үқинг, бу қизик!

## ЖУМБОҚЛИ ҚАТРА

Ориф қўлидаги чўзма билан симёғочда жунжикиб ўтирган қушларни нишонга олди.

Қушлар хавфни сезишса-да, азбаройи совуқ қотганларидан учиб кетишга ошиқмасди.

Ана, Ориф каттароқ тош қўйган чўзмасини тортди... Чеккада қўниб турган чумчук “тўп” этиб ерга қулади. Ориф ҳам, томошабин болалар ҳам ёққа югуришди.

– Қойил, бошини узворибди-я, зўр мерган бўпсан-да, ўзингам, – дейишди болалар Орифга ҳавас билан.

Мен эса Орифга сираям ҳавас қилмадим.


*Мұхаббат Хамирова*

Сиз Орифга ҳавас қиласдингизми? Нима учун? Фикрингизни асосланг.



6

“Жумбоқли қатра” матни қаҳрамони Орифнинг хулқ-авторини таърифлаб ёзинг.



## ШУДРИНГ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### ШУДРИНГ

Боғимизга бир қаранг,  
Гул очилган ранг-баранг.  
Тонгда шудринг тушибди,  
Гулга чирой қўшибди.

Боғдан нари полиз бор,  
Унда қовун-тарвуз бор.  
Тарвузлар катта-катта,  
Ёзда келинг албатта.



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шудринг қайси фаслларда, қачон тушибиши ҳақида кузат-ганларингиз бўйича сўзлаб беринг.
2. Шеърни ёд олинг.



3

Матнни ўқинг.

### БАХТИНУР

Қадим-қадим замонда Бахтинур исмли бола яшаган экан. У ота-онасидан эрта етим қолган экан. Шу сабабли ёлғиз, аммо яхши одамларнинг қўлида катта бўлган экан. Бахтинур жуда кўп яхши инсонларнинг меҳри-саховати туфайли, ақлли-хушли, меҳр-мурув-



ватли бўлиб вояга етибди. Бахтинурнинг қўшниси қари бир кампир унга доим яхшилик қилиш кераклигини уқтиаркан.

Кунларнинг бирида Бахтинур туш кўрибди. Тушида бир қари чол:

– Сен яхши боласан, шу сабаб сени мукофотламоқчиман, ҳовлинг-нинг этагида кичик ер бор, ўшани 5 йил давомида парваришлайсан, ҳар йили унга доривор кўкатлар экасан. Агар айтганимни қилсанг, 5 йилдан сўнг ўша ердан беҳисоб олтинлар оласан, – дебди-ю, кўздан тойиб бўлибди.

Бахтинур уйғониб кетиб, атрофга қарабди. Тушлигини билибди. Аммо унинг қалбида қандай бойлик экан, бу ростмикан ёки тушдаги хаёлмикан, деган ўйлар кеча бошлабди. У иккиланмай ҳовлидаги қаровсиз ётган ерга ишлов берибди. Ерни чопибди, сув қўйибди, парваришлабди. Сўнг унга ҳар хил кўчатлар, сабзавотлар экибди. У ерга меҳр бериб ишлай бошлабди. Биринчи йили ҳосил кам бўлибди. Кейинги йили янада шижаот билан ишлабди. Ҳосил биринчи йилгидан уч баробар кўп бўлибди. Бахтинур уни бозорга олиб бориб сотиб келибди. Йил бўйи қилган меҳнатининг роҳатини кўрибди. У ерга ўзгача меҳр қўйибди. Ерга қанчалик эътибор берса, у шунчалик мукофотлашини тушунибди. Чол айтган бойлик ҳам аслида шу ер ва унинг неъматлари эканлигини англабди.

*Шахло Абдукаюмова*



4

### Савол ва топшириқлар.

1. Матндан ер ҳақидаги гапларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.
2. Она еримиз табиатнинг энг ажойиб мўъжизаси эканлиги ҳақидаги фикрларингизни айтинг.
3. Она еримиздаги қандай табиат ҳодисаларини биласиз?  
Уларни айтинг.



5

### Изланинг.

Матн мазмуни асосида “Она ер” мавзусида эссе ёзинг.



6

Шеърни ифодали ўқинг, ёддан ёзинг.

ЕР

Қадим, сахий ердирман,  
Мени жондан севарлар.  
Кўчат ўтқазиб менга,  
Сўнгра ризқин терарлар.

*Туроб Ниёз*



7

Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Борлиққа у пар тўшар,  
Дарахтларга оқ салла.  
Заминга кўрпа ёпиб,  
Гўё айтади алла.

Ушлаб қўриб бешни ечдим,  
Бешга қўшиб ўнни ечдим.

Шижоат  
Ризқ

41


## ОЙ ВА ҚҮЁШ



1

Эртакни ўқинг.

### ОЙ ВА ҚҮЁШ



Ой доим қүёшга ҳавас қиларкан. У қүёшнинг ўрнида бўлишни, у каби олтин рангларда жилоланиб туришни орзу қиларкан. У борлиқни ёруғликда, олтинранг нурлар таратган ҳолда кўришни истаркан. Шу сабабли у доим хомуш юаркан. Табиатни, инсонларни, жамики мавжудотларни ёруғликда кўриб улардан завқ олиб, улар билан қувлашмачоқ ўйнашни, ўзидан иссиқлик тарқатишни ўйларкан. Ўз орзулари ҳақида кечалари юлдузларга айтиб чиқар экан. У қүёш билан учрашиб, ўрин алмашишни истар экан. Охири, у ўз орзуларимни амалга ошираман, деб йўлга тушибди ва кундуз куни қүёшнинг олдига борибди. Қүёш ҳайратланибди:

– Нега келдинг, эй оймомо? Ҳозир менинг чиқиши вақтим, сен келганинг учун борлиқни қоронгулик әгаллади. Сен менинг нурларимни тўсиб қолдинг. Қара, одамлар қўрқувга тушмоқда, – дебди.

Оймомо кўз ёш тўкибди:

– Қуёш бобо, жон қуёш бобо, сиз билан ўрин алмашгани келдим. Сизга ўхшаб ёруғлик, иссиқлик тарқатишни истайман. Мен ҳам борлиқни ёруғлика кўргим келади, – дебди.

Қуёш қалин қошларини чимирибди, аммо Оймомони хафа қилишдан кўрқибди. У босиқлик билан шундай дебди:

– Ойқиз, мен сен билан ўрин алмашганим билан кундузи қоронфу, кечаси ёруғ бўлиб қолаверади. Чунки ягона менгина бутун дунёни ёритишга, иситишга қодирман. Сен эса кечаси чиқишинг керак. Кундузи чиқсанг, ҳамма жойни ёп-ёруғ қилолмайсан, етарлича иситолмайсан, – дебди.

Шунда Оймомонинг яна кўзи ёшланибди. Қуёш:

– Ойқиз, осмоннинг эрка қизи, сен жуда гўзалсан. Сени одамлар жуда яхши кўришади. Сени интиқлик билан кутишади. Агар аразлаб осмонга чиқмай қўйсанг, одамлар сенинг чиройингдан, майин нурларингдан баҳраманд бўлишмайди. Одамларга кераксан. Сен ва юлдузлар осмоннинг тунги ёғдуларисиз. Ҳатто мен ҳам сен каби гўзал эмасман. Агар шунчалик кундузги вақтда чиққинг келса, бир йилда бир марта менинг ёнимга келишинг мумкин, – дебди.

Оймома жуда хурсанд бўлибди. Энди унинг орзуси бир йилда бир марта амалга ошар экан. Шундан бошлаб осмонда бир йилда бир марта Қуёш ва Ой тутилиши кузатилар экан.

*Шахло Абдуқаюмова*



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Эртакда қандай табиат ҳодисаси ҳақида айтилган? Шу ўринни матндан топиб ўқинг.
2. Қуёш ва Ой тутилишини кузатганмисиз? Сўзлаб беринг.
3. Дунётаниш дарсида ўргангланларингиз асосида Ой ва Қуёшнинг жонли табиатдаги аҳамияти ҳақида гапириб беринг.
4. Эртакни саҳналаштиринг.



3

## Изланинг.

1. Интернетдан Ой ва Қуёшнинг тутилиши сабаблари тўғрисида маълумотлар тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



4

## Шеърни ифодали ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

– Ака, айт-чи, кундуз,  
Нега кўринмас юлдуз?  
– Юлдуз қуёш боласи,  
Уйғонгунча онаси,  
Нур сочиб, чарчаб қолар,  
Кундуз эса дам олар.

*Туроб Ниёз*

Шеърни ролларга бўлиб ўқинг ва ёд олинг.





## БОЙЧЕЧАК

(Дания)

Қиши шамоли увиллар, уйчанинг ичи эса шинам ва иссиқ экан. Бу уйчада гул яшириниб олган эди. Албатта, у қор ва тупроқ остида ўз илдизини яширган экан. Сўнг ёмғир ёғибди. Томчилар қор пардасини тешиб, гул илдизларига тома бошлабди.

Томчилар ердаги ёрқин, нурга тўла ҳаёт ҳақида ҳикоя қилишибди, ундан кейин эса мулойим ва қатъиятли қуёш нури қор орасидан ўтиб, илдизни илита бошлабди.

– Кимсиз? Кираверинг! – дебди гул.  
– Киролмайман! – дебди қуёш нури. – Мен эшикни очолмайман. Ёзгача сабр қил, ўшандা кучга тўламан.

– Ёз қачон бўлади? – сўрабди гул. Қуёш нури ҳар сафар етиб борганда, ана шу саволни такрорлайверибди. Лекин ҳали ёзга анча эрта бўлиб, ҳаммаёқ қор билан қопланган экан, ҳар куни кечаси сув музлаб қоларкан.

– Бу жуда жонга тегди-ку! – дебди гул. – Вужудим зирқирайпти. Қаддимни ростлашим, эркинликка чиқишим, ёзга таъзим қилиб, тонгга салом беришим керак. Оҳ, бу – нақадар улуғ баҳт!

Охири гул ўрнидан турибди, керишиб чўзилибди, илиқ тупроқ, қор суви ва қуёш нуридан намланган қобигига ёнбошлабди. У қўмкўк пояси ичидаги оч яшил ғунчасини кўтарганича, дарҳол юқорига бўй чўза бошлабди, ғунчанинг нозик гулбарглари қор устига чиқибди. Қор совуқ экан, лекин қўз қамаштириб ярқирааб турганмиш, унинг орасидан чиқиш анча осон экан, қуёш нурлари ҳатто илгаригидан ҳам яқинмиш. Қуёш нурлари қўнғироқдай товушлари билан:

– Хуш келибсиз! Хуш келибсиз! – дейишаётганмиш, ҳатто куйлашаётганмиш.

Гул қор устидан қүёш нурига пешвоз чиқибди.

Қүёш нурлари гулни силаб-сийпалабди, нозиккина бўса олибди, натижада гул бутунлай очилиб кетибди. Гул қордай оппоқ бўлиб, қувонч ва шарм-ҳаё билан бошини қуи эгиб тураверибди.

– Чиройли гул! – деб қуйлабди қүёш нурлари. – Нақадар нафис, гўзалсан! Сен илк очилган гул! Сен якка-ю ягонасан! Севиклимиш! Сен шаҳар ва қишлоқларда илиқ ёздан дарак олиб борасан! Қорлар эриб, совуқ шамоллар бош олиб кетади!

Бизнинг мавсумимиз бошланади! Ҳаммаёқ яшил лиbos кияди! Настарин, толбута, атиргул сингари дўстларинг пайдо бўлади, лекин сен илк гулимизсан, нафис ва латифсан, беғуборсан!

У бутун ҳаво қуйлагандай, қүёш нурлари унинг барглари, пояларига сингиб кетгандай севинибди, латиф, нозикниҳол, лекин шу билан бирга, ёшлиқ гўзаллиги билан оч яшил либосида тураверибди ва ёзни шарафлайверибди.

Лекин ҳали ёзга узоқ экан, булутлар қүёш нурини тўсибди, совуқ изғирин шамол эсибди.

– Сал эртароқ бош кўтарибсан! – дебди унга об-ҳаво билан Шамол.

– Биз ҳали сенга кучимизни қўрсатиб қўямиз! Қудратимизни билиб оласан! Уйингда жим ўтираверганинг, ясаниб кўчага чиқмаганинг маъқул эди. Сен айтган фурсат ҳали келгани йўқ!

Яна совуқлар бошланиб кетибди. Қүёш йилт этиб кўринмаган бадқовоқ кунлари узоққа чўзилибди.

Кунлар шундай совибдики, бечора нозик гул томир-томиригача музлаб кетибди. Лекин бу қадар матонатлилигини ҳатто унинг ўзи ҳам билмас экан. “Ёз, албатта, келади”, – деган ишонч ва суур гулга куч-кувват бағишлабди.

У ёзга садоқатлилигича қолибди, “Қуёш нурлари кутишга арзиди”, – деб ўзига-ўзи далда берибди. Гул қалби севги, ишонч ва умидга тўла оқ харир кийимда оппоқ қор бетида тураверибди, лайлакқорлар ёққанда ва изғирин шамол эсганда эса, бошини қуи солибди.

– Адойи тамом бўласан, – дейишибди унга. – Музлаб қоласан, хазон бўласан! Бу ерларда нимани ахтариб юрган эдинг? Нега қүёш нурига ишона қолдинг? У сени алдади. Ажаб бўлди, тентак. Сендақа ёз хабарчисини қара-ю!



— Аҳмоқ! — деб такрорлабди гул унга аёзли оҳангда.

— Ёз хабарчиси! — деб қичқиришибди боғ ичига чопқиллаб кирган болалар. — Қаранглар, бирам ажойиб, чиройли. Эндиғина очилган ёлғиз гул экан!

Гул бу гаплардан қүёш нуридан қувонгандай севиниб кетибди. Шунчалик севинибдики, ҳатто болалар уни узиб олганини ҳам пайқамабди.

Қараса, у бир боланинг қўлида турганмиш, бола уни ўпибди, ҳадемай ўзини иссиққина хонада кўрибди, атрофдан унга меҳрибон кўзлар боқибди, уни сув ичига солиб қўйишибди.

Сув шунақаям тетиклантириб, куч-қувват бағишлабдики, гул учун гўё ёз бошланиб кетгандай бўлибди...

Ханс Кристиан Андерсен



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Эртакда табиат ҳодисалари ифодаланган ўринларни аниқланг, уларни дафтaringизга ёзинг.
2. Ёзувчи нима учун гулни “матонатли” деб таърифлаган? Фикрингизни далилланг.

Қиёқ  
Пешвоз  
Толбута  
Бадқовоқ

## ҚИШ ЛАВҲАЛАРИ



1

Шеърни ўқинг.

### ҚИШ ЛАВҲАЛАРИ

Кечки осмон оҳиста  
Қорни элай бошлайди.  
Туннинг қаро сочига  
Оқ оралай бошлайди.

Тураг қатор дараҳтлар –  
Холи ночор дараҳтлар  
Бошга тушган қор-ғамдан  
Сочи оппоқ оқарган.

Қуйлар шодон яллалар  
Боқибекам қарғалар.  
Ташвишларин зўридан  
Тутун пуфлар мўрилар.

Ҳар тешикка бош суқиб  
Қараб юрар изғирин.  
Музқаймоқдай қорларни  
Ялаб юрар изғирин.

*Дилишод Ражаб*





2

## Савол ва топшириқлар.

1. Шеърда қорнинг ёғиши, дараҳтларнинг қор билан қопланниши нималарга ўхшатилади? Мисоллар келтириб сўзланг.
2. Изғириннинг ҳаракатлари ифодаланган тўртликни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.
3. Шеърни ёд олинг.



3

## Иzlанинг.

1. Шеър мазмуни асосида “Қиши лавҳалари” мавзусида дўстингиз билан фотоальбом ясанг.



4

## Матнни ўқинг.

### МЕХР

Куз охирлаб, қиши бошланаётган кунлар эди. Дилёржон дераза ойнасидан ҳовлига боққанича мусичаларни кузатарди. Шу пайт бувиси эшик очиб деди:

- Бобоси, ҳавога қаранг, бугун изиллатиши бошқача. Қор ёғмаса кошки эди. Ҳали хурмомиз ёш... Бу совуққа чидармикан?
- Бувижон, қор ёғса майли, мазза қилиб қорбобо ясардик, – деди Дилёржон хурсанд бўлиб.

Ҳеч ким унинг ёнига қўшилмагач, ҳайрон бўлганича ҳовлига чиқди. Яқинда экилган хурмо кўчати шохлари изғиринда гўё силкиниб-силкиниб қалтирагандай туюларди унга. Дилёржон иккilanмай пальточасини ечди-да, хурмога кийдириб, тугмаларини қадаб кўйди. Шу дамда унинг ортидан етиб келиб, кузатиб турган бобоси жилмайганича набирасини бағрига босди...

Вали Аҳмаджон



5

## Савол ва топшириқлар.

1. Қишки изғиринда дараҳтларнинг ҳолатини кузатганмисиз? Мисоллар билан сўзланг.
2. Ҳикоянинг “Мехр” деб номланишини қандай тушундигиз? Фикрингизни далилланг.
3. Бобоси Дилёржонни нима учун бағрига босди? Ўз фикрингизни айтинг.



6

Табиат ҳодисаларига оид топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.


Қишда оқ гул,  
Баҳорда сув сочади.  
Ел эсганда,  
Тумтарақай қочади.

Бекасамдан йўли бор,  
Осмон – фалақда чиқар.

Меҳмон бўлиб боғимга,  
Хид пуркар димогимга.

Ёзиб кумуш пояндоз,  
Совуқда элар шакар.  
Шарбатсиз ясар новвот,  
Топинг сиз бермай шаҳар.

Топишмоқлардан иккитасини дафтарингизга ёзинг.





1

Матнни ўқинг.

## КАМАЛАК

Кўкламда кўп ёғингарчилик бўлади. Бугун ёмғир тинди. Унинг сўнгги йирик томчилари ерга тушди. Чарақлаб чиққан қуёшнинг ёрқин нурларига чўмилган ўт-ўланлар, дараҳтларнинг барглари, уйларнинг томлари ярқираб кетди. Осмонда эса ранг-баранг камалак-нинг ёйи кўринди. Табиат қандай чиройли-а! Биз табиатни севамиз ва уни асраемиз.



2

Матн мазмуни асосида “Баҳор табиати чиройли” мавзусида эссе ёзинг.



3

Шеърни ўқинг.

## КАМАЛАК ҚЎШИФИ

Камалак дейди:

- Рангларим эгилган
- Ёй бўлиб,
- Булутлар чопишар
- Той бўлиб,
- Хаёлим у томон
- Елади,
- Тез бориб ушлагим
- Келади.

Осмондан кўзимни  
Узмайман,  
Ранго-ранг камалак  
Иzlaiman.



4

### Савол ва топшириқлар.

1. Табиатнинг бундай ҳодисасини кузатганмисиз?
2. Камалакнинг сўзларини ўқинг, мазмунини тушунтиринг.



5

### Иzlанинг.


Интернетдан камалакнинг пайдо бўлиши ҳақида маълумот ва расмлар тўпланг.



6

### Ўқинг, бу қизиқ.

## ВИКТОРИЯ ШАРШАСИ



Дунёда ажойиб табиат ҳодисалари бор. Виктория шаршаси энг катта шаршалардан биридир. Бу шаршара Занберн канали бўйлаб оқувчи зилол сувдан ҳосил бўлади. Унинг табиий гўзаллиги ва ўйноқилигини тасвирлашга сўз тополмайсан. Атроф шундай кўркам-ки, қишинёзин кўм-кўк ўтлар, буталар шаршара ҳуснига ҳусн қўшади.

Сув баландликдан шиддат билан пастга оқади. Оппоқ күпиклар секин-аста сўниб, майдаланиб оқаётган сув юзида кўздан ғойиб бўлади. Бу сув узоқ-узоқларга ҳаёт олиб боради.



1

### Иzlанинг

1. Энциклопедиядан ғаройиб табиат ҳодисалари тўғрисида маълумотлар тўпланг, дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



2

### Билимингизни синанг.

1. “Рангин қорлар” эртагида қандай табиат ҳодисалари ҳақида ўргандингиз?
2. “Осмондаги тўполон” шеърининг мазмунини сўзлаб беринг.
3. Елена Студневанинг қандай эртагини ўқидингиз? Эртак қаҳрамонларини айтинг.
4. Сизга бўлимдаги қайси шеър ёки ҳикоя кўпроқ ёқди? Нима учун?
5. Бўлимда ўрганганларингиз асосида “Табиатнинг ажойиб ҳодисалари” мавзуусида постер тузинг.



## *Атроф – мұхит мұҳофазаси*



Гулгун, дилдор табиат  
Гүзәллиги бир жақон.  
Қўйнида яйраб-яшнаб  
Камол топади инсон.

Шу она табиатнинг  
Бордир аммо ҳисоби.  
Сукунати ҳайқириқ,  
Бизга қилган хитоби.

Асраш керакдир уни,  
Бўлиб чиндан фидоси.  
Бу – юрак буюргани,  
Виждонимиз нидоси.

*Темур Убайдулло*

**6-бўлим**



1

Шеърни ифодали ўқинг.

## БОР БЎЛСИН, ОНА ТАБИАТ

Яшар хонам табиат.  
 Бағишлиб ноз-у неъмат,  
 Бизни қилар тарбият.  
 Хай-ҳай, она табиат,  
 Чирой жамоли беҳад.  
 Қуннинг кўзи чиройли,  
 Ернинг юзи чиройли.  
 Чиройли тоғ-у тошлар,  
 Қир, ўрмон, боғ-наққошлар.  
 Тўрт фаслинг ундан ҳам соз,  
 Бор борлигинг чиройли,  
 Ёқимтой худди жондек.  
 Афсуски, бор бир ёғинг,  
 Ой чехрангда нуқс доғинг.  
 Соғ ҳавонгда ғуборинг, –  
 Деб Эркинжон ўйлар лол,  
 Дилида юз бир савол.  
 Ушбу нуқсон иложин

Тезда сарфламоқ важин –  
 Йўлини топмоқ керак,  
 Фуборни ювмоқ керак.  
 Бўлсин тоза ер, осмон,  
 Бўлсин тоза сув, ўрмон.  
 Дудинг йифиб, эритиб,  
 Пахтага озиқ этиб,  
 Артиб ҳаво-ғуборинг,  
 Артиб ойдаги доғинг,  
 Қурсак яшил чангютар,  
 Шунда дил яйраб кетар.  
 Топиб билимни асос,  
 Сени қиласиз эъзоз.  
 Хай-ҳай, она табиат,  
 Яшар хонам табиат.  
 Яшамоғинг бизга баҳт,  
 Бор бўл, яшна, ҳамма вақт.

*Қуддус Муҳаммадий*

2

Савол ва топшириқлар.

1. Шоир шеърни кимнинг номидан ёзган?
2. Шеърда табиатнинг гўзаллиги қандай тасвиrlанган?
3. “Афсуски, бор бир ёғинг,  
 Ой чехрангда нуқс доғинг  
 Соғ ҳавонгда ғуборинг” мисралари орқали шоир табиатда-

- ги қандай ҳолатларни ёзган деб ўйлайсиз? Фикрингизни асосланг.
4. Шеърдан: “Ушбу нуқсон иложин  
Тезда софламоқ важин –  
Йўлини топмоқ керак  
Губорни ювмоқ керак” мисраларининг мазмунини тушунтиринг.
  5. Сиз табиатнинг соғлиги учун қандай ҳисса қўшасиз? Сўзлаб беринг.



**3**

### Эртакни ўқинг.

## СУХБАТ

Бир куни, баҳор ёмғиридан сўнг, юрсам қандайдир овоз келди. У ёқ, бу ёққа қарасам, Қуёш бобо:

- Болажоним, нуримдан баҳраманд бўл! – деди.
  - Хўп бўлади, Қуёш бобо, – дедим севиниб.
  - Болажоним, теварак-атрофни асранг-авайланг! – деди.
  - Албатта, атрофимииздаги оламни асраб, авайлаб, яшил бойлигимизни кўпайтирамиз, – дедим.
  - Балли, балли, болам, унутма, табиат – она, сизлар унинг боласисизлар. Табиатни яшнатиш учун ҳар йили баҳорда албатта дарахт, гуллар экинг.
  - Айтганларингизни қиласиз, боғлар барпо этамиз, – дедим.
  - Файратли, шижаотли бўлинглар, дўстликни қадрланглар! Мен ҳар тонгда сизларни кўриб, қувонаман ...
  - Биз ҳам сизни соғиниб кутамиз, – дедим-у, севинганимдан уй томон чопиб кетдим.
  - Ойижон, ойижон, менга қуёш бобо кўп нарсалар ўргатди.
  - Вой сендан, Қуёш бободан айланай, қани айт-чи, у нималар деди?
- Мен ойимларга Қуёш бобо айтганларини бирма-бир гапириб бердим.

*Нилуфар Маткаримова*



4

### Савол ва топшириқлар.

1. Эртакни ролларга бўлиб ўқинг.
2. Бола билан Қуёшнинг суҳбатидан қандай хулосага келдигиз?
3. Қуёш бобонинг “табиат – она” эканлиги ҳақидаги гапларини дафтарингизга ёзинг.
4. Эртакни саҳналаштииринг.
5. Қуёш бобонинг насиҳатларига сиз ҳам амал қиласизми?




5

Эртак мазмуни асосида Қуёш бобога хат ёзинг.



6

Синфдошларингиз билан биргаликда “Табиатни асрайлик” мавзусида деворий газета тайёрланг.



## ОНА ТАБИАТНИ АРДОҚЛАНГ



1

Матнни ўқинг.

### ДАРАХТ ДАРДИ

Инсон қалин ўрмонга келиб, уй қуриш мақсадида энг кекса ва салобатли дарахтни танлади.

Унинг танасига ўткир аррасини теккизган ҳам эдики, дарахт тилга кирди:

- Мени кесма, эй одам!
- Ахир, сен жуда улкан экансан, қураётган уйимга жуда керакли түсін бўла оласан, – деди инсон.
- Менинг бундай улкан дарахт бўлишим учун юз йилдан ортиқ вақт кетди. Бу вақт мобайніда атрофимдаги дарахтларнинг ҳаммаси менга ҳамроҳ бўлишди. Улар билан суҳбатлар қиласиз, зерикмаймиз. Ўрмонни сув босганда ҳам, ҳайвонлар илдизларимиз ва шохларимизни пайхон қилганда ҳам барчамиз жам бўлиб сабр қилдик, чидадик. Ўт кетиб бағримизни олов куйдирганда ҳам “Ўлмайман, қуrimайман, таслим бўлмайман!” деб курашдик, бир-биримизга ҳамдард бўлдик... – деди дарахт оғир тин олиб. – Ҳозир сен мени арралаб чопиб ташласанг, шундай улкан ва оғир танам мен учун қадрдон атрофимдаги дарахтларни ҳам нобуд қиласи, қарсиллаб синиб тушган шохларим ёш ниҳолларни мажақлаб ташлайди, уларни эзиб жабрлайди...

Буни эшитган одам дарахтнинг дардини тушунгандай бўлди. Та-биатнинг садосини эшитиб, бир зум ўйланиб қолди. Кекса дарахтнинг фарёдидан дарахтларга раҳми келиб кетди. У табиатдаги ўсимлик, дов-дараҳтлар, жонзорларнинг ҳаммаси ҳам инсон сингари меҳр-муҳаббатга қанчалар муҳтож эканини ҳис қилди ва дарахтни кесиш фикридан қайтди.

*Сабоҳат Тошпұлатова*



2

## Савол ва топшириқлар.

- Матндан дaraohтнинг инсонга айтган дардлари ифодаланган ўринларни топиб ўқинг, мазмунини тушунтиринг.
- Матнни ролларга бўлиб ўқинг.
- Инсоннинг ҳаракатини “ўз вақтида қилинган яхшилик” деб ўйлайсизми? Фикрингизни асосланг.
- Дaraohтларга, ўсимликларга нима учун озор бермаслик лозимлиги ҳақидаги фикрларингизни айтинг.



3

## Иzlанинг.

- Интернетдан Қозогистондаги ўрмонлар, улардаги дaraohтлар ҳақида расмлар ва маълумотлар тўплаб, дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



4


## Шеърни ифодали ўқинг.

### ДАРАХТЛАРНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Дaraohтларни яхши кўраман,  
Дaraohтларсиз бу дунё чўлдир.  
Дaraohт кўрсам хурсанд бўламан,  
Дaraohтли йўл энг гўзал йўлдир.

Саратонда дaraohт сояси,  
Жаннатдан ҳам ортиқ туюлар.  
Дaraohтларнинг жонбахш сабоси,  
Вужудимга қандай қуюлар.

Умр бўйи дaraohт ўстирган  
Одамларга қиласман ҳавас.



Улардир юртни ясантирган,  
Фақатгина табиат эмас.

Бир кун келиб, мен әккан ниҳол,  
Униб-ўсиб, бўлсайди дарахт.  
Айтар эдим шунда bemalol:  
“Бошим узра келиб қўнди баҳт”.

*Туроб Ниёз*



5

### Савол ва топшириқлар.


1. Шоир шеърни кимнинг номидан ёзган?
2. Шеърда дарахтларни қандай таърифлаганлигини ўз сўзла-  
рингиз билан тушунириинг.
3. Шеърдан дарахт ўстирган одамлар ҳақида ёзилган ўрин-  
ларни топиб ўқинг, мазмунини тушунириинг.
4. Сиз ҳам ўз уйингизда, мактабингиз ҳовлисида ниҳол экиш  
ишларида қатнашасизми?



6

### Ёзинг.

1. Ўқиган матн ва шеър мазмуни асосида “Мен кичик бобон-  
ман” мавзусида қисқа ҳикоя ёзинг.





## ИЗЗА

Шахло Комиланинг дугонаси. Комиланинг ойиси уни жуда саришта, чаққон, ойисининг дастёри, деб мақтагани-мақтаган. Комиланинг ҳам дугонасига ҳаваси келади. Доим бирга ўйнайди. Комила, одатдагидек, дарсларини тайёрлаб бўлгач, дугонасининг ёнига чиқди. Шахло ҳовлига сув сепаётган экан.

– Комила, бирпас кутиб тур, ҳовлини супуриб олай, кейин ўйнаймиз, – деди Шахло қўлига супургисини олиб.

– Майли, унда мен кўчага сув сепиб тураман, – Комила бўш че-лакчани қўлига олди.

Шахло ҳовлини супуриб бўлгач, тўплаган аҳлатини хокандозга солди-да, олиб бориб кўча четидаги сув тўлиб оқаётган ариқчага тўқди.

– Нега бундай қилдинг? – Комила хафа бўлди. – Ахир, ўзинг ҳозир шу ариқчадан сув олиб ҳовлига сепиб чангини босдинг, ҳовли салқин бўлди. Мен гулларингни шу сувдан суғордим. Сувдан яхшилик кўриб, энди унга яна ёмонлик ҳам қиласанми? Қара, тип-тиник сувнинг юзини лойқалатдинг. Бу сув қўшнининг ҳовлисида ифлосланиб оқадими энди?

– Нега жаҳлинг чиқади? Ҳозир тиниб қолади. Мен хазонларни ҳам доим сувга супуриб ташлайман. Ҳеч нарса қилмайди. Бувим айтган, сув етти марта думаласа, тоза бўларкан, – бепарво тиржайди Шахло.

– Менинг бувим эса бошқача ўргатган: сувга тупуриш, ахлат ташлаш гуноҳ. Сув кўпчиликнинг ризқи, у ҳам нондай азиз. Сувсиз ҳаёт бўлмайди. Нафакат одамлар, жониворлар, дов-дараҳтлар

ҳам сув билан тирик. Сувни хор қилган – хор бўлади, дейди. Агар ташланган ахлатлар қувурга тиқилиб қолса, қўчага сув тошиб кетади-ку.

– Э, бир хакондоз ахлат билан сув тошарканми? Ўзинг ҳовли супурмаганинг учун билмайсан-да, ҳозир кўпчилик қўшнилар сувга супуради.

– Гапингни қара, сирайм ўзингга ўхшамайсан. Сендан хафаман. Ахир “табиат” устозимиз бизга неча марта сувнинг фойдаси ҳақида айтиб берган. Сувни асрар бурчингиз деган. Энди мен сени “Яшил соқчи” гуруҳидан чиқаришларини сўрайман. Сен табиатнинг дўсти эмас экансан. Ўзим ҳам сенга дугона бўлмайман. Ол челягингни, – Комила челякни Шаҳлонинг қўлига тутқазди-да, кета бошлади.

– Комила, жон Комила, тўхта, тўхтай қолгин, энди бошқа бундай қилмайман...

*Мухаббат Ҳамирова*



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Комила нима учун Шаҳлодан хафа бўлди?
2. Комиланинг бувиси сув ҳақида нималар деганлиги ҳақида-ги ўринни топиб ўқинг.
3. Матнни ролларга бўлиб ўқинг.
4. Комилани “табиатга ғамхўр” дея оласизми? Шаҳлони-чи? Фикрингизни далилланг.



3

### Шеърни ролларга бўлиб ифодали ўқинг.

## СУВ БИЛАН СУҲБАТ

– Ҳой, сен, жийрон тойчамдек,  
Ўйнаб-ўйнаб оққан сув.  
Далаларга байрамдек  
Гулдан безак таққан сув.

Қулоқ солгин сўзимга,  
 Нега бунча шошасан?  
 Қаердан бу келишинг,  
 Қирғоқлардан тошасан?  
 – Яхши бола, тойчангдек  
 Ўйнаб-кишнаб келишим,  
 Қир, адирлар оралаб  
 Шамол каби елишим.  
 Кўрасанми, ҳу ўша  
 Оппоқ қорли тоғлардан,  
 Шошиб оқиб келаман  
 Далалардан, боғлардан.



*Зафар Диёр*

Шеърда сувнинг оқиши нималарга ўхшатилади?



**4**

Дафтарингизга сув ҳақидаги тўртта мақолни ёзинг.



**5**

Иzlанинг.

1. Интернетдан сувнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.

**Безак  
Хокандоз**

## ҚУШЛАР – БИЗНИНГ ДҮСТИМИЗ



1

Шеърни ўқинг.

### ЧУМЧУҚ

Қиттайгина жонинг бор,  
Тиниминг йўқ, эй чумчук!  
Бирор бердими озор?  
Айт ниманг бор, ниманг йўқ,  
Ховлимиизда юрасан,  
Ушоқ излаб эрталаб.  
Толларга ин қурасан,  
Хас ташийсан битталаб?  
Чумчуқ дейди: – Жонгинам,  
Мен бир қушман беозор.  
Пашшаларга ёв мен ҳам,  
Билсанг бунда ҳикмат бор.  
Ин қураман, хас-кўрпам,  
Қўшиқ айтиб мен шодман.  
Бола очиб ҳар кўклам  
Семираман бир ботмон.



*Шукур Саъдулла*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шеърни ролларга бўлиб ўқинг.
2. Чумчуқнинг: “Пашшаларга ёв мен ҳам  
Билсанг бунда ҳикмат бор” гапларини қандай тушунасиз?  
Фикрингизни айтинг.





3

### Иzlанинг.

1. Энциклопедиядан қушларнинг табиатдаги аҳамияти ҳақида маълумот тўпланг ва синфда айтиб беринг.



4

### Матнни ўқинг.

#### МЕХР

Ҳар куни саҳарда, ҳали қуёш чиқмасдан сайд қилиш одатим бор. Кўчага чиқаман, анҳор лабида айланаман, кейин боғга ўтаман.

Эрта тонгда боғнинг ҳусни ўзгача бўлади. Ҳаво муздек, бунинг устига тиник. Қушлар шохдан-шохга ўтиб сайрайди, гоҳ олисда, боғнинг орқа томонида, гоҳ шундай тепангизда какку кукулайди. Читтак ўйнашиб оёқларингиз орасида ўрмалайди ё пир этиб юзингизни силаб ўтиб кетади.

Шундай тонгларнинг бирида боғда айланиб юрган эдим, катта саданинг тагида ўзимга таниш чол – боғ қоровулини кўриб қолдим. У супургисига иягини тираб, хомуш турарди.

Яқинроқ бордим. Бир қуш жонҳолатда чирқилларди. Чолнинг қулоги шунда. Овоз гоҳ тинади, гоҳ кишини сескантириб чирқиллайди. Анча қулоқ солиб турдим.

Чол ҳам жойидан қимирламасди. Кўзлари ўйчан. Бир маҳал супургисини ташлади-ю, саданинг орқасидаги экиннинг ичини чўккалаб олиб тита бошлади.

Қанча вакът титкилади, билмадим, ўрнидан турганда, қўлида ҳали шундоқ жиши қуш боласи бор эди. Жонивор кичкина тумшуқчасини катта-катта очиб чирқилларди.

Чол алланарсалар деб қушчани эркалаган бўлди, тили билан авайлаб оғзини очиб ҳўллади. Кейин садага қаради. Мен ҳам қарадим. Саданинг одам бўйи келадиган бутогида қандайдир қушнинг уяси бор эди.

Чол шунга тикилиб қолди. Қушча ҳамон чирқилларди. Чол бироз ўйланиб тургач, қўлини чўзиб уни уясиға қўйди. Қушчанинг овози тинди. Чол жилмайди-да, супургини елкасига ташлаб, боғнинг ичкарисига кириб кетди.

Ўлмас Умарбеков



5

### Савол ва топшириқлар.


1. Матнда кимнинг “мехр”и ҳақида ифодаланган?
2. Чолнинг қушчага кўрсатган меҳрини яна нима деб аташ мумкин? Фикрингизни далилланг.
3. Матндан боғнинг эрта тонгдаги кўриниши ифодаланган сатрни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.
4. Жониворларга ғамхўрликни сиз кимдан ўрганасиз?
5. Чол қушчага нималар дейиши мумкин?



6

### Изланинг.

1. Дўстингиз билан “Қушлар – бизнинг дўстимиз” мавзусида постер тузинг.



## БАҲОР КЕЛАЁТИР



1

Матнни ўқинг.

### БАҲОР



ранги оқаради. Юмшоқ, енгил, момиқ патларга ўхшаб кўринади. Ҳатто қўлларимиз билан силагимиз келади. Тоғларнинг чўққиларига оқ қалпоққа ўхшаб қўниб олган қорлар эрийди. Шундай пайларда адирлар оралаб ўтсангиз, қорларнинг сув шаклига кириб, пастга жилға бўлиб оқаётганини кўрасиз.

Бўғотлардаги сумалак музлар эриб тушади, томларда ял-ял ёниб лолақизғалдоқлар очилади. Аслида, баҳорнинг илк чечаги лолақизғалдоқ эмас, бойчечакдир. Оч сариқ рангли, қаймоқ рангли митти гул-бойчечаклар ҳали ердан қор кетмасдан очилади.

Тоғдан қишлоқ, шаҳарларга олиб келинган бойчечакларни шўх болакайлар боғлам-боғлам қилиб уйма-уй тарқатадилар:

Қаттиқ ердан қазилаб чиққан бойчечак,  
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак...

Бу жарангдор қўшиқларни эшитиб, эшик дарвозасини очган момолар бойчечакни олиб, манглайига суришади, “омонлик-сомонлик, етказганингга шукр”, дея шукроналар айтишади. Баҳорда иссиқ кунларнинг бошланганини дараклаб, қалдирғочлар учиб келади.

Эл орасида: “Қалдирғоч тинч, баҳтли яшайдиган оилаларнинг дезазалари, шифтларига ин қуради”, деган нақл юради.

Дараҳтлардан энг аввал бодом гуллайди: оппоқ бўлиб, у худди оппоқ кўйлак кийган келинчакка ўхшайди. Сўнг олча, ўрик, олма гуллайди...

Баҳорда тез-тез ёғиб, момақалдироқ бўлади. Тушаётган ёмғир томчилари дурдек ярқирайди.

Ҳар гал ёмғирдан сўнг ариқлар бўйида ялпизлар кўкаради.

Ариқларда – сувнинг тўлқинларида боғлардан учган дараҳт гуллари оқади. Ҳаводан атиргул ҳидлари келади.

*Құтлибека Раҳимбаева*



### Савол ва топшириқлар.

- Одамлар баҳор фаслини қандай таърифлайдилар?
- Баҳорда табиатда қандай ўзгаришлар содир бўлади?
- Матндан бойчечак ҳақида айтилган ўринларни ўқинг. Сиз ҳам шундай ҳолатларни кузатганимисиз?
- Баҳор табиатининг гўзаллигини асраш, бойитиш учун қандай ишларни бажара оласиз?



3

### Шеърни ифодали ўқинг.

## БАҲОР ШАМОЛИ

Баҳор келаётир, тоза, мусаффо.

Мовий кенгликларда ўйнайди шамол.

Даралар қўйнида зангор бир ҳаво,

Туманли шаҳарда ётмоқлик малол.

Қоялар кўксисида шодмон, бекайғу,

Оний умри билан солланар чечак.  
Баҳор, бу – энг тоза шаббодадир бу,  
Баҳор, бу – энг тоза шамолдир, демак  
Кенгликлар бағрига ураман ўзни,  
Кўзимга кўрингай дилбар диёrim.  
Гўдак нафасидек юпатар юзни  
Қиши бўйи интизор кутган баҳорим.  
Баҳор-ку ўтади шамолдек шитоб,  
Майли, ўтажак у ва ўтар бўлсин.  
Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф,  
Умринг шамоллари муаттар бўлсин.

Абдулла Орипов



4

#### Савол ва топшириқлар.

1. Сиз баҳорни қандай кутдингиз?
2. Мазмунини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.



5

#### Ёзинг.

1. Ўқиганларингиз асосида “Мен нима учун баҳорни кутаман? ” мавзусида эссе ёзинг.

Оний умри  
Муаттар  
Шукрона

## АЗИЗ ИНСОНГА ТАЪЗИМ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### МЕҲРИ ҚУЁШ ОЙИЖОНИМ

Меҳри қуёш, қалби осмон,  
Бахтимизга содик посбон,  
Азиз инсон, улуг инсон,  
Меҳрибоним ойижоним.  
Бошимизни силайдилар,  
Узок умр тилайдилар,  
Биз деб ором билмайдилар,  
Болажон ойижоним.  
Бемор бўлсак куядилар,  
Азоб, оғриқ туядилар,  
Бизни беҳад суюдилар,  
Меҳри уммон ойижоним.  
Кўзидан нур аrimасин,  
Мингга кирсин қаримасин,  
Бизлар билан бирга юрсин,  
Қадрдон ойижоним.

*Туроб Ниёз*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шеър кимнинг номидан ёзилган?
2. Шеърда она қандай сўзлар билан улуғланган?
3. Шеърдан онага айтилган тилакларни топиб ўқинг, мазмунини тушунтиринг.
4. Нима учун она меҳрини қуёшга, қалби осмонга tengланади? Фикрингизни асосланг.
5. Шеърни ёд олинг.



3

### Ёзинг.

- 8 март байрами муносабати билан онангизга дил сўзларигизни билдириб, хат ёзинг.



4

### Матнни ўқинг.

## ОФТОБ ВА ДИЛДОРА

Офтобжон Дилдорани эркалааб уйғотади:

– Ширин қизим, асал қизим, турақол энди. Қарагин, нурларимдан боғ-боғчалар уйғонди, шўх-у шодон қушчалар шохдан-шохга қўниб яйрамоқда...

– Офтобжон, яна озгина ётай.

Офтобжон яна юмшоқлик билан дейди:

– Ойингни турғанлари қачон эди. Сигир соғдилар, ҳовлини супурдилар. Нонушта тайёрлаб қўйдилар...

– Шошмай тур, озгина ўйлаб олай...

– Нималарни ўйлайсан?

– Эртага аяжонимнинг туғилган кунлари. Нима совға қилсам экан, деб ўйлаляпман. Офтобжон, нима совға қилай-а?

– Энг яхши совға гул-да!

– Вой, рост айтдинг.

Дилдора ўрнидан туриб, муздек сувда юз-қўлини ювди. Сўрига чиқиб аяси билан нонушта қилди. Офтобжон эса ўрик шохларининг орасига кириб, уни кузатиб турарди.

Дилдора нонушта қилиб бўлгач, дарвозахона ёнидаги гулзорга ўтди. Қараса, гуллар сўлий бошлабди.

– Вой, Офтобжон, энди мен бу гулларни ойижонимга қандоқ совға қиласман?

– Сен нима деб ўйловдинг? Дунёда осон нарса бўларканми? Уларга сув қўй, тирилтири!

– Ҳа, шундай, шундай, сув, сув...

Дилдора шу куни чөлакчасида сув ташиб чарчамасди. Офтобжон униям, сувга қонган гулларниям кун бўйи эркалади. Гулзор шуна-қанги чаман бўп кетдики...

Эртаси куни ҳам тонг отди. Дилдора хаёл суриб ётмади. Аста гулзорга ўтди. Ойижониси бу пайтда уй юмушлари билан овора эдилар.

Дилдора мўлжаллаб қўйган гулларни узиб, гулдаста ясади. Бу пайтда аяжониси нонуштани ҳозирлашга киришган эдилар.


- Аяжон.
- Ҳа, қизим.
- Мана бу сизга... Туғилган қунингиз билан.
- Вой! – Дилдоранинг аяжониси кўзларида гўё офтоб кулгандек бўлди.

*Абдулхай Носиров*



### Савол ва топшириқлар.

1. Офтобжон Дилдорага қандай ёрдам берди?
2. Дилдоранинг гулларга ғамхўрлиги ҳақида гапириб беринг.
3. Сиз ҳам онангизга Дилдорадек меҳрибонлик кўрсатасизми? Қачон? Фикрингизни асосланг.
4. Матнни ролларга бўлиб ўқинг.





1

Эртакни ўқинг.

## ХАМЖИХАТЛИК МЕВАСИ

Қунларнинг бирида ўрмонга ўт кетибди. Ҳар томондан ёпирилиб келаётган олов тафти учраган нарсани ўз домига тортибди. Дов-да-рахт, ўт-ўлан, ҳайвонлар ҳам олов ичиди қолишибди. Улар саросимага тушиб, ҳар томонга қочишарди. Ҳайвонлар болаларини олиб қочишар, ожизлар олов тафтида куйиб кул бўлишарди. Кийиклар баланд-баланд сакраганча тоғнинг нариги томонига ўтиб кетишига ҳаракат қилишарди. Ҳар ким ўзининг жони, оиласини ташвиши билан ҳар томонга чопарди. Ҳайвонлар сардори шер уларни тинчлантириши, бир жойга тўплаши, ёнгинни бартараф этиш учун нима қилиш кераклигини билмай қолди. У бор овоздан наъра тортса ҳам, қўрқувга тушган ҳайвонлар унинг сўзларига қулоқ солишмабди.

Шер эса тезроқ оловни ўчириб, иложи борича қурбонлар сонини камайтириш учун ҳар томонга наъра тортиб, ҳайвонларни тўплашга уринарди. Шунда унинг ҳаракатини кийиклар бошловчиси Тара кўриб қолибди. У ҳам тўдасига ҳаммани бир жойга йиғилишини буюрибди. Кийиклар тўдаси тўпланибди. Тара уларга барча ўрмон ҳайвонларини шу ерга тўплашни буюрибди. Тара шернинг олдига бориб, ҳозир ҳайвонларга айтилажак сўзларни унинг номидан ўзи айтишига ижозат сўрабди. Шер иккиланмай рози бўлибди. У Тара га ишонч нигоҳлари билан боқибди. Бу ишонч Тарага янада куч бағишлабди ва йиғилганларга қаратса шундай дебди:

– Ўрмоннинг эгалари, ҳа, сиз ўрмоннинг бир вакили, унинг эгаси-сиз. Шундай экан, унда юз берган фалокатдан қочишимиз эмас, уни бартараф этишимиз лозим. Ўз уйингизни, яқинларингизни, ватанингизни ҳимоя қилинг. Юзага келган муаммодан қочиш эмас, уни

бартараф қилиш керак. Аввало ҳамма сув олиб келиб, оловни ўчирсин. Болаларни ҳавфсиз жойга бўри ва тулқилар кўчиради. Айик, лайлак, кийик ва олмахонлар сув олиб келишади.

Ҳамма бирдек ишга киришиб кетибди. Улар туғилиб ўсган, шунча йил тер тўкиб меҳнат қилган сеҳрли ўрмонларни куйиб, кул бўлишини исташмасди. Она ватанларини асрар учун улар биргаликда меҳнат қилишибди. Ҳайвонларни бирдамлиги, ҳамжиҳатликда олиб бораётган ишларини кўрган шер ҳам енгил тин олибди.

Қилинган ишлар бесамар кетмабди, ҳамжиҳатлик туфайли ўрмон сақлаб қолинибди. Гарчи ўрмонга заарар етган бўлса – да, унинг кўп қисмини асрар қолишибди. Ҳайвонлар ва ўсимлик – дарахтлар шавқатсиз оловдан омон қолишибди. Ўрмоннинг энг хушманзара жойларига, ҳайвонларнинг уяларига заарар етмабди. Ўрмондаги ҳаёт қайта жонланибди. Ҳайвонлар аҳил-иноқ, ҳар бир ишда баҳамжихат ишлашадиган, бир-бирига ёрдам берадиган бўлишибди. Шер Таранинг қилган ишлари ва ҳаммани бир жойга ҳамжиҳатликда тўплай олганидан миннатдор бўлибди ва уни ўзига ёрдамчи қилиб тайинлабди.

*Шаҳло Абдуқаюмова*



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Ўрмонда қандай ҳодиса юз берибди? Ҳодисага нима сабаб бўлиши мумкин? Фикрингизни асосланг.
2. Ҳайвонлар ўз ватанлари – ўрмонга қандай ғамхўрлик кўрсатдилар? Нима учун?
3. Кийиклар бошловчиси Таранинг ҳайвонларга айтган гапларини ўқинг. Сиз қандай фикрдасиз?



3

### Фикрланг.

1. Дўстларингиз билан “Она табиат – чекмасин азият” мавзусида постер тузинг.



4

Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Табиатнинг эркаси,  
Зумрад либос эгнида.  
Борлиққа жон бағишилар,  
Бойчечаклар тилида.

Ер бағрини туртиб чиқар,  
Қор уюмин йиртиб чиқар,  
Ариқ лабин безар у,  
Баҳор яқин, сезар у.

Ерга түшса лой қилар,  
Деҳқонларни бой қилар.

Топишмоқни дафтарингизга ёзинг.

Бартараф  
Наъра  
Тин олди  
Бесамар

## ТАБИАТ ҚОРОВУЛИ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### ТАБИАТ ҚОРОВУЛИ (1-қисм)

Юрап кекса сехргар  
Чакалакни орқалаб  
Ҳар пана, ҳар ковакка  
Боқар бир-бир мўралаб.  
Ана, асаларилар  
Чиқди уйдан кўчишиб.  
“Ачом-ачом” ўйнашар,  
Чечакларни қучишиб.  
Ҳар бир шона устида  
Учишади ҳалинчак.  
Чайналмаса бу гуллар,  
Мева тугмас майманчак.  
Мамнунланиб сехргар,  
Давом этар йўлида.  
Салом бериб ўтишар  
Қушлар ўнгу сўлидан.  
Бу қушларнинг эси кўп,  
Ёмонларга қасдлашар.  
Кемирувчи қуртлардан,  
Ўт-дараҳтни асрашар.  
Қўнғиз эса гўнг кўмар  
Ўсимликлар пойига.  
Табиатга ғамхўрлик  
Унинг учун қоида.  
Эъзозлайди доимо,

Ҳар гиёҳ, ҳар бутани.  
Агар шундай қилмаса,  
Ҳароб бўлар Ватани.  
Майсазорда сехргар  
Тўхтаб, аста эгилар.  
Сурнайсимон дурбиндан  
Ер остига тикилар.  
Чувалчанглар ғимиirlаб,  
Толмас меҳнат жангидан.  
Ер бўлсин деб унумдор,  
Шудгорлашар тагидан.  
Пок диллардан қувониб,  
Дея: “Ишдан қолдирмай”,  
Чол барига баҳт, соғлик,  
Ташлаб ўтар билдиrmай.  
Сехргарнинг йўлида  
Учради сўнг мовий кўл.  
Суви танга шифодир,  
Зарур маъдан мўлдан-мўл.  
Қоплон, Тулки, Кийиклар  
Қаторлашиб келишар.  
Чақалоқдек яйрашиб  
Зилол сувни эмишар.  
Туйқус шатмоқ бир Тўнғиз  
Чопиб келди қирғоққа



Ўзин кўлга ташлади,  
Боқмай у ёқ бу ёққа.  
Тоза сувни бир зумда  
Лойқалатиб кир қилди.  
Чанқаб турган Айикнинг  
Ҳафсаласин пир қилди.  
Сеҳргарнинг бу ҳолдан  
Тутди юрак санчиғи.  
Сувдан тортиб Тўнғизни,  
Боқди қайнаб аччиғи.  
“Қуф! Суф!” деб дам ургач у,  
Юз берди бир қизиқ иш.  
Тўнғизвойнинг оғзидан  
Ўсиб чиқди икки тиш.  
Чол дер:  
– Сенга ризқ берган  
Мўъжизани хўрлама!  
Яхшиларга бундан сўнг  
Сира яқин йўлама.  
Энди қозиқ тишларни  
Ерга суқиб жиқ-жиққа:  
Ховуз қазиб ўзингга,  
Юмалайвер балчиққа.  
“Тавба қилдим!” деб Тўнғиз,  
Кўзларини ёшлади.  
Парво қилмай сеҳргар,  
Нари кета бошлади.

*Анвар Обиджон*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Сеҳргар чол ўз йўлида қандай воқеа-ҳодисаларни кўрди?
2. У қандай жониворларга баҳт, соғлик тилади? Нима учун?
3. Сеҳргар Тўнғизни нима учун жазолаганлиги ҳақида гапириб беринг.

4. Сеҳргар чолнинг Тўнғизга айтган гапларини ўқиб, мазмунини тушуниринг.



3

Ижод қилинг.

1. Расмни кузатинг ва “Табиатга саёҳат” мавзусида ҳикоя ёзинг. Ҳикоя қаҳрамонларининг салбий харакатларини кўрсатинг.



Маъдан  
Покдил  
Шона  
Майманчак

## ТАБИАТ ҚОРОВУЛИ



1

Шеърнинг ўқинг.

### ТАБИАТ ҚОРОВУЛИ (2-қисм)

Кўп юрмасдан лол бўлиб,  
Тўхтаб қолди яна чол.  
“Қутқаринглар мени!” деб,  
Дод соларди бир ниҳол.  
Қаранг, эси паст Қуён  
Билмай раҳм-шафқатни.  
“Кирт-кирт” ғажиб туради  
Митти қайин кўчатни.  
– Ҳей, калласи айниган,  
Тўхта! – деди сехргар.  
– Не бўларди пўстингни  
Шундай шилса ўзгалар?  
Жириллади сур Қуён:  
– Кўп ғингшиманг, оқсоқол.  
Бирор марта қоринни  
Тўйдирај сал бемалол.  
“Куф! Суф!” деди сехргар,  
Бурушганча юzlари.  
Филайланди шу заҳот  
Қўрс Қуённинг кўзлари.  
Чол кўрсаки, кенг яйлов  
Ҳайвонларга гўё тўй.  
Ҳалал бермай ҳеч кимга,  
Ўтлар юзлаб әчки, қўй.  
Лекин овсар оқ эшак,

Тентаклигин кўзитиб,  
Чопар сурув ёнида,  
Тупроқларни тўзитиб.  
Бундайларнинг бошида  
Синганми “ақл жавони?”  
Гоҳ тутун, гоҳ чанг билан  
Захарлашар ҳавони.  
“Вой-вой”латиб сехргар,  
Чўзди эшак қулоғин,  
Шалпанг қилди бир умр  
Уни оғир гуноҳи...  
Тугатишдан илгари  
Шеърга солган сўзимни,  
Огоҳ этиб қўяйин  
Ҳамма митти дўстимни.

Бўлинг жуда эҳтиёт,  
Бошга солманг хавф-хатар.  
Энди қишлоқ-شاҳарда  
Юрганмиш у сехргар  
Табиатга зулм айлаб,  
Қўлга тушса қай бола;  
Кичрайтириб чап кўзин,  
Ўнгин қилармиш ола.  
Сўнг мазаҳлар кимдир гоҳ,

Гоҳи итлар ташланар.  
Ха, икки хил кўз билан  
Яшаш қийин, ошналар...  
Бўлинг жуда эҳтиёт!

*Анвар Обиджон*



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Сеҳргар чолнинг йўлида яна қандай воқеа-ҳодисалар рўй берди?
2. Чол Қуён билан Эшакни қандай гуноҳлари учун жазолади?
3. Шеърдан жониворларнинг яхши ва ёмон ҳаракатларини алоҳида ёзинг.
4. Шоир шеърни қандай мақсадда ёзган? Фикрингизни асосланг.
5. Шеърнинг охирги бўлимини ўқинг, мазмунини тушунтириng. Шу бўлимни ёд олинг.



3

### Иzlанинг.

1. Бўлимдан ўқиб ўргангандарнинг асосида дўстларингиз билан “Табиатни севамиз ва асроймиз” мавзусида постер тузинг ва мактабингиз залига жойлаштириng.



4

### Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Барча бирдек шодланар,  
Юртда у бўлса меҳмон.  
Турли ноз-у неъматга,  
Тўлиб кетар дастурхон.

Ким экан у далада,  
Юмушларни тиндирган.

Дов-дараҳт, ўт-ўланга,  
Зарҳол чопон кийдирган?

Топишмоқларни дафтарингизга ёзинг.



5

Чизинг.

“Табиат қоровули” шеъри асосида расм чизинг.



5

“Табиат қоровули” шеъридаги салбий ва ижобий образларни таърифлаб дафтарингизга ёзинг. Шоир фойдаланган сўзларга маънодош сўзлар топишга ҳаракат қилинг.

Ақл жавони  
Филайланди

## НАВРҮЗИ ОЛАМ КЕЛДИ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### НАВРҮЗИ ОЛАМ КЕЛДИ

Наврӯз келди – хуш келди,  
Завқимизга эш келди.  
Борлик тўлди ифорга,  
Осмон тўла қуш келди.  
Чуғур-чуғур наволар,  
Бирам майин ҳаволар.  
Онам кафтин эслатар  
Силаб ўтган саболар.  
Кўк чеҳраси очилди,  
Мехр нури сочилиди.  
Боғ-бўстонлар яшнади,  
Гул пояндоз ташланди.  
Гулдай учар капалак  
Қизлар сочи жамалак.  
Қиқир-қиқир кулади  
Дошқозонда сумалак.  
Сумалакни яланглар,  
Жамалакка қаранглар –  
Ер-у кўкни боғлаган  
Нурли қўприк бу ранглар.  
Наврӯз келди – хуш келди,  
Дала тўла иш келди.  
Деҳқон бобо қалбига  
Гайрат келди, жўш келди.



*Дилишод Ражаб*





2

## Савол ва топшириқлар.

- Эрта баҳорда табиатда қандай ўзгаришлар юз беради?
- Шеърда сумалакнинг пишиши нимага ўхшатилади?



3

## Матнни ўқинг.

### НАВРЎЗ – БАҲОР БАЙРАМИ

Ўлкамиизда баҳор... Йилимиз ўз умрини янгидан бошлайпти: жамики мавжудот ўз умрини шу баҳордан бошлайди. Шунинг учун ҳам қадимда йилнинг бошланишини баҳорнинг йигирма иккинчи мартаидан ҳисоблаганлар ва уни катта байрам қилганлар. Бу байрам – Наврўз, яъни янги кун деб аталган...

Деҳқонларимиз қор, ёмғирдан тўйинган тупроқقا уруғ қадайдилар. Юрт соя-салқин бўлсин деб, йўлларга кўчат, болаларга атаб ҳовли ва боғларга мева ниҳоллари экилади.

Кўчалар тозаланиб, ариқлар қазилади. Ҳаммаёқ супурилиб-сириллади. Уйлар “кўтарилиб”, идиш-товоқлар ювилиб покизаланади.

Маҳаллаларда сумалак сайллари бошланади. Наврўз кирар куни мой, қаймоқ, жизза, ёнғоқ солиб кулча, патир, лочиралар, чалпаклар пиширилади. Ялпиз, исмалоқ каби кўкатлардан сомсалар тайёрланади.

Тоғ, адирлар орасида Наврўз шаънига кўпкарилар уюштирилади. Чавандозлар улоқни бир-биридан олишга уриниб, пойга қиладилар.

Майдонларда полвонлар кураш тушадилар, дорбозлар томоша кўрсатишади.

Наврўз кунлари ёшлиар кексалар олдига наврўзлик кўтариб саломга боришади. Ялпиз, бинафша каби хушбўй нарсаларни олиб борсалар, қариялар қўлларига олиб, “Эсонлик-омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги ойлар йилларга ўйнаб-кулиб етайлик”, деб тилақ билдиришади.



4

### Савол ва топшириқлар.

1. Наврўзгача ва Наврўз кунлари қандай ишлар қилинади?
2. Наврўзда қандай таомлар тайёрланади?
3. Наврўзда ўтказиладиган ўйинларни айтиб беринг.



5

### Билиб олинг.

## БАЙРАМ УРФ-ОДАТЛАРИ

Наврўзда уй-жойни тозалайдилар.

Наврўзга қадар дараҳатлар танасини оқладайдилар.

Наврўзда буғдой ундириб, сумалак пиширадилар.

Наврўзда яхши ният қиласадилар.

Наврўзда, Наврўз таомлари пиширадилар.


Наврўзда араз-гиналарни унутадилар.

Наврўзда қариндош-уруғларникига борадилар.

Наврўзда гийбат қиласадилар.

Наврўзда отни, итни урмайдилар.

Наврўз куни беморларга байрам таомлари жүнатадилар.



*Коинотга саёҳат*



7-бўлим



1

Матнни ўқинг.

## АЭРОНАВТ ҲИКОЯСИ

Одамлар менинг парвозимни томоша қишлиш учун түпланишиди. Шар тайёр эди. У түрт томондан арқонга боғлоқлик ҳолида ййноқлад күкка интилар, гоҳ бужмаяр, гоҳ яна шишиб кетар эди. Мен яқинларим билан хайр хўшлашдим, қайиқчага ўтиридим, нарсаларим жойидамикин дея бир қарагач: “Қўйвор!” – деб хитоб қилдим. Арқонларни кесиб ташлашди ва шар тепага ўрлади, олдинга арқонни узиб, атрофга аланглаган той мисол оҳиста кўтарила бошлади, ногоҳ шундай шиддат билан юксакка тортилдики, қайиқча титраб-тебраниб кетди. Пастдагилар чапак чалишар, бақириб-чақириб рўмол, шляпаларни силкитишарди. Мен уларга шляпамни силкитдим ва уни қайта кийиб улгурмасимдан шу қадар баланд кўтарилиб кетдимки, одамларни аранг фарқлардим. Олдинига мени ваҳима босди, аъзойи баданим музлаб кетди; аммо кейин қўнглим қувончга тўлди, қўрқув ҳам ёдимдан кўтарилди. Шаҳар шовқини элас-элас қулогимга чалинарди. Пастдаги одамлар асалари мисол ғувуллашарди. Шаҳар қўчалари, уйлар, дарёлар, боғ-роғлар худди суратга чизилгандек яққол қўринарди. Юксакда шу қадар руҳим енгил эдики, ўзимни бутун шаҳар ва одамлар устидан ҳукмрондай ҳис этардим. Шиддат билан тепага кўтарилдим, фақат қайиқчанинг арқонлари силкинар, бир гал шамолга йўлиқиб қайиқчада икки бор юмалаб кетдим; кейин яна учеб боряпманми ёки бир жойда турибманми – англаб бўлмай қолди. Юксакка парвоз қилиб кетаётганимни пастдаги шаҳар ман-



зараларининг тобора кичрайиб бораётганидан пайқардим. Пастликдаги ер борган сайин ўсиб, кенгайгандан-кенгайиб кетаверди, ногоҳ унинг косачага айланиб қолганини сездим. Косачанинг қирғоғи қабариқ, тубида шаҳар жойлашганди. Қувончим кўксимга сифмасди. Севинчим тошиб, енгил нафас олар, қўшиқ айтгим келар эди. Куйлаб юбордим, овозим шу қадар заиф әдики, ҳайрон қолиб, ўз товушимдан ўзим қўрқиб кетдим.

Қуёш ҳамон юксакда эди, аммо уфқда булутлар тўдалаша бошлиди, у ногоҳ қуёшни тўсиб қўйди. Мени яна ваҳима босди ва нима биландир ўзимни чалғитмоқчи бўлиб барометрни олдим, унга қараб аллақачон тўрт чақирим кўтарилиганимни билдим. Барометрни жойига қўяётганимда ёнимда ниманингдир потирлаганини сездим ва мен кабутарни қўриб қолдим. Кабутарни мактуб билан пастга юбориш учун бирга олганимни эсладим. Мен соғ-омон эканимни, тўрт чақирим тепаликда учиб бораётганимни қофозга битиб, кабутарнинг бўйига қистириб қўйдим. Кабутар қайиқча қирғоғида ўтирганча қизғиши кўзларини менга тикиб туради. Чамаси, у мендан ажралишни истамасди. Ҳаво айниганидан буён пастликда ҳеч нима кўринмасди. Аммо кабутарни пастга юборишдан бошқа иложи йўқ эди. Жонивор қанотларини тез-тез силкитганча ёнбошлаб, тошдек пастга учиб кетди. Мен барометрга қарадим. Энди ердан беш чақирим тепада эдим, ҳаво етишмаганидан тез-тез нафас ола бошладим. Газни чиқариб, пастлаш учун арқонни тортдим, аммо дармоним қуриганигами ёки бирон-бир ишқал чиқдими клапан очилмади. Қўрққанимдан гангид қолдим. Кўтарилаётганим сезилмас, ҳеч нима қилт этмас, нафас олишим эса тобора оғирлашиб борар эди. “Мабодо шарни тўхтатиб қолмасам” – деб ўйлардим, бир жойда турганимни билиш учун қайиқдан ташқарига қофоз ташладим.

Қофозлар худди тошдек пастга тушди. Демак, мен худди ўқ мисоли пастга учиб кетаётган эканман. Жон-жаҳдим билан арқонга ёпишиб тортдим. Худога шукурки клапан очилиб, нимадир ҳуштак чалгандек бўлди. Мен яна қофоз ташладим – қофозлар атрофимда ўйноқлаб, тепага кўтарилди. Демак пастлаётган эканман. Пастда ҳалиям ҳеч нарса кўринмас, фақат денгиз устини қоплагандай туманлик ясланганди. Туманлик устига туша бошладим: бу булутлар эди.

Кейин шамол эсиб мени қаёққадир суриб кетди, кўп ўтмай қуёш кўринди ва яна пастда косача шаклидаги ерни кўрдим. Аммо ҳали шахримиз кўринмас, қандайдир ўрмонлар ва иккита ҳаворанг чизик-дарё кўзга ташланарди. Яна кўнглим қувончга тўлди ва энди пастга тушгим келмай қолди; ногоҳ ёнимда қандайдир бир шарпа-шовқин қулогимга чалинди ва бургутни кўриб қолдим.

Бургут менга ҳайрат билан қараганча қанотларида муаллақ туриб қолди. Мен эса тошдек пастга учиб борардим. Бироз секинлаш учун посанги юкларни ташлай бошладим.

Кўп ўтмай далалар, ўрмон ва қишлоқлар, маконига қайтаётган подалар кўринди. Одамлар ва подаларнинг овози, шовқин-суронини эшийтдим. Мен қичқириб, уларга арқон ташладим. Одамлар югуриб келишди. Бир болакайнинг ҳаммадан олдин арқонни ушлаб олганини кўрдим. Бошқалар ҳам арқонни ушлаб, дараҳтга боғлашди ва пастга тушдим. Мен бор-йўғи уч соат учдим, холос. Бу қишлоқ шахримдан 250 чақирим олисда эди.

Лев Николаевич Толстой



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Аэронавтнинг осмонга кўтарилгандаги ҳолати ҳақидаги ўринларни топиб ўқинг, мазмунини тушуниринг.
2. Юқорида қандай воқеалар рўй берганлигини сўзлаб беринг.
3. Агронавтнинг ерга қайтиши қандай бўлди?
4. Агронавтнинг ҳаво шарида учиши “коинотга саёҳат” эканлиги ҳақидаги фикрларингизни билдиринг.



3

### Иzlанинг.

1. Интернетдан коинотга қандай нарсаларда саёҳат қилиш мумкинлиги ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингизни билан ўртоқлашинг.

Тўрт чақирим  
Ишқал  
Клапан  
Муаллақ




1

Шеърни ифодали ўқинг.

Сайёралар кезар осмонда,  
Ким кездирар уларни танҳо?  
Кездирувчи у қай дунёда?  
Кездирувчи у қандай зако?  
Ой ёруғ бўларми ўзидан ўзи?  
Нега кечалари порлайди юзи?  
Ким уни порлатган, қандай порлатган,  
Наҳотки порлатса қуёшнинг қўзи?  
Нега қушнинг нури шиддат билан ялтирад?  
Тун қўйнида ой нури заиф-заиф қалтирад?  
Нега юлдуз нурлари мужгонларга ўхшайди?  
Тунги чироқ нурлари тиконларга ўхшайди?

*Миразиз Аззам*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шеърда берилган саволлар сизни ҳам ўйлантирганими?  
Фикрингизни далилланг.
2. Ой билан Қуёшнинг ҳаракатларини кузатганмисиз?



3

## Изланинг.

1. Ўқиганларингиз ва ўзингизни қизиқтирган коинот сирлари ҳақида “Сирли коинот” мавзусида тайёрланг.



4

Коинот сирлари ҳақида берилган маълумотларни ўқиб, билиб олинг.

## КОИНОТ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЁЛГАН?

Астрономлар – юлдузларни кузатиб турувчи олимларнинг фикрларига кўра, бизнинг Коинот пайдо бўла бошлашига ғоят даҳшатли Катта Портлаш сабаб бўлган. У тахминан 15 миллиард йил илгари юз берган. Ўшандан бери то Ерда одамлар пайдо бўлгунга қадар анча вақт ўтди.

Ўша Катта Портлашдан кейин космосда улкан газ ва чанг булутлари пайдо бўлган. Уларнинг кўпчилиги худди гирдобдек жуда тез айланиб, борган сари қизиб ва зичлашиб, охири қизиган газлардан иборат ёруғ шарларга айланган. Осмон-у фалакда милт-милт кўринадиган сон-саноқсиз юлдузлар ана шундай пайдо бўлган.

### Галактикамиз нимага ўхшайди?

Космик фазодаги юлдузларнинг улкан тўдалари Галактикани ҳосил қиласди. Коинотда турли шакл ва ўлчамлардаги миллионлаб галактикалар сочилиб ётибди. Бизнинг еrimиз жойлашган Галактика Сомон Йўли деб аталади.

Агар Галактикамизга юқоридан қаралса, у спиралга ўхшаб кўринади. Ер эса ана шу спиралнинг битта ўрамида жойлашган. Ана шунинг учун ҳам биз қоронги кечада бутун осмон бўйлаб чўзилиб кетган ғира-шира сутранг – оқ йўлларни кўрамиз. уни ота-боболаримиз Сомон йўли деб аташган.

### Ой жуда каттами?

Ой – Ернинг ягона табиий йўлдоши. Ердан Ойгача 384000 километр масофа бор. Бундай масофани босиб ўтиш учун Ер атрофини ўн

марта айланиб учишимизга түгри келади. Ой Ердан анча кичик, ундан 81 марта енгил ҳам. Шунинг учун Ойнинг тортиш кучи ҳам анча кам. Ойда Ердагига қараганда 6 марта юқорироқ сакраш мумкин.

Ой орбитаси әллипсдан иборат. Ой Ерга яқинлашганда катта бўлиб туюлади, Ердан узоқлашганда кичикроқ бўлиб кўринади.

Ойда ҳаво ҳам, сув ҳам йўқ. Қундузи Ойда жазирама иссиқ ( $130^{\circ}$ ), кечаси эса муздек ( $-170^{\circ}$ ) бўлади. Шунинг учун Ойда ҳеч нарса ўスマйди.



5

### Савол ва топшириқлар.

1. Коинот қандай пайдо бўлган экан?
2. Бизнинг Еримиз жойлашган жой қандай аталади?
3. Ой ҳақида ўргангандарингизни сўзлаб беринг.
4. Шеърда берилган саволларга жавоб топилди деб ўйлайсизми? Фикрингизни далилланг.



6

### Иzlанинг.

1. Интернетдан Сомон Йўли ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.

Мужгон  
Гирдоб  
Эллипс  
Спираль

## ҚҮЁШ СЕВГАН ЙОРТ



1

Матнни ўқинг.

### ҚҮЁШ СЕВГАН ЙОРТ

Қүёш мовий тоғлар ортидан бош күтарибди. Бөгдаги ранго-ранг гуллар унга салом беришибди. Даражтлар шохидә қүшлар чулдирааб, япроқлар шилдирааб қүёшни олқышлабди. Бутун олам унинг сахий, ҳаётбахш нуридан баҳраманд бўлибди.

– Доим бошимиз узра порлаб тур, Қүёш! – дебди одамлар. Қүёш жилмайиб қўйибди. У ям-яшил боғлар, чексиз-чегарасиз яйловлар, баланд-баланд тоғлардан кўз узолмас әкан.

Шу пайт қаёқдандир бир оқ булат пайдо бўлибди-да, қүёшдан сўрабди:

- Эй, қүёшжон, нега бу ўлкага бунчалар маҳлиё бўлиб қолдинг?
- Бу юрт мен учун жудаям қадрдон! Боққан сари қўзим қувнайди, дилим яшнайди.

Менга унинг ҳар бир жойи, ҳар бир боғи таниш. Бу юрт-қадими юрт.

Биласанми, кўхна Турон заминда инсонлар қалбини ёритгувчи ўз қўёшлари бор. Булар Амир Темур, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Навоийлар.

Бу юрт мустақил юрт! Бу юртнинг одамлари жуда меҳнаткаш! Ҳар йили умид билан ниҳол әкишади, мен уларни парваришлайман. Қизил олмаларда ўз аксимни кўргандай бўламан. Чаманзордаги ранго-ранг гулларни айтмайсанми?

Мен нур қўлим билан уларга жило берганман. Бу болажон ўлка қўзимга иссиқ қўринади, кетолмай узоқ туриб қоламан...

– Эй, қүёшжон, – дебди шунда оқ булат, – билсанг, мен учун ҳам бу ўлка азиз, қадрдон!

– Бўлмасам-чи, сен, айниқса, уч фасл – баҳор, куз ва қиши чоғла-рида осмонда парвонасан.

– Ҳа, биз шалола бўлиб айқириб – хайқирамиз. Булоқ бўлиб қай-наймиз...

Оқ булутнинг кўнгли пок, орзу-ниятлари кўп экан. У тўлиб-то-шиб сўзлашда давом этибди:

– Биз булутлар чанқоқ дилларни қондирсак, деймиз. Биз дов-да-рахтлар томирида жўшиб оқкан қонмиз, инжу-инжу сув зарралари-миз, табиатга шифожонмиз. Биз элнинг ризқ-рўзимиз, оши-нони-миз...

Ёз бўйи шилдир-шилдир қўшиқ айтиб, юрт ҳуснини мадҳ этсак деймиз.

– Эй, яша! – дебди унга қуёш. – Қарс икки кўлдан чиқади, дей-дилар.

Иккимизнинг ҳам орзуларимиз бир экан: Бу юрт камол топсин, гуллаб-яшнасин! Улар мевалари, ноз-неъматлари қўзни қувонтира-диган боғ ва далаларга ҳавас билан қарашибди, кўзлари гўзаллик-дан қамашибди.

– Шундок бадавлат юрт доимо омон бўлсин! – дейишибди улар.

*Рауф Толиб*



## Савол ва топшириқлар.

1. Эрта тонгда қуёш чиқишини кузатганмисиз? Қуёш чиқи-ши нима учун жилмайганга ўхшайди?
2. Оқ булут нималарни орзу қиласди? Қуёш-чи?
3. Эртакда буюқ бобокалонларимиз нима учун Қуёшга ўхша-тилади? Фикрингизни далилланг.
4. Матндан қуёшнинг ва оқ булутнинг она ердаги ишлари ҳақидаги фикрларини топиб ўқинг, мазмунини тушунти-ринг.
5. Эртакни ролларга бўлиб ўқинг.



3

### Үқинг, билиб олинг.

Агар Қуёш бўлмаганда эди, Ер ҳаётсиз, ўлик текисликка айланган бўларди. Биз Қуёш борлиги учун ҳаётмиз. Одамлар буни жуда қадим вақтлардаёқ тушунишган ва Қуёшга худога сифингандек сифинишган. Ҳозир сиз Қуёш бизга ёруғлик ва иссиқлик инъом қиладиган юлдуз эканлигини биласиз.



4

### Изланинг.

Интернетдан Қуёшгача бўлган масофа ҳақида маълумот тўпландиган ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



5

### Шеърни ифодали ўқинг.

#### ҚУЁШ

Кўк султони қуёшман,  
Зиёдурман, оташман.  
Қиздирман заминни  
Мўл ҳосилга йўлдошман.

*Туроб Ниёз*



Шеърни ёддан ёзинг.

Жило  
Инжу-инжу  
Инъом  
Оташман

## ОЙМОМА ПИЛЛА



1

Шеърни ифодали ўқинг.

## ОЙМОМА ПИЛЛА

Оймома пилла,  
 Қанотлари тилла.  
 Оймомажон, оймома,  
 Ҳамма ёғи мой мома.  
 Оймомажоним, тингла,  
 Сен бизга полвон пилла.  
 Полвон пилланг оламиз,  
 Сен келмасанг, борамиз.  
 Энди яқин орамиз,  
 Сени қўлга оламиз.  
 Улкан йўлга соламиз.  
 Кўркам йўлга соламиз.  
 Юрий акам учди-ку,  
 Осмонларинг қучди-ку.  
 Сени шардай боғлаймиз,  
 Дошқозонда ёғлаймиз.  
 Чуватамиз пиллангни,



Олиб ипак тиллангни,  
 Ер юзи боласига –  
 Ёппаси, ҳаммасига  
 Ойдан кўйлак тикамиз,  
 Ёйдан кўйлак тикамиз.  
 Оймома пилла,  
 Қанотлари тилла.

*Қуёдус Мухаммадий*



2

Савол ва топшириқлар.

1. Шоир шеърни кимнинг номидан ёзган?
2. Шеърда: “Сен келмасанг, борамиз,  
 Энди яқин орамиз,  
 Сени қўлга оламиз” мисраларини мазмунини қандай тушу-  
 насиз? Фикрингизни далилланг.



3

### Ижод қилинг.

- Шеър мазмуни асосида “Ойга саёҳат” мавзусида саргузашт хикоя ёзинг.



4

### Эртакни ўқинг.

## ОЙ БИЛАН ШИРИН

Қадим-қадимда Ширин деган қиз бўлган экан. У шундай гўзал эдики, туғилиб, балогатга етгандан сўнг, ҳуснининг таърифи бутун оламга ёйилган эди.

Ўша замонда Ой ўзини чиройли санаб юрар экан. Ширин балогатга етиб, гўзаллиги кундан-кун орта боргач, одамлар Ойни мақтамай, Ширинни ҳуснини тилда достон қилибдилар. Бунга Ойнинг рашки келиб: “Наҳотки, мен турганимда Ширинни мақташса? Ширин билан мен ҳуснимизни қиёслаб кўрайлик-чи, сўнгра менинг ким әканимни билиб қўйишар”, – дебди. Ширинни ўз ёнига чақириб: “Сен ким-у, мен ким? Эл оғзида сенинг ҳуснинг овозаси оламни тутяпти. Кел, иккимиз ўзимизни тарозига солиб, тортиб кўрайлик-чи, ким чиройли бўлса, тарозидан маълум бўлади”, – деди. Ширин ҳижолат чекиб: “Ҳуснда сиз зиёдасиз, қўйинг, мени уялтирманг. Мен ҳусн даъвосини қилмайман”, – дебди. Бунга Ойнинг жаҳли чиқиб: “Сен ҳусн даъвосини қилмасанг ҳам, гўё одамлар назарида сен мендан чиройли эмишсан. Бир тарозда тортишиб, синашмасак бўлмайди”, – дебди. Ширинни қўярда-қўймай тарози олдига олиб борибди. Томошага халойиқ йиғилган экан. Ой мағурланиб: “Мана Ширин-у, мана мен, кўрасизлар ҳозир, ҳуснда ким ғолиб чиқар экан”, – деб ялпайиб тарозининг бир палласига чиқиб олибди. Ширин уялиб, ноилож ўнг оёгини тарозининг бўш палласига қўйган экан, Ой лайлак бўлиб, осмонга чиқиб кетибди.

Хижолатдан Ой қайтиб, ер юзига тушолмай, шу-шу осмонда қолиб кетган экан.

“Эркатой эртаклари”дан



5

### Савол ва топшириқлар.

1. Эртакни ролларга бўлиб ўқинг ва мазмунини тушунтиринг.
2. Ой нима учун ер юзига тушолмас экан?



6

### Билиб олинг, бу қизик.

Ер Ойдан катта, шунинг учун Ернинг тортиш кучи Ойни унинг орбитасида мустаҳкам ушлаб туради ва уни Ер атрофида айланишига мажбур қиласди.



7

### Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

#### ОЙ

Ерга яқин ойдирман,  
Шуълага хўп бойдирман.  
Мендан асло чўчиманг,  
Пайкони йўқ ёйдирман.

*Туроб Ниёз*

Чуватиш  
Қиёслаб  
Даъво  
Халойик  
Хижолат



### ОСМОНДАН МУЗҚАЙМОҚ ЁҚҚАН КУН

Қадим-қадим замондами, ўзимиз яшаб турған ёруғ кунлардами, баланд-баланд қорли тоғлар ортидами, қалин-қалин ўрмонлар ичидами, серўт яйловлардами, дашту биёбонлардами, олис-олис қишлоқлардами, күз күрмаган, қулоқ әшитмаган қизик-қизик воқеалар бўлиб тураркан.

Ана шундай воқеалардан бири яқинда Янги Тагоб қишлоғида бўлиди. Бўлганда ҳам жуда қизик бўлиди. Ҳафизахон деган қиз ёнига укасини олиб пиёз ўтаётган экан. Фермер оналари ҳам сигирни соғиш, ҳам тушликка овқат тайёрлаш учун уйларига кетган экан, кун иссиқ экан, жуда-жуда иссиқ экан. Шунақангиси эканки, Ҳафизахон ўзини худди қиздирилган тандирнинг ичидаги ўтиргандек ҳис қилаётган экан. Пешонасидан, юзларидан тер шариллаб қуялаётган экан. Пиёз ўтаётган фермерлар ўзларини салқинга уришибди. Ҳафизахон жуда раҳмдил қиз экан, ёнгинасида пиёз ўтаётган укасига ачиниб, униям салқинга чиқариб юборибди. Ўзим қаторимни чиқариб, кейин дам оламан, дебди. Пиёз сийрак чиқиб, қалин ўт босган экан. Ўтларни олиб ташламаса, пиёз туб ололмас экан, пиёз туб ололмаса, майда бўп қоларкан, майда пиёз бозорда яхши пул бўлмас экан, яхши пул бўлмаса, рўзғорлари баракасиз бўп қоларкан.

Ойижониси: “Она қизим, укаларинг ҳали ёш, сендан бошқа ёрдамчим йўқ, яхши меҳнат қилсак, пиёзимиз яхши пул бўлса, сени шаҳарга олиб бориб, “Шакар септи” гулли кўйлак олиб бераман, салқин хиёбонларда укаларинг билан ўтириб, тўйгунимизча ҳар хил музқаймоқлардан еймиз”, дер экан.

Кун иссиқ экан, ҳаддан ташқари иссиқ экан. Бадани қизиган сари Ҳафизахон “Ойижоним келгунча, шу қаторни албатта эгат бошига чиқараман”, деб ўйлаб яна ҳам қаттиқроқ ишларкан. Хаёлидан нуқул

хиёбонда ўтириб музқаймоқ ейдиган кунлари нари кетмасмиш, ея бошлармиш, еган сари бадани музлаб, бутун борлиғига роҳат келармиш, вой, нариги пайкалда пиёз ўтаётган ўртоқларимга ҳам берсам бўларкан, деб ўйлармиш. Бир маҳал самодан оппоқ туман пайдо бўлгандек бўлибди. Қенгайиб, қуюқлашиб Ҳафизахон томонга бостириб кела бошлабди. Туман ҳам муздеккина эмиш, жон роҳат қиласмиш. Туман орасидан новча бир кампир хола чиқиб келаётганмиш. Кийим бошлари ҳам, соchlари ҳам оппоқ. Ҳудди нурдан яралгандек...

– Ҳорма, қизим! – дебди кампир хола.

Ҳафизахон жавоб қайтара олмабди, довдираб қолибди.

– Қўрқма, қизим, – дебди кампир хола.

Ҳафизахон қўрқмас қизлардан экан, аста-секин ўзини ўнглаб ола бошлабди. Кампир хола яқин келиб Ҳафизахоннинг қизиб турган бошидан, тер қуиилиб келаётган пешонасидан юмшоқ-юмшоқ силай бошлабди:

– Ширин қизим, шакар қизим, музқаймоқ егинг келяптими? – деб сўрабди.

Ё тавба, овози ҳам оламдан ўтган бувижонини овозига жуда-жуда ўхшаб кетармиш.

– Ҳа, егим келяпти, – деб жавоб қайтарибди Ҳафизахон.

– Рост гапирганинг учун сендан хурсанд бўлдим, – дебди нуроний хола.

– Чиндан ҳам егим келятувди-да, – дебди Ҳафизахон.

– Бир чеҳа музқаймоқ берсам ҳаммасини еб олармидинг? – яна сўрабди нуроний хола.

– Ярмини укаларимга, ярмини у нариги пайкалда пиёз ўтаётган ўртоқларимга берардим, – дебди Ҳафизахон.

– Ўртоқларинг кўпми?

– Жуда кўп.

– Икки чеҳа музқаймоқ берсам-чи?

– Қишлоғимиздаги ҳамма қизларга улашардим.

– Қизгинам. Ўзинг сахий, ниятинг яхши, Мақсадинг улуғ экан.

Сен ҳам ниятингга етасан.

Ҳафизахон, энди ўзини бутунлай тутиб олибди. Нуроний хола ни-мани ўргатса, ўшани такрорлай берибди. Нуроний хола гоҳ ўнг қўли

билин, гоҳ чап қўли билан ғалати-ғалати ишоралар қиласмиш. Осмондан кетма-кет сирли аравача тушиб кела бошлабди. Аравачага сирли қутичалар юкланганмиш.

Нуроний хола яна қўллари билан сирли ҳаракатлар қила бошлабди. “Бу ҳаракатларни сен ҳам такрорла” дебди Ҳафизахонга. Ҳафизахон такрорлабди.

- Ҳаракатларни ёдингда олиб қолдингми? – деб сўрабди хола.
- Ёдимга олиб қолдим, – дебди Ҳафизахон.
- Ҳушёр қиз экансан, – деб мақтабди нуроний хола.
- Холажон, сиз сеҳргармисиз? – деб қўрқа-писа сўрабди Ҳафизахон.
- Мен яхши қизларнинг орзусиман! – дебди нуроний хола. – Қани мен ўргатган ҳаракатларни такрорла-чи.

*Худойберди Тўхтабаев*



## Савол ва топшириқлар.

1. Қизиқ воқеа қачон, қаерда бўлибди?
2. Нуроний хола Ҳафизахон билан нималар ҳақида сухбатлашди?
3. Нуроний хола Ҳафизахонни қандай сўзлар билан улуғланги ҳақидаги ўринни топиб ўқинг.
4. Сиз ҳам нуроний холанинг Ҳафизахон ҳақидаги гапларини тўғри дейсизми? Фикрингизни далиллланг.



3

## Шеърни ифодали ўқинг.

### ОСМОН

Қучоги кенг осмонман,  
Ажиб, сирли маконман.  
Кўргин қушлар парвозин,  
Мудом тинчликка конман.

*Туроб Ниёз*

Шеърни дафтарингизга ёзинг.

Новча  
Ҳушёр  
Довдираб

## ОСМОНДАН МУЗҚАЙМОҚ ЁҚҚАН КУН



1

Саргузашт – қисса давомини ўқинг.

### ОСМОНДАН МУЗҚАЙМОҚ ЁҚҚАН КУН

Ҳафизахон нуроний хола ўргатган ҳаракатларни тақрорлабди. Аввал осмондан уч ғилдиракли аравача тушибди. Аравача ичидан икки қути музқаймоқ чиқибди. Тўсатдан нуроний хола ғойиб бўлиб қолибди. Ҳафизахон қутичалардаги музқаймоқлардан бирини еб кўрган экан, ё тавба, ростмана музқаймоқдан ҳеч қолишмасмиш. Демак, туш кўраётганим йўқ экан, ҳаммаси ўнгимда бўлаётган эканда, деб ўйлабди Ҳафизахон. Музқаймоқдан яна битта еб кўрибди,вой, буниси олдингисидан ҳам мазалироқ эмиш. Аравачани учириб, дараҳтлар остида ухлаб ётган укаларининг олдига олиб борибди. Бир челак музқаймоқ чиқариб, укаларига биттадан улашибди. Улар музқаймоқни еб бўлиб, “яна, яна” деб сўрармиш. Ҳафизахон, демак тушим эмас, ўнгим экан, деб ўзида йўқ севиниб, ғилдиракли аравачани учириб, нариги пайкалларда сабзи, пиёз ўтаётган ўртоқларининг олдига жўнабди. Ўртоқлари исиб кетгани учун ишни тўхтатиб, катта толларнинг соясида салқинлашиб, бир-бирининг қошларига ўスマлар қўйишиб, қиқирлашиб, кулишиб дам олишаётган экан, Ҳафизахонга кўзлари тушиши билан:

- Вой, ўртоқжон, қаёқдан пайдо бўлдинг? – дебчувиллашибди.
- Осмондан тушдим, – дебди Ҳафизахон. – Сизларга музқаймоқ олиб келдим.

Қизлар:

- Ҳаммаси бизларгами? – дейишибди-ю, чељакдаги музқаймоқларга ёпишибди. Челак ҳам сехрли әканми, ейишармиш, таги кўринмасмиш, ейишармиш, таги ҳеч кўринмасмиш. Тинмай сахий, саховатли дугоналарини мақташармиш.



Ўша куни Ҳафизахон қишлоқнинг дашт қисмидаги барча болалар, қизларни музқаймоққа тўйдирибди. Ўша кундан бошлаб уч ғилдиракли сеҳрли аравача, осмондан тинмай ёғилиб турган музқаймоқлар ҳақидаги овозалар, миш-мишлар қишлоқдан-қишлоққа ўтиб, кўча берибди. Ҳар хил тахминлар ҳам кўпая берибди, нима дейсан Ҳафизахоннинг онаси осмонда яширинча музқаймоқ цехи очибди, нима дейсан, осмондаги фаришталар Ҳафизахоннинг уйига челак-челак музқаймоқ ташлаб кетаётганмиш, нима дейсан, учар ликопча одамлари келиб, қишлоқ болаларини ўзларига ўргатиб олиш учун сеҳрли музқаймоқлар улашаётганмиш. Хуллас, мана шунаقا гаплар кўпайгандан кўпаяверибди. Туман ички ишлар бўлимида ғоят хушёр, ғоят зийрак, ғоят тадбиркор амакилар ишлар экан. Улар тезлик билан ишга киришиб, музқаймоқлардан намуналар олиб, анализ қилдира бошлишибди. Ҳеч камчилик топишолмабди. Шаҳардаги цехларда тайёрланадиган музқаймоқларга қараганда қаймоғи ҳам, шакари ҳам мўлроқ әмиш. Ҳатто, бошлиқ ўша музқаймоқлардан биттасини еб ҳам кўрибди. Йўқ, камчилик тополмабди. Лекин Ҳафизахонни сўроқ қилиб кўрибди:

- Цехим йўқ, – деб жавоб қайтарибди Ҳафизахон.
- Музқаймоқларни қаерда тайёрлайсан? – сўрабди амаки.
- Осмонда тайёрланади, – дебди у.
- Ёлғон гапирма, осмонда булатдан бошқа ҳеч нарса бўлмайди.
- Бор, – дебди Ҳафизахон. – Ўша ерда менга ўхшаган қизларнинг яхши ниятлари, покиза орзулари, битмаган орзулари бўлади.

Шу гапларни айтиб Ҳафизахон қўллари билан нуроний хола ўргатган ғалати-ғалати ҳаракатларни такрорлаган экан, осмондан шоколадли, мевали, сутли музқаймоқлар шунақанги ёғилибдики, кузатиб турган одамлар ҳанг-манг бўлиб қолишибди. Милиционер амаки инсофли, ҳам адолатли экан. Ҳафизахоннинг ҳаракатида жиноят белгиси йўқ, яхшиси бу ишни “Коинот” илмий текшириш институти ўргансин, деган қарорга келибди. Ҳафизахон ҳадя қилган бир чепак музқаймоқни олиб, “ҳа, майли, набираларимга берарман” деб илиққина хайрлашиб кетибди.

Одамларнинг айтишича, осмондан музқаймоқ ёғилиши ҳалигача тўхтагани йўқ эмиш. Музқаймоқ қанча кўп ёғилса, даштда ишлаётган ўғил-қизлар шунчалик хурсанд бўлармиш.

*Худойберди Тўхтабаев*



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Нуроний хола Ҳафизахонга нимани ўргатди?
2. Қишлоқда қандай миш-меш тарқалгани ҳақида сўзлаб беринг.
3. Милиционер амаки қандай хулосага келибди? Матндан топиб ўқинг.
4. Матндан музқаймоқ, Ҳафизахон сўзларини сананг. Ким тез, тўғри санайди?
5. Нуроний хола сизга учраса, нима қилар эдингиз? Фикринизни айтинг.
6. Матн мазмуни қайси мультфильм мазмунига ўхшайди? Айтиб беринг.



3

### Матн мазмуни бўйича расм чизинг.

Ҳанг-манг  
Жиноят  
Ҳадя  
Миш-меш

## НЕГА ЕР, НЕГА ОСМОН?



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### НЕГА ЕР, НЕГА ОСМОН?

Нега ер, нега осмон  
 Бир-бирига дўсту жон,  
 Бир-бирига пособон,  
 Бир-бирига меҳрибон,  
 Бир-бирига меҳри кон?  
 Шу сабаб ер-у осмон  
 Меҳрлари кенг жаҳон,  
 Меҳрлари тенг жаҳон.  
 Нега ер пастда тураг?  
 Осмонни асраб тураг,  
 Қучоқлаб сақлаб тураг,  
 Ерлигин оқлаб тураг,  
 Эллигин ёқлаб тураг.  
 Осмонга гулдаста бўлар,  
 Шу сабаб пастда тураг.  
 Осмон не учун баланд?  
 Нур сочишдан осмон банд,  
 Нур иш билан осмон банд.  
 Ер жонини севгандан,  
 Ерга нурин бергандан,  
 Ерга бўйин эккандан  
 Осмон баланд тураг.  
 Замин бор-у осмон бор,  
 Осмон бор-у замин бор.



Икковлон фармонбардор,  
 Бўлишганлар барқарор.  
 Апоқ-чапоқ бўлишган,  
 Чархпалакдек тўлишган,  
 Улкан қўргон бўлишган,  
 Кўркам қўргон тузишган.  
 Одам, олам бўлишган,  
 Сиз-у бизни қўришган  
 Шул сабаб ер-у осмон  
 Бир-бирига дўст-у жон,  
 Бир-бирига пособон.

*Қуддус Мұхаммадий*



2

## Савол ва топшириқлар.

- Шоир осмоннинг юқорида, ернинг пастда туриш сабабларини қандай ёритган? Топиб ўқинг.
- “Икковлон фармонбардор  
Бўлишганлар барқарор  
Апоқ-чапоқ бўлишган,  
Чархпалакдек тўлишган” мисраларининг мазмунини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.
- Шеърни ролларга бўлиб ўқинг.



3

## Билимингизни синанг.

- Бўлимдаги қайси эртак ёки шеър сизга кўпроқ ёди?
- “Қуёш ҳамон юксакда эди, аммо уфқда булутлар тўдалаша бошлади, у ногоҳ қуёшни тўсиб қўйди” гапи бўлимдаги қайси матндан олинган? Муаллифи ким? Мазмунини қисқача сўзлаб беринг.
- Бўлимда ой, қуёш, юлдузлар ҳақида билиб олган маълумотларни айтиб беринг.
- Х.Тўхтабаевнинг қайси қиссаси билан танишдингиз?
- Ой нима учун ҳижолат бўлди? Эртак мазмунини сўзлаб беринг.
- Бўлимда ўқиганларингиз асосида дафтaringизга коинот ҳақида ўнта сўз топиб ёзинг.



4

## Шеърни ифодали ўқинг ва ёдан ёзинг.

### ЮЛДУЗЛАР

Биз саноқсиз юлдузмиз,  
Кўринмаймиз қундуз биз.



Чироқлардай порлаймиз,  
Давра қуриб тунда биз.

*Туроб Ниёз*



5

Топишмоқларни нұқталар ўрнига жавобини топиб ўқинг.

Тирикликнинг манбаи,  
Ерда ҳаёт йўқ усиз.  
Хеч бир тирик мавжудот,  
Яшай олмайди ... сиз.

*Феруза Жалилова*



6

Тез айтишларни тез-тез ўқинг.

Бобом боққа бодом экишга бел боғлади.  
Гулноранинг гуллари гулдонда гуллади.



# *Келажакка саёҳат*



Ватан озод, ватан – обод,  
Келажакка борамиз шод,  
Шодон авлод – соғлом авлод,  
Биз болалар, биз болалар –  
Қувноқ ўғил-қиз болалар.

*Дилишод Ражаб*

**8-бўлим**

## АЗИЗНИНГ ОРЗУЛАРИ



1

Ўқинг.

### АЗИЗНИНГ ОРЗУЛАРИ

Азиз ўзи шўх бола  
Фикри мисли ўқ бола:  
Худди нишонга ураг,  
Тағин илжайиб тураг,  
Ҳаммани ҳайрон қиласар,  
Хаёлни бийрон қиласар.  
– Анов митти юлдузни  
Ушласа бўладими?  
– Соғабон тутган одам  
Томга чиқиб,  
Ўзини –  
Ташласа бўладими?  
– Агар ўша юлдузни  
Фижимлаб ушлаб олсам,  
Қўлларим куядими?  
– Фазога чиқсан одам  
Овқат емай,  
Витамин –  
Еса ҳам тўядими?  
Азиз митти бўлса ҳам  
Саволлари шунаقا.  
Қойил қолади одам,  
Хаёллари шунаقا...  
...Бир кун очиқ ҳавода  
Эсар экан шаббода,  
Чалқанчасига ётиб



Азиз ухларкан қотиб  
Кулиб-кулиб қўярди.  
Биз сўрадик уйғотиб:  
– Тушда нималар кўрдинг?  
Ёстигини қучоқлаб  
Азиз секин очди лаб:  
– Тоғдан тоқقا учувдим,  
Ердан Ойга кўчувдим.  
Қўлларим қўш қанотим,  
Гул эди-оёқларим...  
Бекорга сиз уйғотиб  
Томошамни буздингиз,

Кўрардим қаёқларни...  
Азизнинг бу тушидан  
Тушундик орзусини,  
Кўрсатди гапи билан  
Юраги-кўзгусини...  
– Майли, буниси туш-ку! –  
Деди қадрдонларга.  
Хаёлан жўнади у  
Келажак замонларга.  
Балки, бир қун Азизнинг  
Авлоди қўнар Ойга.  
Хозирча орзулари  
Нур-ла бошлаган пойга

*Мирализ Аззам*



2

### Савол ва топшириқлар.

1. Шоир Азизнинг қизиқувчанигини қандай ифодалайди?  
Шу ўринларни топиб ўқинг.
2. Шеърдан Азизнинг туши ҳақида айтганларини ўқинг, мазмунини тушунтиринг.
3. Азизни қандай бола эканлиги ҳақида фикрларингизни билдиринг.
4. Шеърни ролларга бўлиб ўқинг.



3

### Ижод қилинг.

Шеър мазмуни асосида “Кичкина боланинг катта орзулари” мавзусида ҳикоя ёзинг.



4

### Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Нуқталар ўрнига топишмоқнинг жавобини қўйиб ўқинг.

Болаларга эрмакман,  
Баҳордан бергум дарак.  
Шаклим жуда хилма-хил,  
Номимдир менинг ...

Қанотсиз кўкка учдим,  
Мовий самони қучдим.  
Учди бошимдан хушим,  
Қарасам, экан ... .




5

### Ўйланинг.

Қизиқарли саволларга жавоб беринг.

1. Одамзодда нима кўп?
2. Дунёда нима чаққон?
3. Юмуқ кўз билан нимани қўриш мумкин?



Мисли  
Бийрон  
Хушим



1

Эртакни ўқинг.

## ХАЁЛПАРАСТ ВА ИНТЕРНЕТ

(Замонавий эртак)

Олдинги замонда хаёл суреб ётишни ёқтирадиган бир одам яшаган экан. У вақт машинаси ҳақида орзу қиларкан. Бир куни ухлаб ётган хаёлпаратстни қаттиқ шовқин уйғотиб юборибди. Уйғониб қараса, ёнида антиқа мосламалар турғанмиш.

– Курсига ўтириңг!

Овоз қаердан келганини тушунмаган хаёлпаратст тек қотганича тураверибди.

– Сизга айтяпман, курсига ўтириңг!

– Сен кимсан? – сўрабди хаёлпаратст ўзига келиб олгач.

– Вақт машинасини бошқарувчи роботман!

Энди сиз турли даврлардаги воқеаларни қузата оласиз.

– Зўр-ку! – дебди у оғзи ланг очилиб.

– Нигоҳингизни экранга қаратинг! Қайси асрни танлайсиз? Қаршингиздаги тугмалардан керакли рақамни босинг.

Хаёлпаратст ҳар доим келажакдаги воқеаларни билишга қизиққани учун биз яшайдиган 21 асрни танлабди.

– Салом, амаки! – қаршисидаги экранда пайдо бўлган болакай салом берибди унга.

– Салом, болакай! Мени кўрганингдан хайронмисан?

– Ну ма деганингиз?! Сиз ҳам интернетга дадангизни компьютерида кирдингизми?

– Қанақа компьютер? Сен ҳам вақт машинасидан фойдаланишни биласанми?

– Вақт машинаси? – кўзлари пирпираб ҳайрон бўлибди болакай. – Сиз билан интернет видеодастури орқали гаплашашпман – ку.



- Интернет? Нима ўзи у?
  - Интернет – бу улкан маълумотлар тўри. У орқали барча саволларингизга жавоб топасиз. Бундан ташқари интернетда кўплаб лугатлар, китоблар ва фойдали дастурлар бор. Лекин дадам интернетни вақт ўғриси деб атайди. Қизиқиб кетсанг, қандай қилиб вақтинг ўтиб кетганини билмай қоласан.
  - Интернетдан узоқ фойдалансанг ҳам зерикмайсанми?
  - Йўқ – да. Айтмоқчи интернетда ажойиб кутубхоналар ҳам бор. Масалан, онам пазандачилик сайтларига кириб турли рецептларини кўчириб олади. Опам эса лугатлар ва ўқув дастурларидан фойдаланади. Сиз билан кўришиб турган видео алоқадан эса, асосан, дадам фойдаланади. Интернет орқали чет әлдаги ҳамкорлари билан кўришиб, шартнома тузади.
  - Унда сен интернетдан нима қиляпсан?
  - Интернетдан фойдаланишни энди ўрганяпман. Кўпинча, катталар интернетга кирганимда назорат қилиб, ўргатиб туришади. Да-дамнинг айтишича, интернетда кириш мумкин бўлмаган вирусли сайтлар ҳам бор экан. Вой, айтганча, сал қолса эсимдан чиқай дебди.
  - Нима бўлди, болакай?
  - Компьютерни қаршисида ярим соатдан ортиқ ўтириш мумкин эмас. Кўзга зарар. Ундан кейин, бугун футбол ўйинимиз бор. Дарсимни қилишга улгурмасам, онам кўчага чиқармайди. Хайр амаки! Экрандаги бола кўздан ғойиб бўлиби.
  - Яна қайси асрни танлайсиз?
- Лекин хаёлпараст роботга, эътибор бермабди. “Келажакда инсонлар шунча фойдали нарсаларни кашф қилишса-ю, менинг дарахт соясида ухлаб ётишим нимаси? Ундан кўра, бориб бирор фойдали иш билан шуғулланаман”, – деган қатъий фикрда туриб уйига равона бўлиби.

*Нигора Солихова*



### Савол ва топшириқлар.

1. Вақт машинаси хаёлпарастни қайси даврга олиб борибди?

- Хаёлпаст билан бола нималар ҳақида сұхбатлашганини ўз сўзларингиз билан сўзлаб беринг.
- Эртакни ролларга бўлиб ўқинг.
- Хаёлпастнинг келажакка “саёҳати” қандай якунланди?

**3**

### Саволларни ўқинг ва жавобларингизни ёзинг.

- Агар сиз хаёлпастни ўрнида бўлсангиз қайси даврга борар эдингиз? Нима учун?

**4**

### Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

- Излаган олим бўлар,  
Ўйлаган – фозил.
- Ўтганлардан ибрат ол,  
Келажакка ибрат бўл.
- Билган билганин ишлар,  
Билмаган бармоғин тишлар.

Антиқа  
Мослама  
Рецепт  
Вирусли сайт

## САЁХАТ ОЛДИДАН



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### САЁХАТ ОЛДИДАН

Ёнғоқнинг бир палласидан кема ясаб  
Мен капитан, ўринбосар – бўлди Асад  
Эшкак қилдик музқаймоқнинг қошигини.  
Кўтармайди Олапарни ошигини.  
Кўрмоқчимиз ҳиндуларни, арабларни.  
Сингапурни, Дубай деган тарафларни.  
Сўнги босқич, кутаяпмиз командани.  
Тўфон бормиш Ява деган томондами?...  
Буйруқقا мос бошқарилар кема изми.  
Бирозгина кам – кўсти бор машқимизни.

*Турсунбой Адашибаев*



2

Савол ва топшириқлар.

- Шеър қандай болалар номидан ёзилган? Фикрингизни асосланг.
- Болалар “кема”ларида қаерларга саёҳат қилмоқчиликлари ҳақидаги ўринларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.
- Келажакда сиз қаерларга саёҳат қилишни орзу қилишингиз ҳақида сўзлаб беринг.



3

Иzlанинг.

- Интернетдан шеърда номлари берилган жойлар ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



4

Эртакни ўқинг.

## СИНБОД ОЛМОСЛАР МАМЛАКАТИДА



Бунда анча йиллар мұқаддам Синбод исмли бир ўспирин йигит бўлган экан. Энг буюк орзуси саёҳат қилиш ва улкан денгизларга чиқиши экан. Бир куни ҳамشاҳар савдогарлар билан бирга катта тижорат кемасига мишиб сафарга чиқиби. Суза-суза хилма-хил мевали дараҳтлар билан қопланган бир оролга келиб қолибдилар. Қуруқликка чиқиб айланишга тушибдилар. Оролда ҳеч зоғ йўқ экан. Ҳамроҳлари дараҳтлардан мева тераётганида Синбод бир дараҳтнинг соясига узала тушиб ётиб қаттиқ уйқуга кетиби. Анчадан сўнг уйғониб қараса, атрофда ҳеч ким йўқмиш. Синбод соҳилга қараб чопиби. Кема жуда узоқлашиб кетган экан. Қемадагилар уни унудиб қолдиришган экан. Нима қилишини билмай оролда ёлғиз қолавериби. Оролда нималар борлигини билиш учун энг баланд дараҳтнинг тепасига чиқиб атрофни кўздан ке-чириби. Кўргани кўм-кўк осмон ва чегарасиз денгиз бўлиби. Яна оппоқ бир нарсага кўзи тушибди. Дараҳтдан тушиб ўша оқ нуқтага қараб юриби. Яқинлашгач думалоқ ва силлиқ тошга ўхшаш нарсалигини билиби. Айланаси эллик қадам чиқиби. Бирдан атроф қоронғилашиб, қуёш кўринмай қолиби. Гўёки осмонни булут қопландек бўлиби. Кўп ўтмай бир булут эмас, улкан бир қуш эканини англабди. Синбод қўрқиб кетиби. Чунки баҳайбат қуш ўша жойдаги ғаройиб думалоқ тошнинг устига тўғри учиб келаётганмиш.

Синбод кемадаги денгизчиларни Анқо қуши ҳақидаги гапларини эслабди. Бу дев қуш ҳатто филларни панжаси билан кўтариб кетиб еркан. Йигитча дараҳтлар орасига беркиниб, қушни кузата бошлабди. Шунда оппоқ тошнинг қуш тухуми эканлигини англаб етиби.

Қуш тухумнинг устига ўтирибди. Бу оролдан қутилмоқ учун Синбоднинг хаёлига ажойиб фикр келибди. Бошидаги салласини ечиб ўзини қушнинг оёғига боғлабди.

Тонг отгач қуш қанот қоқиб ҳавога қўтарилибди. Шу қадар тез учармишки, Синбод нафас олишга ҳам қийнала бошлабди. Анқо қуши анчадан сўнг ерга қўнибди. Тумшуғи билан бир илонни тутиб яна ҳавога қўтарилибди. Синбод боғлаган арқонини ечишга аранг улгурибди.

Анқо қуши Синбодни келтириб ташлаган ер чуқур бир водий бўлиб, атрофни тирмасиб чиқиши имконсиз қоялар ўраб олган экан. Бу ерга келиб янада оғирроқ вазиятга тушиб қолганини англаб етибди. Олмослар билан тўла бу водий улкан илонлар макони экан. Анқо қушидан қўрқиб кундузи яшириниб ётадиган бу илонлар факат кечаси овга чиқаркан. Кундузи водийни айланиб чарчаган Синбод оқшом тушгач бир ғорга беркинибди. Форнинг оғзини тошлар билан беркитибди. Кечаси билан ташқаридан эшитилиб турган вишиллаган товушлардан ухлай олмабди.

Тонг отгач илонлар ўзларини панага олибдилар. Синбод ҳам ғордан ташқарига чиқибди. Водийдан қандай қилиб қутулсан экан деб бош қотира бошлабди. Бир дарахтнинг тагига ўтириб, қаттиқ ўйга чўмган маҳали ёнига бир нарса тап этиб тушибди. Тепадан тушган нарса гўшт парчаси экан. Бироздан сўнг қоялар устидан саноқсиз гўшт бўлаклари ёғилаётганини кўрибди. Синбод анча йиллар бурун олмослар водийси билан боғлиқ бир нарса эшитган экан. Кемачилар бу олмосларни қўлга киритиш учун гўшт парчаларини олмослар водийсига отарканлар. Девдай баҳайбат бургутлар болаларни тўйдириш учун бу гўштларни илиб олиб инларига ташир, кемачилар ўша инларга бориб гўштларга ёпишиб қолган олмосларни тўпларканлар.

Синбод бу ердан қутилиб кетиш учун бир чора топибди. Йирик олмослардан хуржунига тўлдирибди. Катта бир гўшт парчасини илиб салласидан қилинган арқон билан белига боғлабди. Сўнгра ерга юзтубан ётиб олибди.

Тез орада баҳайбат бир бургут келиб Синбоднинг белига боғланган гўшт парчасини чангллаб ҳавога қўтарилибди. Анча вақт учга-

нидан сўнг тоғнинг тепасидаги инига чангалидаги гўштни ташлабди. Бу вақтда кемачилар шовқин-сурон қўтариб бургутни уясидан узоқлаштирибдилар.

Кемачилар бургут уясиға келганларида Синбодга дуч келиб ҳайрон қолибдилар. Синбод уларга бошидан ўтганларини сўзлаб берибди. Кемачилар Синбоднинг ақл-у заковатига таҳсин ўқибдилар, уни кемага олиб юртига қайтишига кўмаклашибдилар. Синбод келтирган олмосларнинг бир қисмини йўқсил, фақирларга улашибди. Ўзи эса умрининг охирига қадар фаровон ҳаёт кечирибди.

“Дунё болаларининг севимли эртаклари”дан



5

### Савол ва топшириқлар.

1. Синбод нимани орзу қиласар экан?
2. У кимлар билан сафарга чиқибди?
3. Оролда ёлғиз қолган Синбоднинг саргузаштлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Синбод оғир вазиятлардан қандай қилиб қутилди?
5. Синбоднинг ишларини сиз қандай баҳолайсиз? Фикрингизни далилланг.



6

### Ижод қилинг.

Синбоднинг саргузаштлари асосида расм чизинг.

Тўфон  
Имконсиз  
Юзтубан  
Таҳсин  
Йўқсил



## ЯШАСИН ТИНЧЛИК, БОР БҮЛСИН ТИНЧЛИК.



1

1. Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

Ер юзи – Тинчлик боғи,  
Ер юзи – Дўстлик боғи.  
Ер юзилик болалар –  
Бу боғнинг гул, япроғи.

Бу боғ яшнасин кулсин,  
Мехр нурига тўлсин.  
Бу боғдаги шамоллар,  
Атир шамоллар бўлсин.

*Олқор Дамин*



2

2. Савол ва топшириқлар.

- Шоир шеърида Ер юзини қандай таърифлаган?
- Қозогистон Республикасида қандай миллат вакиллари яшайдилар? Улар бир-бирлари билан қандай муносабатда яшайдилар?
- 1 май қандай байрам?
- Дафтaringизга тинчлик ва дўстлик ҳақида иккитадан мақол ёзинг.



3

3. Расмни кузатинг. Қандай байрам тасвиранган?

Байрам ҳақида билганингизни сўзлаб беринг.



4

#### 4. Шеърни ифодали ўқинг.

### ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Бугун – Хотира куни,  
Тарихга назар солдик.  
Мард, жасур аждодларни  
Фурур-ла ёдга олдик.  
Қирқ биринчи йилларда  
Қонхўр Гитлер жанг қилган,  
Халқнинг тинчлигин бузиб,  
Ватанимга чанг солган.  
Ватан учун аждодим  
Ўлимга ҳам юз тутган.  
Талай жасорат ила  
Душманни яксон этган.  
Ўтса ҳамки неча йил,  
Халқим буни унутмас.  
Ватан учун жон берган  
Аждодлар номи ўчмас.

*Дилфузаз Каримова*





5

### 5. Савол ва топшириқлар.

1. Шеър кимнинг номидан ёзилган?
2. Шеърда қандай байрам ифодаланган?
3. Ватанимизга чанг солган душман ҳақидағи ўринларни топиб ўқинг, мазмунини тушунириңг.
4. Аждодларимизнинг жасорати қандай ифодаланган?
5. “Ватан учун жон берган  
Аждодлар номи ўчмас” мисраларининг мазмунини тушунириңг.



6

### 6. Изланинг.

1. Интернетдан 1941–1945 йиллардаги Улуг Ватан уруши ҳақида маълумот тўплаб, дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



7

### 7. Ижод қилинг.

1. Мактабингиз залида “Фалаба байрами” мавзусида ҳужжатли расмлар кўргазмаси уюштириңг.



## БИЗ ЕҢГАМИЗ БҮРОНЛАРНИ



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### БИЗ ЕҢГАМИЗ БҮРОНЛАРНИ

Олис йўллар мафтун этди,  
Олис йўллар ҳамроҳ бизга.  
Тоғлар, кўллар мафтун этди –  
Тоғлар, кўллар ҳамроҳ бизга.

Биз қўрқмаймиз бўронлардан,  
Биз енгамиз бўронларни.  
Хайикмаймиз довонлардан,  
Эгаллаймиз довонларни.

Қорли, музли чўққилар ҳам  
Қолиб кетар пойимизда.  
Жасур қўшиқ бизга ҳамдам  
Ҳар бир қўнган жойимизда.

Мақсадимиз тоғдай улуг,  
Чамбарчасдир туташ қўллар.  
Орзуларга қалблар тўлик,  
Қани олға, оғайнилар.

*Миразиз Аззам*



2

2. Савол ва топшириқлар.

1. Шеър кимнинг номидан ёзилган?
2. Шоир болаларнинг кайфиятини қандай сўзлар билан ифодалаган? Болаларнинг бундай кайфиятлари нимадан деб ўйлайсиз? Фикрингизни далилланг.
3. Болаларнинг мақсадлари ҳақидаги ўринларни ўқинг ва мазмунини тушунириинг.
4. Шеър мазмунини ўз сўзларингиз билан тушунириинг.



3

3. Ижод қилинг.

1. Шеър мазмуни асосида “Келажакка дадил қадам” мавзусида эссе ёзинг.



4

## 4. Эртакни ўқинг.

## ТЕЛЕВИЗОР (Замонавий эртак)

Фанишер телевизор томоша қилишни яхши қўрарди. У кун бўйи ҳеч нарсага эътибор бермай, телевизор қаршисида соатлаб ўтиради. У ота-онасига уй ва боғ юмушларида ёрдам бермасди. Қиладиган иши тун-у кун телевизор кўриш әди. Мактабдан қайтгандан кейин ҳам кийимларини алмаштирмай, яна телевизорни ёқиб оларди. Дарсларини ҳам тайёрламас, китоблари жавонда чанг босиб тахланиб ётарди. У ҳеч бир фан билан қизиқмас, китобларини варақлаб ҳам кўрмасди. Ўқитувчиларининг танбеҳлари ва насиҳатларига қулоқ солмасди. Мактабда синфдошлари “Бугун янги шеър ёдладим, янги хикоя ўқидим” деса, Фанишер кўрган мультфильмлари, кўрсатувлари ҳақида тинмай гапириб, синфдошларини ўзидан узоқлаштиради. Бу ҳолатдан ота-онаси ҳам қаттиқ ташвишга туша бошлишибди. Дадаси бир неча бор қизик, расмли эртак китобларни олиб келиб, ўғлининг қўлига тутқазибди. Аммо Фанишер бу китобларни ҳам жавонга тахлаганча, яна телевизор олдига ўтириб олибди.

Бир куни Фанишернинг кўз олди қоронгулашиб, ҳаммаёқ айлана бошлабди. Шунда телевизор баҳайбат тусга кириб, ундан иккита қўл ўсиб чиқибди. Катта қўрқинчли телевизор Фанишер томонга кела бошлабди. У қўрққанидан ҳар томонга қочибди, лекин телевизор уни узун қўллари билан тутиб олиб, роса калтаклабди. Баҳайбат қўллардан қочишга ҳар қанча уринмасин, телевизор уни урушда давом этаверибди. Фанишер тобора қўрқиб, хонада йиғлаганча айланиб қочибди. Шунда жавондаги тахланиб турган китоблари ёрдамга келибди. Унинг варақла-



зор уни узун қўллари билан тутиб олиб, роса калтаклабди. Баҳайбат қўллардан қочишга ҳар қанча уринмасин, телевизор уни урушда давом этаверибди. Фанишер тобора қўрқиб, хонада йиғлаганча айланиб қочибди. Шунда жавондаги тахланиб турган китоблари ёрдамга келибди. Унинг варақла-

ридан нур ёғилиб, телевизорнинг қора нурларини қайтарибди. Китоблар кўплиги учун телевизорни енгиб чиқишибди. Шунда атроф ёруғ бўлиб кетибди. Ганишер қўрқсанча атрофга боқибди. Телевизор ўз ўрнида, китоблар ҳам. Бўлган воқеалар тушида бўлдими, ўнгидами англолмабди. Лекин Ганишер ўзига керакли хулосани чиқариб олибди.

У телевизорни ўчириб, китобларнинг ёнига борибди. Жавондаги китобларни бирма-бир қўлига олганча варақларини меҳр билан силабди. Шу кундан бошлаб у китобларни меҳр билан ўқийдиган, улардан унумли фойдаланадиган, телевизор олдида соатлаб ўтирамайдиган бўлибди. У ҳар бир нарсанинг меъёри борлигини тушуниб етибди.

*Шахло Абдуқаюмова*



### 5. Савол ва топшириқлар.

1. Ганишернинг баҳайбат қўлли телевизордан калтак ейиши сабабини тушунтиринг.
2. Ганишерга ёмон ҳолатдан қутулишида нималар ёрдам беришди?
3. Келажакда Ганишер ақлли, билимли бола бўлади деб ўйлайсизми? Нима учун?
4. Келажакка дадил қадам ташлашимизда китобнинг қандай аҳамияти бор? Фикрингизни далилланг.

Пойимизда  
Танбех



1

Шеърни ифодали ўқинг.

## ХАЁЛ

Мен кўпинча хаёл сурман,  
Ўйлар уммонида сузаман.  
Хаёлнинг қудрати бекиёс,  
Қатор-қатор режа тузаман.

Ишонсангиз, хаёл туфайли,  
Осмондаги ойни узаман.  
Хаёл улкан қушга ўхшайди,  
Қучоғида дунё кезаман.

Шу хаёл бор экан ўзимни,  
Алплар каби кучли сезаман.  
Хаёл менинг толмас қанотим,  
Учқур шамоллардан ўзаман.

*Туроб Ниёз*



2. Савол ва топшириқлар.

1. Шеър кимнинг номидан ёзилган?
2. Шоир хаёлнинг қудратини қандай таърифлаган? Шу ўринларни топиб ўқинг.
3. Бола хаёлида қаерларга “бориши”, қандай режалар тузиши ҳақидаги фикрларингизни айтиб беринг.
4. Шеърни ёд олинг.



3

### 3. Эртакни ўқинг.

## ДОНИШМАНД СОАТ (замонавий эртак)

Уй деворида қизчанинг бобосидан қолган эски соат осиғлиқ турарди. У аҳён-аҳёнда вақтни эслатиб бонг уриб қўярди. Бир куни соат бонг урмай қўйибди.

– Энди вақтни қандай биламан? – дебди қизча соат олдига келиб. Кутимаганда соат:

- Ҳаммасига ўзинг айбдорсан, – дея жавоб қайтариби қизчага.
- Ие, сен ҳали гапиришни ҳам биласанми?
- Мен ҳамиша гапирғанман. Фақат сен эшитишни истамагансан.
- Эҳ, вақтни тўғри кўрсатмасанг, мактабга кеч қолишим мумкин-ку!

– Худди доим вақтида борадигандек гапирсан-а, – кулибди соат.

– Қачон қарама, кечикиб юрасан-ку. Сен вақтингни умуман қадрламайсан, билдингми?

Шундай қилиб, хафа бўлган соат вақтни кўрсатмай қўйибди. Аниқ вақтни била олмай қизча ҳам кўп қийналиби. Бир куни қизча соат олдига келиб, шундай дебди:

– Келишиб олайлик, соатвой. Сен аввалгидек вақтни тўғри кўрсатсан, мен эса заарли одатларимни ташлайман.

– Бўпти-да. Лекин бир шартим бор: янги дафтар тутасан ва унга кунлик режаларингни ёзиб борасан.

– Шу бугуноқ дафтар тутганим бўлсин!

– Яна тартиб – интизомга ҳам ўрганишинг керак. Шунда бўш вақтинг кўпайиб, фойдали ишлар билан шуғуллана оласан.

– Ҳамма гапинг тўғри... Вой, айтганча бугун бувимни кўргани бормоқчи әдим-ку. Сен билан бўлиб эсимдан ҳам чиқа ёзибди.

Қиз шошганича нарсаларини йиғишира бошлабди. Соат эса насиҳат қилишда давом этармиш:

– Ўзинг билан бирорта қизиқ китоб ол. Бекатда автобус кутиб, бекор ўтирганингда ўқийсан. Ўқиш – энг фойдали машғулот!

- Соатвой, шунча нарсаны қаердан биласан?
- Мен жуда эски соатман. Узоқ вақтдан буён одамларни кузатаман. Кимдир вақтни қадрлайди, кимдир эса, йўқ. Умрини кераксиз ўйин-кулгуга сарфлаганлар афсус қилиб қолганини кўрдим. Мен оддий соатман. Қиладиган ишм – одамларга вақтни кўрсатиш. Милларим пичирлаб умр оқар дарёдек ўтиб кетишини эслатиб туради. Бироқ кўпчилик буни ҳаёти сўнгидагина англайди. Улар қани энди, вақт орқа қайтса-ю, хатоларимни тузатсам, дея афсусланиб қолаверишади.

Киз донишманд соатнинг гапларини тинглаб, ўйланиб қолибди.

– Ҳалиям шу ердамисан? – ёлғондакам аччиқланибди соат.

– Бунақада бувингнинг олдига ҳам кечикиб борасан-ку!

Қизча бир жилмайиб қўйибди-ю, чопқиллаб уйидан чиқиб кетибди. Хонадан яна донишманд соатнинг бир маромда чиқиллаши эшитила бошлабди.

*Нигора Солиҳова*



4

#### Савол ва топшириқлар.

1. Нима учун соат бонг урмай қўйибди?
2. Қизча билан соат нималар ҳақида гаплашганлигини ўз сўзларингиз билан айтиб беринг.
3. Қизча билан соат қандай нарсаларга келишиб олишганлиги ҳақидаги ўринларни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.
4. Нима учун соатни “донишманд” деб таърифлаган? Фикриңизни асосланг.
5. Соатнинг қизчага вақтнинг қадри ҳақида айтганларини ўқиб, мазмунини тушунтиринг.
6. Эртакни ролларга бўлиб ўқинг.



5

#### Ижод қилинг.

1. Донишманд соатнинг қизчага режа тузиш ҳақидаги фикрлари асосида сиз “Келажак режаларим” мавзусида кичик эссе ёзинг.

## КЕЛАЖАК БИЗНИКИ



1

1. Шеърни ифодали ўқинг.

### КЕЛАЖАК БИЗНИКИ

Кўк юзин яшнатар  
Минглаб юлдузлар.  
Ер юзин янгратар  
Ўғил ва қизлар.  
Биз ернинг юлдузи,  
Юрт ўғил-қизи.  
Биз билан порлагай  
Ватанинг юзи.  
Оқ кўйлак, қора шим  
Кийим-бошимиз.  
Мағурмиз ҳар доим –  
Баланд бошимиз.

Оқ кўйлак – оқ пахта,  
Ўз ҳимматимиз.  
Қора шим – қора жун  
Ўз меҳнатимиз.  
Меҳнаткаш боламиз,  
Қайнаб тошамиз.  
Ойни ҳам оламиз,  
Ундан ошамиз.  
Юрамиз илгари  
Азмимиз ёниқ,  
Келажак бизники,  
Йўлимиз аниқ.

*Миразиз Аззам*



2

Савол ва топшириқлар.

- Шеър кимлар номидан ёзилган?
- Шоир болаларни “ернинг юлдузи” деб таърифлашни сиз қандай тушунасиз?
- Шеърдан: “Юрамиз илгари Азмимиз ёниқ,  
Келажак бизники,  
Йўлимиз аниқ” мисраларининг мазмунини тушунтиринг.  
Сиз ҳам шундай ўйлайсизми? Фикрингизни далилланг.
- Шеърнинг охирги тўрт мисрасини ёддан ёзинг.
- Шеърни оҳангга солиб қўшиқ қилиб айтиб ўрганинг.



3

### Билимингизни синанг.

1. Бўлимда ўқиган қандай шеър ёки эртак сизга кўпроқ ёқди?  
Нима учун?
2. “Майли буниси туш-ку! –  
Деди қадрдонларга.  
Хаёлан жўнади у  
Келажак замонларга” мисралари қайси шеърдан олинган?  
Муаллифи ким? Шеърнинг мазмунини сўзлаб беринг.
3. “Хаёлпаст ва интернет” эртагидаги хаёлпаст қайси асрга саёҳатни танлади? Эртак мазмунини сўзланг.
4. Синбоднинг саргузаштлари ҳақида қисқа маълумот ёзинг.
5. Бўлимда ёд олган шеърларингиздан бирортасини ёддан айтинг.



4

### Иzlанинг, ижод қилинг.

1. Дўстларингиз билан йил давомида ўрганган бўлимларингиз асосида “Ранг-баранг олам” мавзусида постер тузинг.



5

### Шеърни ифодали ўқинг.

## ЁЗ ҚЎШИФИ

Яна келди ёз,  
Мевалар тўкин.  
Новдалар базўр  
Кўтарар юкин.  
Ҳил-ҳил шафтоли  
Бол, дейди таъмим.  
Чўғдайин олу  
Ол, дейди мани.  
Кеч, дейди, куйлаб

Муздай шалола.  
Куч, дейди яйраб,  
Мавжлар, ҳой бола!  
Ёз қандай маза! –  
Дегандек қушлар,  
Сайрашиб тоза.  
Шохма-шох учар.  
Тилимизда бол –  
Қўшиғинг, эй ёз!  
Куйлаймиз сени.  
Бўлиб жўровоз,  
Чалиб олтин соз!

*Олқор Дамин*



Хаёлпараст  
Жўровоз

# ГЛОССАРИЙ

<b>Аламзада</b>	Аламидан тўйиб, қасос, ўч олиш қасдига тушган, кимсада алами бўлган инсон.
<b>Алвон-алвон</b>	Ранг-баранг, хилма-хил.
<b>Баъдаз</b>	Кейин, сўнг, сўнгра
<b>Беҳад</b>	Чегараси йўқ, ҳаддан ташқари.
<b>Бедов</b>	Учқур, ўйноқи от.
<b>Бесамар</b>	Фойдасиз, натижасиз, бехуда.
<b>Бисёр</b>	Жуда кўп, чексиз, катта миқдорда.
<b>Бийрон</b>	Бурро-бурро гапирадиган, гапга чечан.
<b>Боқибеғам</b>	Ортиқ даражада беғам, бепарво.
<b>Бўрсилдоқ</b>	Кўпчиб, билқиллаб турган.
<b>Бўрк</b>	Ошланган қоракўл теридан цилиндр шаклида тикилган бош кийим, телпак.
<b>Газанда</b>	Ари, илон, чаён каби чақадиган жониворларнинг умумий номи.

<b>Емак</b>	Егулик нарса, овқат.
<b>Жез</b>	Мис, руҳ ва қалай қоришимаси.
<b>Жиноят</b>	Айб, давлат қонунлари билан белгиланган тартибга хилоф ва шу қонунларга асосан жавобгарликка тортишни талаб қиласидиган, жамоат учун хавфли хатти ҳаракат.
<b>Жигарпора</b>	Жигари пора бўлган, жигарининг бир парчаси эзилган.
<b>Жиққамушт</b>	Қаттиқ муштламоқ, урушмоқ.
<b>Имзо</b>	Қўл қўйиш, тасдиқлаш.
<b>Искана</b>	Дурадгорлик асбоби: кескич, ёғоч ва тахтани ўйиш, тешиш учун қўлланилади.
<b>Интиқ</b>	Сабрсизлик билан кутувчи, интизор.
<b>Ишқал</b>	Мушкуллик, чалкашлик.
<b>Ифтихор</b>	Фахрланиш, мақтаниш.
<b>Лочира</b>	Оширилмаган хамирдан юпқа қилиб ёйиб, тандирда ёпилган нон.
<b>Маврид</b>	Бирор ишнинг амалга ошиши ёки оширилиши учун қулай вақт, пайт.



<b>Машриқ</b>	Шарқ, кун чиқиши томон.
<b>Мағриб</b>	Фарб, кунботар.
<b>Маъдан</b>	Кон, ер ости бойликлари.
<b>Меҳвар</b>	Ўқ, айланиш маркази.
<b>Мужассам</b>	Гавдаланган, мукаммал ва аниқ тус, шакл олган.
<b>Мужгон</b>	Киприк.
<b>Мулзам</b>	Бирор иши, хатти-ҳаракати учун лол, уятли, хижолатли ҳолатда қолган.
<b>Муроса</b>	Ўзаро келишувли муносабат.
<b>Мурғак</b>	Янги униб чиққан, нозик-ниҳол; ҳали суяги қотмаган, ўзини тутиб олмаган, нимжон.
<b>Мушак</b>	Ёқилганда осмонга кўтарилиб, хилма-хил ажиб ранглар ҳосил қилиб портрайдиган снаряд ёки ракета.
<b>Мўри</b>	Ошхона, печка ва ўчоқларнинг тутун чиқиб кетадиган йўли.
<b>Навқирон</b>	Куч-қувватга тўлган, қирчиллама, ёш.

<b>Наъра</b>	Ларзали, ваҳимали қаттиқ овоз.
<b>Пайхонламоқ</b>	Босиб-янчиб оёқ ости қилмоқ, топтамоқ.
<b>Пайқал</b>	Марза, ариқ, йўл кабилар билан ажратилган катта экин майдони.
<b>Пайраҳа</b>	Ёғоч- тахта чопилганда, рандаланганда ҳосил бўладиган чиқинди.
<b>Пешвоз</b>	Туриб қарши олмоқ, кутмоқ, юзма-юз турмоқ.
<b>Пинж</b>	Кимса ёки нарсанинг ёни, биқини; бағри.
<b>Посанги</b>	Тарози паллаларини тенглаштирувчи қўшимча тош.
<b>Сайёҳ</b>	Саёҳат қилувчи, саёҳатчи.
<b>Салтанат</b>	Хон, подшо ҳукмдорлиги ва шундай ҳукмдор қўл остидаги давлат.
<b>Сарҳад</b>	Чегаранинг боши; ҳудуд.
<b>Сипоҳлик</b>	Аскарлик, жангчилик.
<b>Сўзана</b>	Шойи ип билан кашта тикилган кичик рўмол; палак.
<b>Сўри</b>	Катта тахта каравот.



<b>Танбек</b>	Ножўя хатти-ҳаракати учун берилган таъзир, койиш, огоҳлантириш.
<b>Тумонат</b>	Саноғига етиб бўлмайдиган, ниҳоятда кўп (одамлар тўпи); халойик.
<b>Тўтиё</b>	Мис зангидан ҳосил қилинган кристалл. (қадимда кўз дориси сифатида ишлатилган).
<b>Тўфон</b>	Кучли сув тошқини, шиддатли бўрон.
<b>Тўсин</b>	Иморатнинг ва умуман ҳар қандай қурилма, иншоотнинг томи, ора-ёпмалари, полига кўндаланг солинган бақувват ёғоч, темир ёки бошқа нарса.
<b>Үюр</b>	Орасида бир айғири бўлган биялар тўдаси.
<b>Фарз</b>	Бажарилиши зарур бўлган ахлоқий-маънавий вазифа, бурч.
<b>Фармонбардор</b>	Итоат қилувчи, буйсунувчи.
<b>Хас</b>	Қуруқ ўсимлик пояси.
<b>Халойик</b>	Одамлар, халқ.
<b>Хомуш</b>	Ғамгин, қайфияти йўқ.

<b>Хижолат</b>	Уятдан ўзини нокулай, ўнғайсиз сезиш; уялиш ҳисси.
<b>Шарм-ҳаё</b>	Ножўя хатти – ҳаракатдан ўзини тия олиш ҳисси; уят, номус.
<b>Шафқатсиз</b>	Бирорга ачинмайдиган, раҳм қилмайдиган, аямайдиган, раҳмсиз.
<b>Шахдам</b>	Тез ва дадиллик билан қилинган; тетик, дадил.
<b>Шивит</b>	Укроп.
<b>Шижаот</b>	Ҳаракат, фаолиятда мардона, жасоратли интилиш.
<b>Эллипс</b>	Конус ёки цилиндрни унинг ўқига қия бўлган текислик билан қирққанда ҳосил бўладиган ёпиқ эгри чизик.
<b>Эшқак</b>	Қайиқни ҳаракатга келтириш ва бошқариш учун хизмат қиласидиган узун дастали ёғоч курак.
<b>Элчи</b>	Бир суверен давлатнинг бошқа бир суверен давлатдаги дипломатик вакилларининг энг катта мартабаси, унвонига эга бўлган шахс; дарак берувчи нарса, белги.
<b>Қатим</b>	Тикишда игна ёки сўзанадаги ип ёки ипакни ҳар бир ўтказиш.



**Киёс**

Солиштириш, ўхшатиш.

**Хадя**

Бирөвни хурсанд қилиш учун текин берилган нарса.

## **МУНДАРИЖА**

### **1-бўлим. МЕНИНГ ВАТАНИМ – ҚОЗОФИСТОН**

1. Мадҳингни куйлаб .....	4
2. Бизнинг Қозоғистонимиз .....	7
3. Юрт байроғи.....	10
4. Булбул чаманни севар, Инсон Ватани...	13
5. Ватан мадҳи .....	16
6. Мажнунтол .....	19
7. Аргумоқ.....	22
8. Ватаннинг чироғи .....	25
9. Ватанни сев.....	28
10. Ўғлингман, Ватан .....	31

### **2-бўлим. ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР**

11. Саломлашиш одоби .....	34
12. Яхшилик.....	36
13. Мукофот.....	39
14. Китоблар мазмуни.....	42
15. Юлдузнинг орзуси .....	45
16. Жон дўстим.....	48
17. У билан ўйнамайман .....	51
18. Мулзам бўлдим .....	54
19. Ака-укалар .....	57
20. Инсофли бўл.....	60

### **3-бўлим. МАДАНИЙ МЕРОС**

21. Ардоқли ота-боболар.....	64
22. Достонлар меросимиз.....	67
23. Шер билан Дуррож .....	70
24. Куй отаси .....	73
25. Яссавий зурриётлари .....	76
26. «Мақол қитоби» .....	79
27. «Андижон полкаси» .....	82

## **4-бўлим. КАСБЛАР ОЛАМИ**

28. Нон.....	85
29. Ўқитувчим олқишилайман.....	87
30. Ерга чизилган расм .....	91
31. Ҳунарманд бола .....	94
32. Лаҳзадаги мўъжиза.....	97
33. Адиб – бетартиб .....	100
34. Бобом эккан арча .....	103

## **5-бўлим. ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ**

35. Қиши ташбеҳлари.....	107
36. Рангин қорлар .....	110
37. Осмондаги тўполон .....	113
38. Беминнат ёрдамчилар .....	116
39. Мушак .....	119
40. Шудринг .....	122
41. Ой ва қуёш .....	125
42. Бойчечак .....	128
43. Қиши лавҳалари .....	131
44. Қамалак .....	134

## **6-бўлим. АТРОФ – МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ**

45. Бор бўлсин она табиат .....	138
46. Она табиатни ардоқланг .....	141
47. Сув – ҳаёт манбаи .....	144
48. Қушлар – бизнинг дўстимиз .....	147
49. Баҳор келаётир .....	150
50. Азиз инсонга таъзим .....	153
51. Ҳамжиҳатлик меваси .....	156
52. Табиат қоровули (1-қисм).....	159
53. Табиат қоровули (2-қисм).....	162
54. Наврӯзи олам келди .....	165

## **7-бўлим. КОИНОТГА САЁХАТ**

55. Аэронаут ҳикояси .....	169
56. Сайёralар кезар самода... .....	172
57. Қуёш севган юрт .....	175
58. Оймома пилла.....	178
59. Ажиб сирли макон .....	181
60. Осмондан музқаймоқ ёққан кун.....	184
61. Нега ер, нега осмон?.....	187

## **8-бўлим. КЕЛАЖАККА САЁХАТ**

62. Азизнинг орзуси .....	191
63. Хаёлпараст ва интернет .....	194
64. Саёҳат олдидан .....	197
65. Яшасин тинчлик, бор бўлсин тинчлик.....	201
66. Биз енгамиз бўронларни .....	204
67. Донишманд соат.....	207
68. Келажак бизники.....	210
Глоссарий .....	213

*Учебное издание*

**Махбуза Октамовна Мусаева  
Зарифа Исламшиковна Аташикова  
Нигара Октамбаевна Шамадиева**

## **АДАБИЙ ЎҚИШ**

Умумтаълим мактабларининг  
4-синфи учун дарслик

*(на узбекском языке)*

Редактор	<i>Ш.А. Туйчиева</i>
Художественный редактор	<i>Ш.Ш. Шомухсинов</i>
Техн. редактор	<i>З. Башанова</i>
Дизайн	<i>Г.А. Утеновой</i>
и компьютерная верстка	

ИБ №7419

Подписано к печати 16.09.2019 г. Формат 70×90<sup>1</sup>/16.  
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.  
Физ. печ. л. 14,0. Усл. печ. л. 16,38. Усл. кр. от. 65,52.  
Тираж 7000 экз. Заказ №



Республика Казахстан. Издательство «Жазушы», 050009.  
г. Алматы, пр. Абая, 143.  
E-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-685-8

9 786012 006858